


ТЕСТОЛОГИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

А.И.РАСУЛОВ

ТЕСТОЛОГИЯ

Ўқув қўлланма

5A210201-Психология (дин психологияси)
5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича)
магистратура мутахассисликлари учун мўлжалланган

Тошкент- 2019

КИРИШ

Инсон фаолиятини баҳолашнинг муҳим воситалари доимий равишда олимлар, тадқиқотчилар ва мутахассисларни диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бу йўналишда анчагина саъйи-ҳаракатлар амалга ошаётган бўлса-да бугунги кун нуқтаи назариридан шахс ва унинг фаолият йўналишларини баҳолаш масаласи асосий масалалардан бирига айланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг психология фани ва унинг мамлакат тараққиётидаги ўрни ошириш масаласига мувофиқ чиқарган қарорлари¹² психологлар фаолиятига эътибор билан бир қаторда юқори талаблар қўяётганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолатларни инобатга олинганда 5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассисликлари, хусусан, 5A210201-Психология (дин психологияси) ва 5A210201-Психология (умумий психология) мутахассисликларини тайёрлаш жараёнида “Тестология” фанини ўқитишнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Республикамизнинг қатор таълим муассасаларида 5210200-Психология (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишида бакалаврлар ва 5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Бакалаврлар тайёрлаш жараёнида “Умумий психодиагностика” фани ўқитилаётган бўлса, магистрлар тайёрлашда эса ушбу курснинг узвий давоми сифатида “Тестология” фани психологик аспектдан ўқитилиши инобатга олинган. Магистрларни касбий тайёргарлик жараёнлари учун “Тестология” фанининг ўқитилиши эса мутахассисларни ўз соҳасига алоқадор билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши учун ўқув адабиётлар зарурат юқори. Мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги мавжуд

¹ Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4319-сон [қарори](#)

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 07.06.2019 йилдаги 472-сон, **Манба:** ҚХММБ, 08.06.2019 й., 09/19/472/3253-сон

эхтиёжларни ҳисобга олган ҳолда 5A210201-Психология (дин психологияси) магистратура мутахассислигининг ўқув дастурига мувофиқ “Тестология” фанидан ўқув қўлланма тайёрланган. Ўқув қўлланма Республика ҳудудида мазкур фан доирасидаги илк ўқув адабиётлардан бири саналади. “Тестология” номли ўқув қўлланмада фанинг муаммоларига, унинг тарихи, назарий-методологик принциплари, тестларга қўйиладиган талаблар, интеллект ва қобилият тестлари, шахс сўровномалари ва бошқа типдаги тестларни тузишда психология фани доирасидаги муаммо сифатида ёндашилган ва материаллар тақдим этилган.

Ўқув қўлланма кириш, икки бўлимда мужассамлаштирилган, ўн боб, глоссарий, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

БИРИНЧИ ҚИСМ. ТЕСТОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1-БОБ. ТЕСТОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Режа:

1. Тестология тушунчаси, тестологиянинг тавсифи. Тестологиянинг предмети.
2. Тестология, психодиагностика ва психологик тестлаштириш тушунчалари.
3. Тестологиянинг мақсад ва вазифалари.

Таянич сўзлар: *тестология, тестлаштириш, педагогика ва психология.*

Психологик тестлаштиришнинг спонтан тарзда вужудга келишини узок тарихий давр билан боғлаш мумкин. Антик даврга хос мисол сифатида буюк саркарданинг ўз қўшинидаги аскарларини сувни қандай ичишларига эътибор қаратиши орқали уларни ахлоқий-иродавий сифатларини муҳокама қилиши мисол сифатида келтирилади. Шу ўринда эслатиб ўтиш мумкинки, **тестология** - шахснинг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир.

Замонавий тестология етук амалий фан бўлиб, ўзида тест топшириқларини яратишнинг асосий тушунчалари ва терминларини, тамойилларини, шаклларини (тузилишини), мазмунига, қийинлигига қўйиладиган талабларни, тест топшириқларини баҳолаш шкалаларини, яъни тест топшириқлари банкни яратиш бўйича фаолиятни белгиловчи меъёрларни ўзида жамлайди.

Ҳозирги вақтда ихтиёрий таълим муассасасининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фаолиятида ўқитадиган фани бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш усули сифатида тест ўтказишдан фойдаланади. Бунинг учун у

илмий асосланган тест топшириқларини Давлат таълим стандартлари ёки Давлат талабларига мос таълим дастури бўйича ишлаб чиқиши зарур. Таълим муассасалари ўқитувчилари замонавий тестология фани талабларига жавоб берадиган тест топшириқларини ишлаб чиқиши учун махсус тайёргарликни ташкил этиш зарур.

Таълим тизими учун тестологларни тайёрлаш бўйича чет эл мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси (РФ) тажрибаси ўрганилган. РФ таълим тизимида педагоглар малакасини ошириш таълим муассасаларида тестолог-мутахассисларни тайёрлаш курслари ташкил этилган бўлиб, қўшимча «Тестолог», яъни педагогик ўлчовлар соҳаси бўйича мутахассис малакасини олмоқчи бўлган шахсларни тайёрлаш учун кўплаб касбий таълим дастурлари мавжуд. Бунинг учун касбий таълим дастурлари ва тайёрлаш даражасининг минимум мазмунига қўйилган Вақтинчалик давлат талаблари тасдиқланган. Дастур таълим тизимининг профессор-ўқитувчилари, педагогик ва илмий-тадқиқотчи кадрлар таркибидан тестологларни тайёрлаш учун мўлжалланган. «Тестолог» малакаси олий таълим муассасаларини педагогика ва психология йўналишлари бўйича битирувчиларнинг, шунингдек, магистратура битирувчиларнинг асосий малакасига қўшимча бўлиб ҳисобланади. Дастурдан, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим ва қўшимча касбий таълим тизимида ҳам фойдаланиш мумкин. Дастур таълим тизимининг профессор-ўқитувчилари, педагогик ва илмий-тадқиқотчи кадрлар таркибидан тестологларни тайёрлаш учун мўлжалланган. «Тестолог» малакаси олий таълим муассасаларини педагогика ва психология йўналишлари бўйича битирувчиларнинг, шунингдек, магистратура битирувчиларнинг асосий малакасига қўшимча бўлиб ҳисобланади.

Тестология - шахсининг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир. Таълимнинг

асосий мақсади — ўқувчиларга фанлар бўйича назарий билимлар бериш, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда маънавий, ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, дунёқарашларини шакллантириш, кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Берилаётган билим, ҳосил қилаётган кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ва баҳолаш ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларни аниқлашда эса турли форма ва методлардан фойдаланилади. Жумладан, савол ва жавоблар, суҳбат, ёзма ишлар коллеквиум, семинар, синов, имтиҳонлар ўтказиш ва бошқалар. Юқорида қайд қилинган форма ва методларга нисбатан тест топшириқлари асосида синовлар ўтказиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлашда ҳамда баҳолашда анча қулай ва самарали йўллардан бири ҳисобланади.

Тестлардан фойдаланиш ҳозирги куннинг асосий талабларидан биридир. Бу эса билим, кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини (қай даражада) ва баҳолашнинг объектив миқдорига бўлган зарурият билан боғлиқдир. Тест — инглизча сўз бўлиб, «тестр», яъни «текшириш» маъносини билдиради. Тестлардан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар инглиз олими Фишернинг 1864 йилда эълон қилинган «Scale books» китобида, Америка олими Ж.И.Ройошнинг «Орфография — билимларни текшириш» жадвалида (1884), немис олими Эббенгауснинг (1897) нуктали бўлиб қолдирилган матнларида келтирилган. XIX асрнинг дастлабки ўтган йилида мактабда ўзлаштиришни аниқлашга хизмат қилувчи тестлар Германияда, кейинчалик АҚШда яратилиб янада ривожлантирилган. Ҳозирги пайтда бундай тестлар Буюк Британия, Скандинавия, Нидерландия, Туркия, АҚШ, Германия мактабларида муваффақият билан қўлланиб келинмоқда.

Тестлар умуман қуйидаги қисмларга бўлинади: а) психологик; б) педагогик; с) социологик. Психологик тестлар — шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди. Педагогик тестлар таълим- тарбия жараёнида билимлар

даражасини аниқлайди. Социологик тестлар — шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди. Бу ерда кўпроқ педагогик тестлар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Педагогикада қўлланадиган тестлар предмет тестлари деб аталади. Предмет тестлари ҳар бир предметдан ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, системалаштириш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадларига қаратилиши мумкин. Ўқув йили давомида таълим-тарбия жараёнида юқоридаги тест формаларининг исталганидан фойдаланиш мумкин. Битириш ва кириш имтиҳонларида программалаштирилган тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тест варианты қанча кўп бўлса, синов натижаси шунча объектив бўлади. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Касбий таълим йўналишлари талабаларни илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан қуроллантириш мақсадида яратилган. Тестшунослик асослари мазмунини ёритишда унинг одатдаги ўқитиш усулларида фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимига уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топшириқлари шакллари, уларни тузиш ҳамда педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ўқув материални тўла ўзлаштириш ғоясини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари баён этилган. Ҳар бир мавзуга оид мустақил таълим учун топшириқлар ва турли шаклдаги назорат тестлари берилган. Тузилган тест топшириқлари фақатгина ўзлаштиришни назорат қилибгина қолмай, балки ўргатувчи (ўқитувчи) функцияни ҳам бажаради. Чунки, бу тест топшириқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равишда ўзлаштиришга ҳам эришилади.

Мазкур ўқув қўлланманинг навбатдаги мавзуларида акс этириладиган материалларда тестологиянинг психологик жиҳатлари нуқтаи назардан ёндашилади. Тестология фанлар тизимидан фан бўлганлиги сабабли, у психологик, педагогик, тиббий, кибернетика ва ҳатто техника соҳаларида ҳам мансуб томонлари мавжуд. Тестологияга психологик жиҳатдан

ёндашганда психодиагностика фани билан уйғунлаштиришга ва таяниш лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. “Тест” сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?
2. Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини очиб беринг;
3. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини айтиб беринг;
4. Тест синовлари эволюцияси нима?
5. Тестология фанлар тизимидаги фан деганда нима тушунилади.
6. Тестологиянинг психологик жиҳатдан қандай тушуниш мумкин?
7. “Тестолог” қандай мутахассислик ҳисобланади?
8. Тестнинг қандай турлари мавжуд?

Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4319-сон қарори. Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор.
5. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
6. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.

7. Қосимов С., Сапаев М., Юсупов А. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш. Урганч, 2009 й., 41 бетда.
8. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.
9. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.
10. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401.
11. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.
12. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.
13. Расулов А.И. Психодиагностика.-Т., “Mumtoz so’z”, 2010.-169 бет.

2-БОБ. ТЕСТОЛОГИЯ ТАРИХИ

Режа:

1. Тестологиянинг фан сифатида шаклланишининг тарихий илдилари
2. Тестологияни фан сифатида шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.
3. Тестологиянинг фан сифатида ривожланишининг босқичлари.

Таянич сўзлар: *илк педагогик тестлар, интеллект тестлар, психологик ўлчаши, ақлий ёш, интеллектуаллик коэффиценти,*

XIX асрнинг охирида сўровномалар методидан хотирани (А. Бине, Ж. Куртье), тафаккур тушунчасини (Т. А. Рибо), ички нутқни (Ж. Сен-Поль) ва бошқаларни тадқиқ этишда фойдаландилар. Чоп этилган сўровномалар респондентларга тақдим этилган, баъзи ҳолатларда эса журналларда нашр этилди. Шу тарзда сўровнома методи шахснинг сифталарига муносабатни ўрганишда қўлланилмади.

Биринчи шахсни ўрганиш сўровномаси америкалик психолог Роберто Вудвортс томонида 1919 йилда «Шахс ҳақида маълумотлар бланки» яратилган эди.

Бу сўровнома ҳарбий шахсларни невротик симптомли ҳолатлардан саралаб олиш учун мўлжалланган. Сўнгра шахслик сўровномалари шахсни психодиагностик тадқиқ этиш методилари сифатида кенг тарқалди. Ҳозирги кунда сўровномалар психодиагностиканинг кенг қўлланилаётган методларидан бир саналади.

Шахслик сўровномалари сифатига кўра жуда кучли тафовутланади. Бу борадаги энг «муваффақиятли» методика сифатида ММРІ келтириш мумкин. Методика охириги 50 йилликда яратилган методика ҳисобланади.

www.mentalforce.ru

Профессионал тестлаштиришнинг вужудга келиши

Психологик тестлаштиришнинг спонтан тарзда вужудга келишини узоқ тарихий давр билан боғлаш мумкин. Антик даврга хос мисол сифатида буюк саркарданинг ўз қўшинидаги аскарларини сувни қандай ичишларига

эътибор қаратиши орқали уларни ахлоқий-иродавий сифатларини муҳокама қилиши мисол сифатида келтирилади.

Тест – бу синов, камлик бўйича кўплик ҳақида муҳокама қилиш назарда тутилади. Тестни яратишда психик актларнинг индивидуал тафовутлари имкониятлари аниқланади, тестлаштириш жараёнида бир қатор мезонлар орқали одамнинг индивидуал хусусиятлари баҳоланади.

Профессионал психодиагностикага қадар инсоният инсоннинг шахсий хусусиятларини баҳолашнинг турли усулларини ўйлаб топишган. Ҳар хил даражадаги холислилик. А) кўпчилик ҳақида камчилик бўйича муҳокамалаш ва текширилувчиларнинг барчасига холисона ёндашувнинг ўзи етарли эмас. Бундай талаб астрологияда ҳам учрайди: туғилган сана ва вақт орқали шахснинг хусусиятлари, тақдир , психологик ҳамкорлик ҳақида хулосалар чиқарилишига ҳаракат қилинади.

Профессионал тестлаштиришнинг муҳим шарт-шароити методикаларнинг валидлиги белгилайди. Тарих ихлосманди адабиётларда сув ичиш билан боғлиқ тест изоҳига дуч келганда саркарданинг ақли ва фаҳм-фаросатлиги буни изоҳлашга асос бўлишини тушунади.

Профессионал диагност доимий равишда ишончли маълумот олишнинг муҳим шартини излашга ҳаракат қилади. Француз олими А.Бинега қадар (оммабоп тестларни асосчиси) бир қатор психофизиологик (сенсомотор сифатлар-сезгирлик, реакция тезлиги ва бошқалар) тестлар мавжуд эди. Аммо босқичма-босқич олий психик функциялар, шунингдек, интеллект ҳақида ахборотларга эҳтиёж туғилди. Бине интеллект тестларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратди.

Таълим вазирлиги 1904 йилда унга ўқувчиларнинг таълим олишга қобилиятларига кўра ажратиш, дангаса ва ўқишга хоҳиши бўлмаган болалардан туғма дефектлари ва одатдаги мактабда ўқишга лаёқатсиз болаларни ажратишга мўлжалланган тестларни яратиш топшириғи берилди. Ақлий тараққиётдан ортда қолган болалар ва умум таълим мактларини очиш билан боғлиқ зарурат бунга сабаб бўлди. А.Бине А.Симон билан

ҳамкорликда уч ёшли болалардаги диққат, хотира, тафаккурини ўрганиш бўйича бир қатор экспериментлар ўтказдилар. Эксперимент топшириқлари статистик мезонлар бўйича ўтказилиб, интеллект даражасини аниқлаш воситаси сифатида қарала бошланди.

Сўнгра мавжуд билимлар билан боғлиқ барча топшириқларни такомиллаштириш борасида муаллифларнинг бир қатор уринишлари мавжуд. Бине интеллектни ривожланиши таълим билан эмас, биологик этилиш натижасида содир бўлади деган тасаввур билан ишлади.

Кейинчалик Бине-Симон шкаласи немис ва инглиз тилларига таржима қилинди. Шкаланинг иккинчи редакцияси (1908) анча фарқ қилиб, у 13 ёшгача бўлган кўламда кенгайтирилди, топшириқлар сони кенгайтирилди ва ақлий ёш тушунчаси киритилди. Шкаланинг иккинчи таҳрири кенг тарқатилди. Охирги учинчи таҳрири Биненинг вафотидан сўнгра эълон қилинди ва унга етарлича ўзгартириш киритилмади.

Энг муҳим янгилик ақлий ёш тушунчасини киритилганлиги эди. Бине шкаласидаги топшириқлар ёш бўйича гуруҳлаган эди (3 ва 13 ёшгача). Ҳар бир ёш учун маълум тестлар саралаб олинган. Улар агар текширилувчиларнинг кўпчилиги қисми (80-90%) топшириқларни еча олса, ушбу ёш гуруҳга мансуб деб ҳисобланган. 6 ёшгача бўлган болалар учун 4 та топшириқ тақдим этилади, 6 ёшдан катта бўлгандарга эса 6 та топшириқ тақдим этилган. Бине шкаласидаги интеллект кўрсаткичи IQ эмас, балки ақлий ёш ва хронологик ёшга ажратилади. Агар боланинг ақлий ёши хронологик ёшидан катта бўлса, бу интеллектни ривожланганлигини англатади. Кичик бўса, тараққиётдан ортда қолганлигини далиллайди. Ақлий ёш тест топшириқларини муваффақиятли бажарилиши асосида аниқланади. Синов текширилувчиларга ўз ёшига мансуб тест топшириқларни намоён этиш билан бошланади. Агар бола ўз ёш гуруҳидаги барча топшириқларни бажара олса, унга катта ёшдагилар гуруҳи топшириғини бажариш тақдим этилади. Агар у топшириқларни ҳаммасини еча олмаса, синов тўхтатилади. Агар бола ўзининг ёш гуруҳига тегишли

топшириқларни еча олмаса, у ҳолда унга кичикёш гуруҳига мансуб топшириқлар тақдим этилади. Синов текширилувчининг барча топшириқларни ечиб, ёши аниқлангунча давом этади.

Текширилувчилар ечадиган барча топшириқлар максимал ёш ва ақлий ёшнинг асоси ҳисобланади. Агар бола катта ёш гуруҳида бир қатор топшириқларни бажарса, бу бажарилган ҳар бир топшириқ уларнинг “ақлий ойини” баҳолайди. У ҳолда сон кўрсаткичлари ойни ифодаловчи сифатида қўшилади. Интеллектни аниқлашга мўлжалланган тестлар туфайли стандарт IQ шкласини ва статистик шакли тушунчасини киритди.

Тестлаштиришнинг тарихий илдиэлари³. XIX асрнинг экспериментал психологи Ф.Гальтон индивидуал фарқларни ўлчаш билан шуғулланди ва унинг асосий мақсади ўлчашнинг умумий қоидаларни яратишдан иборат эди. У инсоннинг хусусиятлари, диққат хусусиятлари ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар, идрокнинг индивидуал хусусиятлари тадқиқ этишдан иборат эди. Шундай қилиб, амалда шахсларнинг бир хил кузатилади, деб оқибатда оғишлар, алоҳида ўзгарувчанлик, умумлашма қилиш учун эмас, балки аниқ ва тахминий хулосаларга келишга эришди. Шахсга бундай ёндашиш илк илмий лабораторияларда амалга оширилди.

У ўз ишларини Лейпцдаги 1879 йилда ташкил этилган В. Вунднинг илк тажрижаларига таяниб олиб борди. Унинг тадқиқот йўналиши ва экспериментал ишларни олиб боришидаги дастлабки босқичда бошқа асосчиларнинг тажрибалари белгиловчи рол ўйнайди. Дастлабки тажрибажолар физика қонуниятлари билан алоқадор бўлиб, муаммолар, асосан лабораторияларда визуал, эшитув ва бошқа сезувчанлик, оддий реакция вақтини ўрганишга бағишланган эди. 19-асрда экспериментал психологиясида индивидуал фарқ йўналишини таъсир бошқа жиҳатдан тажриба-синув ривожлантиришга сабаб бўлган иле психологик ёндашув саналади. Тажрибалар қаттиқ мониторинг шароитида, кузатувларини

³ Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P6-7.

ўтказиш . Мисол учун, кўрсатмалар , бизга рухсат мавзу тажрибада реакция анча ошириш ёки унинг тезлигини камайтириш мумкин . Шунингдек, атрофдаги нур ёрқинлиги ёки визуал сезги фаолиятга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, кузатишнинг аҳамияти исботланди. Бу эса кейинчалик стандарт шароитларда синовларни ва тартиб стандартлаштиришни амалга оширишда психологик тестларни яратилишига сабаб бўлди.

Ф.Галтоннинг экспериментал изланишлар олиб боришда ўзига хос ҳиссаси бор. Инглиз биолог Ф.Галтон амалий психологияни ривожланишнинг асосчиларидан бири эди. Унинг кўп ва хилма-хил тадқиқотлари ирсиятни ўрганишга бағишланган эди. Ирсиятни ўрганиш каби оҳанг, одамлар хусусиятларидан ўлчашдан кўпроқ хабардорлиги ишларни амалга оширишига қўл келди. Фақат шу йўл билан у ўзини тадқиқот йўналишига эга бўлди. Шунинг учун, ота-оналар ўртасидаги ўхшашликнинг аниқ даражаси ака- укалар, яқинлар ва амакиваччалари ёки эгизакларни ўрганишда ҳам ҳисобга олди. Бунинг учун Ф. Галтон антропометрик тажриба-синовларини ўтказди. У шунингдек, жаҳон кўрғазмасида 1884 йилда антропометрик лабораторияни ишга туширди ва тажриба-синовларни амалга оширди. У ерда меҳмонларнинг жисмоний хусусиятлари, кўриш ва эшитиш, мушак кучи, реакция вақти учун тестларни татбиқ этди.

Ф.Гальтон ўзи энг оддий синовларида ишланган айрим синов воситалари ҳали ҳам мавжуд. Масалан, визуал оғиш, ҳуштак узунлиги, идрок имкониятларини, кинестетик оғишларни ўлчаш учун серияли топшириқлардан фойдаланган.

Ф. Гальтон ҳиссий ўзгаришларни аниқлаш тестлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблади. Ўз навбатида Гальтон ҳам ақлий нуқсонларни ўрганишга эътибор қаратди. Кейинчалик Гальтон ўз тадқиқотларида К.Пирсоннинг математика усулларини тадбиқ этди.

Жеймс Кеттелл ва унинг “психологик тестлар”, айниқса психология тарихида ўзига хос ўринга эга. Психологик тестларни ривожлантиришда америкалик психолог Жеймс Кеттелл салмоқли ишини амалга оширди. У бу борада маълум асарлар яратган бўлиб, натижасида унинг хизматлари туфайли экспериментал психология пайдо бўлди. Ж.Кеттеллнинг тадқиқотларида В.Вундт ва Ф.Гальтоннинг таъсир мавжуд. У ўзининг кейинги тадқиқотларида зехн тестларини яратиш ва қўллаш масалаларига йўналтирди. 1890 йилда Ж. Кеттелл томонидан мақолада “Интеллект ва унинг ўлчаш масаласига” бўйича мақола ёзди. Ушбу мақолада бир қатор тестларни интеллектуал аниқлаш учун қўллаш хусусиятлари ёритилди.

П.Х. Дюбуа (P.H.Dubois, 1966) қадимги хитой задоганларини ишга қабул қилишда психологик тестлаштиришдан бундан 3000 йилга яқин йилдан олдинроқ амалга оширилганлигини қайд этади. Қадимги греклар тестлаштиришни таълим жараёнининг йўлдоши сифатида қараб, жисмоний ва ақлий кўникмларни ўзлаштиришни баҳолашда тестлардан фойдаланганлар.

Суқрот методи таълим жараёнининг тестлаштириш билан уйғунлашувни ифодалайди. Ўрта аср европа университетлари учун илмий унвон ва даражалар бериш учун имтиҳонлар жорий этилди. Бироқ замонавий психологик тестлаштириш ҳақимда сўз борганда XIX асрга эътибор қаратишни талаб этади.

Тестлаштиришнинг тарихидан ҳам маълумки, дастлабки диагностик методикалар, хусусан, испан олими Хуан Харт (1530-1589) ва француз олимлари Ж.Эскирол (1772-1840), Э.Сеген (1812-1880), томонидан тақдим этилган диагностик воситалар инсон психологиясининг маълум бир жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлса-да, ташхис натижалари сифатини баҳолаш борасида маълум талаблар масалалари хусусида тўхталишга эрта эди. Шундай бўлса-да, Ж.Эскирол ва Э.Сегенлар психик касаллик билан ақлий таракқиётда ортда қолиш ўртасидаги фарқлашни муайян мезонлар орқали ўрганишга киришган эдилар.

Биринчи психологик тестларнинг тўлиқ баёни Ф.Л. Гудинаф (F.L.Goodenoligh, 1949). Дж.Петерсона (J. Peterson. 1926)нинг ишларида учрайди. Психологик тестлаштириш тарихи Э.Г. Боринг (E.G. Boring, 1950) ва Г. Мерфи, Дж.К. Ковач (G. Murphy, J.K. Kovach, 1972), П.Х. Дюбуа (P.H. Dubois, 1970)ларнинг асарларида ўз аксини топган⁴.

Психологик тестлаштириш тарихида келтирилган умумий маълумотларга кўра ақлий тараққиётдан ортда қолганлик муаммосининг даволай олмаслик ҳақидаги фикрлар Э. Сеген (E. Seguin, 1907)нинг тажрибаларида узок вақт давомида олиб борган таълим методларида янги бир ёндашувни жорий этиш имконини берди. Натжада 1837 йилда ақлий тараққиётдан ортда қолган болаларни ўқитиш мактабига асос солинди. 1848 йилда Америкага кетиб, унинг ғоялари юқори даражада эътироф этилишга сабаб бўлди. Э.Сегеннинг бир қатор усуллари, ҳаракат тестлари ва новербал интеллект тестларни жорий этилишига олиб келди. Бунга Э.Сегеннинг номи билан аталадиган доска шаклини келтириш мумкин. Ушбу доскада индивиддан ҳар хил фигураларни тезкорлик билан жойлаштиришни талаб этади.

Тестологияда етарлича изланишлар ва методикалар яратилаётган бўлса-да, аммо татбиқ этиш сифати доимо мутахассислар диққат мараказида бўлиши лозим бўлади. Тестология тарихидан ҳам маълумки, дастлабки диагностик методикалар, хусусан, испан олими Хуан Харт (1530-1589) ва француз олимлари Ж.Эскирол (1772-1840), Э.Сеген (1812-1880), томонидан тақдим этилган диагностик воситалар инсон психологиясининг маълум бир жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлса-да, ташхис натижалари сифатини баҳолаш борасида маълум талаблар масалалари хусусида тўхталишга эрта эди. Шундай бўлса-да, Ж.Эскирол ва Э.Сегенлар психик касаллик билан ақлий тараққиётда ортда қолиш ўртасидаги фарқлашни муайян мезонлар орқали ўрганишга киришган эдилар.

⁴ Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P18-19.

Илмий Тестологиянинг таркиб топишида психология фанида эксперимент ва натижаларни ўлчаш ғояларининг кириб келганлигини тадқиқот соҳасида қўйилган катта қадам, деб баҳолаш мумкин. Бу борадаги ўринишларни XIX асрнинг 30-йилларида немис олими Вольф томонидан диққат хусусиятларини аниқлаш борасида узоқ вақт давомида олиб борган изланишларида кузатиш мумкин. Бу тадқиқотларда немис олими “психометрия” тушунчасини биринчилардан бўлиб фанга олиб кирган. Э.Вебер ва Г.Фехнерларнинг (XIX аср ўрталари) психофизик тадқиқотларини ҳам экспериментал психологияда психик ҳодисаларни ўрганишдаги янги йўналиш дейишимиз мумкин. Бу тарздаги тадқиқотларлар кўлами яна бир қатор олимлар томонидан кенгайтирилди. Аммо психологик тадқиқотларда статистик қайта ишлаш усулларини татбиқ этилишини, оламшумул илмий инқилоб, деб қараш мумкин. Ф.Гальтон ўз давридаёқ “корреляция коэффициентини ҳисоблаш” методини (1888 йил) антропометрия ва ирсиятни аниқлашда қўллаган эди. Ф.Гальтон ва унинг издоши К.Пирсонларнинг корреляция коэффициентини аниқлаш усулини, А.Бине ва Т.Симон интеллектни ўлчашда шкалаларга таянгани (1905), В.Л.Штерн томонидан интеллект коэффициенти (IQ)ни фанга киритилганлиги тадқиқотларда сифат ўзгариши юз беришидан далолат беради.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар психодиагностика соҳасидаги илк илмий қадамлар ҳисобланади. Аммо бугунги кунда ҳам психодиагностик методикаларни татбиқ этишда сифат масаласига эътибор қаратиш тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Чунки, кўп ҳолатларда тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган муаммонинг баҳолаш аппарати, уларнинг мезонлари ва ёндашувлари мавҳум ҳолда бўлади. Натижада тадқиқотдан олинаётган маълумотларда илмий янглишишлар йўл қўйилади, ёки тадқиқот янгилигини изоҳлашга асос бўлмай қолади. Шунинг учун психодиагностик методикаларни татбиқ этиш ёки диагностика сифатини аниқлашда, унинг даражалари ва жиҳатларини

инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда голланд олими Ян тер Лаакнинг ёндашувини эътиборга олиш лозим. Унинг фикрича, тестологияда сифатни муҳокама қилишдан олдин, тестлар назарияси (классик ва замонавий), муҳит билан тараққиёт борасидаги назарияларни, методика билан тадқиқот муаммосининг мослигини, диагностик жараёнинг боришидаги талабларни яхши билиш муҳим.

Аmmo тестологияда сифатни аниқлаш масаласи кенг кўламдаги ишларни бажаришни талаб этади. Бунинг учун психодиагностик методикалар сифатини белгиловчи асосий жиҳатларга мурожаат этиш ўринли. Психодиагностик методикалар сифатини белгилашда бешта категорияга таянилади: тестларни яратиш мақсади, тестни структуралаштириш, меъёрлар (нормалар), ишончлилик ва валидлик. Бундан кўринадики, тестлар ва сўровномалар яққол психодиагностик ишланмалар натижаси саналади. Уларни баҳолашнинг эса ўзига хос тизими мавжуд. Баҳолаш тизимидаги етакчи категориялар, яъни ишончлилик ва валидликнинг ўзини ҳам тўғри фарқлай олиш лозим.

Психодиагностик адабиётларда қайд этилган маълумотларга таянганимизда, тест назариялари борасида ўзига хос тажрибалар ва талаблар аниқ белгилаб қўйилганлигининг гувоҳи. Тестлар ва сўровномаларни яратиш, уларни бир муҳитдан иккинчисига мослаштириш ёки янги модификацияларни яратишнинг ўзи улардан муттасил фойдаланиш лозим, деган хулосани бермайди. Тестлар ва сўровномаларнинг ишончли ва валидлигини белгиловчи стандартлар мавжуд. АҚШда ҳар йили объектив кўрсаткичларга эга бўлган тестлар ва сўровномалар ҳақида “Ақлий қобилиятларни ўлчаш йилномасида” маълумотлар бериб борилади. Бундан кўринадики, қатор мамлакатларда тестлар ва сўровномалар расмийлаштирилади ва баҳоланиб бориладиган экан.

Бугунги кунда бизнинг шароитимизда ҳам психодиагностик тадқиқотларда сифат босқичига эриш учун мавжуд тажрибаларга таяниб,

маҳаллий мутахассислар томонидан бир қатор масалалар қайта кўриб чиқилиши лозим:

1. Жаҳон психологиясида қўлланилиб келинаётган “Стандартлар”га таяниб, психодиагностик методикалардан фойдаланиш борасида маҳаллий муҳит учун аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

2. Маҳаллий шароит учун қўлланиши лозим бўлган психодиагностик методикаларни нашр эттириб боришни йўлга қўйиш.

3. Тест ва сўровномалардан фойдаланишнинг илмий-тадқиқий асослар бўйича Республика миқёсида анжуман ўтказиш.

4. Психодиагностик методикалардан фойдаланиш бўйича амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш.

5. Мутахассислар тайёрлаш жараёнида Тестология ва тестология курслари ўқув дастурларида тест ва уларнинг стандартлари масаласи учун алоҳида машғулот мавзулари ажратиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган масалалар бўйича олиб бориладиган чоратadbирлар Республикамизда ўтказилган психологик тадқиқотлар сифатини яхшилаш имкониятини беради.

Психологик тестлардан фойдаланишнинг тадрижий тараққиётининг бир даври, 20-асрнинг бошларида фаолият олиб борган француз олимлари А.Бине ва Т.Симонларнинг номлари билан боғлиқ. Чунки улар томонидан боланинг мактабга тайёрлигини психологик жиҳатдан аниқлашга қаратилган дастлабки уринишларини Ж.Кеттеллнинг интеллект бўйича изланишларининг узвий давоми сифатида қарашга тўғри келади. Улар Франция маориф вазирлиги томонидан берилган топшириқларни амалга ошириш учун олиб борган натижасида психологияда ақлий ёшни аниқлашга эришдилар.

А.Бине⁵ ва Т.Симоннинг тадқиқотларига қадар немис олими Г.Эббингаус томонидан олиб борилган изланишлар, айнан уларнинг

⁵ Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P10-11.

интеллектула тестларни ишлаб чиқиши учун назарий асос бўлди дейиш мумкин. Чунки, Г.Эббингаус томонидан тақдим этилган хотирани ўрганиш тестлари инсон психологияси борасидаги янги методик изланишлар натижаси эди.

1905 йилда А.Бине ва Т.Симон болани интеллектини ўрганишга қартилган 30 топшириқдан иборат шкала ишлаб чиқдилар. Топшириқлар мураккаблик даражасига кўра тузилган эди. Ушбу топшириқлар ўта «кўпол» усулда тузилган бўлиб, (масалан, 5 ёшли бола 14- топшириқдан юқорисини бажара олмайдиган). Ушбу топшириқларда сенсор-перцептив режадаги масалаларга эътибор берилиши билан бир қаторда, уларнинг асосийсини вербал материаллар ташкил этар эди.

1908 йилда Бине-Симон шкаласининг такомиллаштирилган варианты эълон қилинди. Бу вариантда 59 тест топшириқлари бўлиб, улар ёш гуруҳига кўра 3 ёшдан 13 ёшгача мўлжалланган бўлиб, уларнинг ёш хусусиятларига кўра фарқланиши фоиз ҳисобида ажратилар эди. Бунда ёш босқичларини ажратувчи фоизли мезон 67 % дан 75 % диапазон олинган. Берилган топшириқларни кўп миқдорда болалар еча олмасалар бу тест топшириқлари мураккаб, аксинча кўпчилик қисми еча олган ҳолларда енгил тест топшириқлари ҳисобланган.

Тест тарихидаги А.Бине ва Т.Симоннинг тест топшириқлари мисол сифатида келтирилади (1911). Уларнинг илмий изланиш натижалари бир мунча бўлса-да тестларнинг ишлаб чиқишда ўзига хос илмий – назарий асос бўла олган. Уларнинг тест намуналаридаги топшириқлардан келтириб ўтамиз.

7 ёшлилар учун:

1. Ўнг ва чап томонларни фарқлаш.
2. Таклиф этилаётган суратни тафсиллаш.
3. Бер нечта топшириқларни бажариш.
4. Бир неча чақаларни умумий қийматини айтиш.
5. Кўрсатилган тўрта асосий рангларни номини айтиш.

8 ёшлилар учун:

1. Хотирада иккита объектнинг таққослаш. Уларнинг орасидаги ўхшашликни кўрсатиш.
2. 20 дан 1 га қараб тескари санаш.
3. Одамларни ифодалашда тушириб қолдирилган элементларини топиш (4 та топшириқ).
4. Кун, сана, ой, йилларни номлаш.
5. Бешта бир хил сонлар қаторини такрорлаш.

Бу тестларнинг муҳимлиги шундаки, ҳар бир ёш меъёрига кўра нормал болалар уларни тўғри еча олган. Бола ўзининг ёшидаги топшириқлар гуруҳини еча олган бўлса, у нормада деб ҳисобланган. Буни тадқиқотлар боланинг хронологик ёши билан солиштириш асосида аниқланадиган ақлий ёш деб ҳисобладилар.

Тестлар тарихида А.Бине ва Т.Симоннинг изланишларини давомида интеллектни мутлоқ эмас, балки нисбий ўлчаш мумкинлигини эътироф этиб, 1912 йилда ИНТЕЛЛЕКТ КОЭФФИЦИЕНТИНИ аниқлаш усулини фанга киритди. Унинг қисқартирилган варианты IQ бўлиб, у

$$IQ = \frac{\text{Ақлий ёш}}{\text{хронологик ёш}} * 100$$

Бине ўзининг шкаласидаги бундай ўзгаришларни кўриб, бунга нисбатан самимий муносабатни билдириб, камчиликларини аниқлаш имконига эга бўлди.

Бине-Симоннинг тестлари қисқа вақт оралиғида ер юзига тарқалди. Интеллектни тест орқали ўрганиш борасидаги XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида ривожланиш даври Бине-Симоннинг хизмати билан боғлиқ.

Шунингдек, интеллект тестларини статистик таҳлил билан боғлаб тушунтириш концепцияси Чарльз Эдвард Спирмен қарашларида акс этган. Ч.Спирмен изланишлари интеллектнинг икки омилли назариясисни юзага келишига сабаб бўлди. Ушбу назарига кўра интеллект умумий (G-general faktor) ва махсус (S –spetial faktor) омилларга ажратилди. Концепцияда ижобий корреляциялар фақат умумий омиллар кучида тушунтирилади.

Ушбу факторда тестларнинг чуқур кириб бориши улар орасидаги юқори корреляцияни ифодалайди. Махсус омиллар ўлчашдаги хатоларни ифодалайди. Шундан келиб чиқиб Ч.Спирмен кўп омилларни тўғри ҳисоблаш лозимлиги тўғрисидаги хулосасига келди.

Психологик тестлардан фойдаланишнинг XX асрнинг бошларида ривожланиши. Психологик тестларнинг XX асрнинг бошларида ривожланишининг тарихий илдизлари борасидаги дастлабки мулоҳазаларимиз А.Бине ва Т.Симоннинг изланишлари билан бошланган бўлса-да, аммо XX асрнинг бошларида изланишларнинг кўп қисми АҚШда кенг олиб борилди. Дастлаб Бине Симоннинг стандартлаштирилмаган тестларини АҚШда қўллаган тадқиқотчи Генри Годдарт ҳисобланади. Бине-Симон тестларини Г.Годдартдан сўнгра америкалик олим Льюис Мэдисон Термен Х.Д.Чайльдз билан биргаликда тестларни адаптация қилиш билан шуғуллана бошлади. Кўпгина тошириқлар модификация қилинди ва айрим топшириқлар эса қўшилди. Терменнинг мулоҳазаларига кўра IQнинг 90 дан 109 кўрсаткичлари ўртача интеллект даражасини, 70 дан пастси эса ақли пастликни, 140 дан юқориси эса даҳоликни ифодалайди. Термен томонидан адаптация ва модификация этилган тест варианты (Стэнфорд версияси ҳисобланади) АҚШда ақлий қобилиятларни аниқлашда қўлланила бошланди. АҚШда биринчи жаҳон уруши арафасида кенг кўламда тестлаштириш ишлари амалга оширилди.

Биринчи жаҳон уруши вақтида психологик тестлар инструментарийсининг ривожланиши ўзига хос ўрин тутди. П.Фресснинг фикрича, «тестларни яратишга» асос солинди. Америкада Бош Комитет томонидан армияда психологик тадқиқотлар уюштирилди. Комитетга Ж.Кеттелл, Г.Стенли Холл, Э.Торндайк ва бошқа етакчи психологлар жалб этилди. Ушбу даврда иккита тест батареяларидан фойдаланила бошланди.

α - тестлар ва β -тестлардан фойдаланила бошланди. Армиядаги 1726 000 нафар аскар тест синовларидан ўтказилди. Улардан 500 000 нафари

саводсиз, 8000 нафри эса ақлий заиф сифатида армия сафидан чиқарилди, 20 000 нафари эса махсус батальонга хизматга йўналтирилди⁶.

Биринчи жаҳон урушидан кейин АҚШда Стэнфорд шкаласидан ташқарии Кульман (1922), Йеркс (1923), Геринг (1922), ақлий қобилиятни ўрганишга мўлжалланган CAVD (1925) шкаласи (Торндайк раҳбарлигида) ишлаб чиқилди. Европада интеллект диагностикаси борасида Ришар Мейли самарали изланишлар олиб борди. У интеллектнинг аналитик тести (1928), унинг интеллектни тўрт омилли : етарлича мураккаб, пластик, яхлитлик ва равонлиги. Дж.Стенквистон томонидан умумий механистик қобилиятни терма тести (1923), Флоренс Лаура Гудинаф Одам расмини чизиш тести (1926) ишлаб чиқди. Бу тестларда олимларни учта муаммо безовта қилди: 1) катта ёшдагиларни интеллектуал тараққиётини белгилаш учун индивидуал фойдаланиш шкалаларнинг мавжуд эмаслиги; 2) гўдакларнинг ақлий тараққиётини аниқлаш учун қулай шкалаларнинг зарурлиги; 3) интеллект ва шахс муҳим психологик конструктлар сифатида психологик тестларни ишлаб чиқишнинг умумий назариясини яратиш.

Болаларнинг ақлий ривожланиши борасидаги энг эътиборга сазовор ишларни Арнольд Люциус Гезеллнинг (1925) ишларида учратиш мумкин. Бу борада унинг «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий тараққиёти» мавзусидаги ишини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли. Гезелл болаларнинг хулқ-атворини ўрганиш учун киномотографиядан фойдаланди. Ўзининг кузатишлари асосида «Гўдаклик ва инсон камолоти» (1929) асарида, боланинг ривожланиш ҳолатини 3 ойликдан 30 ойлик даврини 195 та мезон билан ўлчаш мумкинлигини қайд этиб ўтди.

Интеллект тестларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда шахсни нокогнитив соҳасини ўрганишга қаратилган методикалар (шахсни ўрганиш тестлари) ҳам яратилишига эътибор қаратилмоқда. Шахс саволномалари борасида Роберт Сессион Вудвортс (1917) анормал хулқни ўрганишга

⁶ Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P12-13.

мўлжалланган тестни ишлаб чиқди. Аммо психологияда шахсни ўрганиш сўровномалари борасида дастлабки саволномаларни биринчи бора, 1909 йилда голландиялик олимлар Г.Хейманс билан Е.Вирсм томонидан ишлаб чиқилган деган мулоҳазалар бор. Улар «Шахсий маълумотлар вароғи» тарздаги бир неча саволномаларнинг муаллифлари саналадилар.

Сўнгра шахс саволномалари борасида Флойд ва Гордон Олпорт шахс фазилатлари рейтингини (1921-22) таклиф этдилар. Фолкер томонидан шахсни баҳолаш тести (1921). Шунингдек психодиагностик тестлар борасида Герман Роршахнинг (1921) ва Трумэн Ли Келлининг (1928) хизматларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Психологик тестларнинг 1930-39 йилларда ривожланиши.

XX асрнинг 30–йилларида бир қатор тестлар вужудга келди. Уларнинг кўп қисми АҚШда яратилди. Шунингдек, 1936 йилда энг етакчи тестлар сифатида қуйидаги бешта тестлар эътироф этилди: Стэнфорд-Бине, Роршах тести, Бернтейтернинг шахс саволномаси, Сишонинг мусиқий таланти аниқлаш тести, Стронгнинг профессионал қизиқишлар бланки.

1938 йилда буюк Британияда психологияда кенг кўламда қўлланиладиган Дж.Равеннинг прогрессив матрицалар тести ишлаб чиқилди. Унинг муаллифлари Дж.Равен ва Л.Пенроус эди Улар умумий интеллектни ўрганиш тестига асос солган эдилар.

Интеллектнинг сусайишини ўрганишга эришган Давид Векслер, ўзининг шкаласини яратди. Унда 11 субътест мавжуд бўлиб, интеллектнинг турли қирраларини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, Векслернинг изланишларида ҳам IQнинг янги бир коэффицентини топиш формуласи тақдим этилди. У қуйидаги модел кўринишига эга:

$$IQ = \frac{\text{Эришилган реал натижа}}{\text{Ёш гуруҳидани кутилаётган ўртача кўрсаткич}}$$

1937 йилда Калифорния университетида ақлий етукликни аниқлаш тести эълон қилинди. Унинг муаллифлари Эдвард Ли Торндайк ва Луис Лион

Терстоун ҳисобланади. 1938 йилда Терстоун ўзининг бирламчи ақлий қобилият тестларини эълон қилди.

30-йиллардаги яна бир муваффақиятли изланишларни Уристиан Морган ва Генри Александр Мюррей амалга оширди. Уларнинг 1935 йилда «Шахс тадқиқотлари» китобида психологик проекция тўғрисидаги назарий ғоя хусусида тўхталинган эди. Сўнгра у асосида Тематик апперцепция тести (ТАТ) вужудга келди.

Шунингдек ушбу йилларда проектив методикаларнинг яратилишида туб бурилиш юз берди, дейиш мумкин. Чунки, венгер-швецариялик олим Леопольд Сонди тести психология оламига кириб келди. Унинг тестида 6 серия ҳар хил психик касалликдан азобланаётган беморларнинг (ҳар бир серияда 8 тадан портретлар) фотографиялар бўлиб, текширилувчиларга ҳар бир сериядан ўзларига энг кўп ёқувчи ва энг кам ёқувчиларидан иккитасини танлаш тавсия этилган.

40-йилларда психологик тестларнинг ривожланиши.

1940 йилларда Оскар Буроснинг «Психик ўлчашларнинг йилномаси» нашрида психологик тестлар ҳақида маълумотлар тақдим этила бошланди. Бунда 325 тест шарҳланиб, 200 тест фақат санаб ўтилган эди. Биринчи жаҳон уруши сингари, иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳам АҚШда янги тестлар ишлаб чиқиладиган борди. Америкалик олимлар яна асосий эътиборни армия учун зарур гуруҳий тестларни яратишга киришдилар ва Армиянинг умумий классификацияловчи тести-гуруҳий тести яратилди. Унда 10млнга яқин ҳарбий хизматчилар тестдан ўтказилдилар. Шунингдек, ҳарбийларда Роршах, ТАТнинг қисқартирилган варианты, вазиятли тестлар ҳам татбиқ этила бошланди. Буюк Британияда эса Равеннинг прогрессив матрицалари ҳарбий классификациялашда қўлланила бошланди.

40-йилларда Стэнфорднинг “Эришганлик даражасини аниқлаш” тести, Отиснинг классификацион тести, Кьюдернинг 168 топшириқли саволномаси, шунингдек, Катрин Бриггс ва унинг қизи Исабел Майерс

томонидан «Майерс-Бриггснинг типлар индикатори» устида ишлар олиб борилиб, 1962 йилдагина ушбу тест эълон қилинди.

Ушбу йилларда кўпчиликни эътиборини Миннесотнинг кўп жабҳали шахсни ўрганиш саволномаси (MMPI) ўзига жалб этди. Г.Ю.Айзенкнинг Моудслейск тиббиёт саволномаси яратилди. Шунингдек, ДЖ.Гилфорд «Темперамент шарҳи» деб номланган тестни ишлаб чиқди.

Урушдан сўнгра Саул Розенцвейнинг фрустрацияга реакцияни аниқлаш проектив тести (24 та суратдан иборат) вужудга келди.

50-йилларда Векслернинг катта ёшдагиларни интеллектини ўрганиш шкаласи яратилди. Р.Кеттеллнинг интеллектни аниқлашнинг эркин маданий тести ва 16 факторли шахс саволномаси яратилди (1958).Дж.Тейлорнинг безовталанишнинг намоён бўлишини аниқлаш методикаси (1953) кенг кўламда тадқиқот майдонига кириб келди.

Хорижий психологияда психологик тестларни қўлланилишининг ўзига хослиги

Психологик тестларнинг ривожланиш тарихи тўғрисида тўхталган ўтган параграфимизда шуни гувоҳи бўлдикки, тестология соҳасида хорижий психология вакиллари анчагина узок йўлларни босиб ўтганликларини гувоҳи бўламиз. Бунинг натижасида тестларнинг татбиқ этиш соҳалари, уларнинг турлари ва қўлланилиши учун зарур талабларда ҳам ўзига хос бир илмий муҳитни кузатиш мумкин. Ҳаттоки, тестология соҳасида қўлланиладиган методикаларнинг ўрни ва ролини аҳамиятини белгилаш учун улар томонидан статистикани юритилишини ҳам аҳамият молик эканлигини эътироф этиш керак. Масалан, 1935-1982 йиллар оралиғида татбиқ этилган тестларнинг ранг солиштирмасига мурожаат қиладиган бўлсак, қуйидаги жадвалларнинг гувоҳи бўламиз (бундай статистик баҳолашни ҳам биз ўз ишимизнинг иккинчи бобида амалга оширамиз)⁷.

**1932-1982 йилларда АҚШ тестлардан фойдаланишнинг
ранг кўрсаткичлари**

Тестлар	Ранг ўрни
Миннесотининг кўп жиҳатдан шахсни ўрганиш сўровномаси	1
Векслернинг катта ёшдагилар учун мўлжалланган шкаласи	2
Бендернинг гешталь тести	3
Роршах тести	4
Векслернинг болалар учун мўлжалланган интеллект шкаласи	5
Тематик апперцептив тест	6
Гапларни тугаллаш тести	7
“Инсон расмини чиз” тести	8
“Уй-дарахт-одам” тести	9
Пибода тести	10
Роттернинг гапларни тугаллаш тести	11
Векслернинг хотира шкаласи	12

Бундан кўринадиги тестларнинг амалиётда татбиқ этиш ва ҳар хил психологик тадқиқотлар учун жамият буюртмасининг ҳал этилиши ва тестларнинг амалиётдаги мавқеини белгилаш кўп жиҳатдан умумий тадқиқот йўналишлари учун мўлжал олиш имконияти келиб чиқади. Бундан кўринади, хорижий психологияда бу борадаги эътиборга олиб борилаётган изланишлар биринчидан психологик тестларнинг тадқиқотлардаги ўрнини,

иккинчидан тадқиқотларга бўлган заруратни белгилайди⁸ Шу ўринда яна бир ҳолатни келтириб ўтиб кетишимиз ўринли босиб ўтилган илмий тадқиқот йўлда тестларнинг ишлатилиши ва уларнинг муттасил жамоатчилик диққат марказида бўлиши ҳам муҳим экан. Чунки татбиқ этилаётган тестларни роли ва ўрни ва уларнинг оммавийлигини ҳисобга олиб бориш лозим. Америка психологик ассоциациясининг лазер дискидаги маълумотлар банкида, PsyLitда қайд этилишича, бугунги кунда 50 мамлакатдаги 1300 психологик журналларда мулоҳаланаётган мақолларнинг роли тақдим этилиб борилишича (маълумотлар ҳар уч ойда янгилашиб боради), энг оммавий шахсни ўрганиш тестлари ва сўровномалар борасидаги 1990-1996 йилларда қуйидаги статистик кўринишни олган⁹ (2-жавдал)

2-жадвал

**Шахсни ўрганиш тестларининг мақолаларда қайд этилиш ҳолати
(1990 йил январ -1996 йил июллардаги маълумотлар асосида)**

<i>Шахс сўровномаларининг номи</i>	<i>Қайд этилган мақоллар миқдори</i>
Бекнинг депрессия сўровномаси	1337
Безовталанишни диагностикаси сўровномаси	869
ММРІ-2	772
Айзенк сўровномаси (EPQ)	571
Умумий саломатликни баҳолаш сўровномаси	539
Айзенк сўровномаси (EPI)	394
16 омилли шахсни ўрганиш сўровномаси	322
Миллон сўровномаси (I,II,III)	287

Келтирилган маълумотлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, хорижий психологияда тестларни татбиқ этиш XX асрнинг 90- йилларда кўпроқ индивидуумнинг хулқ-атвориға эътибор қаратилган. Ҳаттоки эътибор кўпроқ инсон фаолиятининг мураккаб, стрессли шароитларини

⁸ Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P18-19.

⁹ Бурлачук Л,Ф, Психодиагностика.-Спб.: Питер.2000. 79-бет

баҳолашга қаратилган. Тадқиқот методикалари ҳам шунга кўра ишлаб чиқилишига зарурат туғдиради.

Биз параграфимизнинг бошида хорижий психологияда тестларни татбиқ этишнинг ўзига хос томонларини, уларни қўлланилиши соҳалари тарихига мурожаат қилишимизни таъкидлаган эдик.

Биз шуни қайд этишимиз керакки, психологик адабиётларни ўрганишимизда психологик тестларни татбиқ этиш хорижий психологияда маълум тизимни юзага келтирган ва уларнинг фойдаланишни мувофиқлаштирувчи уюшма фаолият ҳам олиб боради.

Хорижий психологияда тестларни татбиқ этиш жараёнида уларнинг сифатини баҳолаш ва стандартларига алоҳида эътибор қаратилади.

Шунинг учун психодиагностик методикаларни татбиқ этиш ёки диагностика сифатини аниқлашда унинг даражалари ва жиҳатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда голланд олими Ян тер Лаакнинг ёндашувини эътиборга олиш лозим. Унинг фикрича психодиагностикада сифатни муҳокама қилишдан олдин, тестлар назарияси (классик ва замонавий), муҳит билан тараққиёт борасидаги назарияларни, методика билан тадқиқот муаммосининг мослигини, диагностик жараёнинг боришидаги талабларни яхши билиш муҳим деган хулосани беради¹⁰.

Аммо психологик баҳолашда сифатни аниқлаш масаласи кенг кўламдаги ишларни бажаришни талаб этади. Бунинг учин психодиагностик методикалар сифатини белгиловчи асосий жиҳатларга мурожаат этиш ўринли. Психодиагностик методикалар сифатини белгилашда бешта категорияга таянилади: тестларни яратиш мақсади, тестни структуралаштириш, меъёрлар (нормалар), ишончлилик ва валидлик. Бундан кўринадики, тестлар ва сўровномалар яққол психодиагностик ишланмалар натижаси саналади. Уларни баҳолаш эса ўзига хос тизими мавжуд. Баҳолаш тизимидаги етакчи категориялар, яъни ишончлилик ва валидликни ўзини ҳам тўғри фарқлай олиш лозим.

¹⁰ Ян тер Лаак. Психодиагностика: проблемы содержания и методы.-М.: АПСН МПСИ, 1996. –Б.316-321.

Психодиагностик адабиётларда қайд этилган маълумотларга таянганимизда, тест назариялари борасида ўзига хос тажрибалар ва талаблар аниқ белгилаб қўйилганлигини гувоҳи бўламиз¹¹. Тестлар ва сўровномаларни яратиш, уларни бир муҳитдан иккинчисига мослаштириш ёки янги модификацияларни яратишни ўзи улардан муттасил фойдаланиш лозим деган хулосани бермайди. Тестлар ва сўровномаларни ишончли ва валидлигини белгиловчи стандартлар мавжуд. АҚШда ҳар йили объектив кўрсаткичларга эга бўлган тестлар ва сўровномалар ҳақида “Ақлий қобилиятларни ўлчаш йилномасида” маълумотлар бериб борилади. Бундан кўринадики, қатор мамлакатларда тестлар ва сўровномалар расмийлаштирилади ва баҳоланиб борилад экан.

Бундан кўринадики, хорижий психологияда тест амалиёти борасидаги тажрибаларни биз ўзлаштираемиз ва ўзимизда татбиқ этишимиз лозим.

Мабодо тестларни турлари ва татбиқ этиш соҳаларини мувожаат этиб кўрадиган бўлсак ҳам ўзига хослик кузатилади. Тестларни татбиқ этиш турларини характерли томонларини ҳисобга олиб А.Анастаси куйидаги индивидуал фаолиятни ўрганиш, маълум популяциларни ўрганиш, гуруҳий фаолиятни ўрганиш, интеллектни баҳолаш, шахс фаолиятини баҳолаш тести, қизиқшлар ва аттитюдларни ўрганиш, проектив методикалар. Ситуацияларни баҳолаш тестлари, кузатиш ва биографик маълумотлар¹².

Хорижий психологияда тарихида назар ташланадиган бўлса айнан тестология соҳасида ўрганиш лозим бўлган анганишга арзийдиган анчагина маълумотлар борлигини таъкидлаб ўтаемиз.

¹¹ Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика.- Спб.: Питер, 2007.-Б.10-23.

Исследования в психологии: методы и планирование/ Дж.Гудвин.-Спб.: Питер, 2004.-558 с.

Мартин Д. Психологические эксперименты. Секреты механизмов психики.-Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2004.-480 с.

Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии /Под.общей ред. А.А.Крылова, С.А.Маничева.- Спб.: Питер, 2005.-560 с.

Практикум по психодиагностике. Дифференциальная психометрика/ Ред. В.В.Столин, А.Г.Шмелев.-М.: Изд-тво Моск. Ун-та, 1984.-152 с.

¹² Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P18-19.-688 б).

1. Биринчидан тестология соҳасида мутахассис фаолиятини изга солиб турувчи, тестлар билан ишлаш тизимини тартиб солувчи зарур фаолиятнинг меъёрий талаблари бор.

2. Тестлар билан ишлаш жараёнида айнан тестларга қўйиладиган талабларнинг аниқ талаблари йўлга қўйилган.

3. Психологик тестлардан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилганлиги.

4. Тестларни ўтказиш, тест ўтказиш шароитлари, тест ўтказиш босқичларига қўйиладиган талаблар.

5. Психологик ва таълим тестларини стандартлари ишлаб чиқилганлиги.^{13, 14.}

Тест соҳасида мамлакатимизда олиб борилиши зарур бўлган ишларни тартибга солишда албатта ушбу тажрибалар асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда тестологиянинг ривожланиши

Ўзбекистонда тестологиянинг ривожланишига доир маълумотларни икки хил йўналишда изоҳлаб ўтиш мумкин. Биринчидан, мамлакатимизда психологик тадқиқотларда татбиқ қилинадиган методикаларнинг ҳолати ҳақида сўз юритилса, иккинчида, олий таълим муассасаларида талаба танлов тестларини жорий этиш бўйича Давлат тест марказининг ташкил этилиши билан боғлиқ.

Психологик тестларни табиқ этилиши ва уларни ривожланиши тарихини Республикамиздаги ҳолатига эътибор қаратишимиз бугунги кунда қўлланилаётган психодиагностик методикалар, тестлар, сўровномалар билан боғлиқ таҳлилий материаллар тўплаш имкониятини келтириб чиқарди. Биз ушбу масага тўхталишимизда олдин Республикамиз олимлари томонидан яратилган тестларнинг айримлаини санаб ўтишимизга тўғри келади, бунда проф.Э.Ғ.Ғозиевининг “Шахс иродасини ўрганиш тести”, “Фидойилик хислатини баҳолаш” шкаласи, “Баркамол инсонни баҳолаш”

¹³ Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P14-44

¹⁴ Ян тер Лаак. Психодиагностика: проблемы содержания и методы.-М.: АПСН МПСИ, 1996. –Б.316-321.

тести, “Ватанпарварлик хис-туйғусини баҳолаш”¹⁵, “Мулоқотмандмисиз”, “Ёлғизликка мойилмисиз”¹⁶ ва проф . Б.Р Қодировнинг ”Синф зукколарини танлаш методикаси”, Иқтидорли болаларни аниқлаш методикалари (А ва Б варианты)¹⁷, “Касбий йўналганликни аниқлаш” (К.Б.Қодиров)¹⁸. Бундан кўринадики психологик тестларни мослаштириш, уларнинг модификация қилишдан, уларни яратиш масаласига ўтганлиги Республикамизда психологик тестлар тарихида ўсишни кўзатишга олиб келди.

Бизнинг бу йўналишда эътиборимини тортадиган яна бир жиҳати психологик тадқиқотларда диагностик методикаларнинг татбиқ этилиши ва уларнинг қўлланилиш даражасини таҳлилига бағишланди. Бунинг учун биз 1999-2008 йиллар оралиғида амалга оширилган психологик тадқиқотлар, хусусан, номзодлик диссертацияларига доир маълумотларни ўрганишга эришдик. Бунинг учун биз 80 тага яқин номзодлик диссертацияларда қўлланилган диагностик методикалар билан танишиб уларни тизимлаштиришга ҳаракат қилдик. Уларнинг ҳолати хусусидаги маълумотни навбатдаги 4-жадвал, 1 ва 2 гулбарг шаклдаги схемалар ва 1-иловада келтирилади.

Республикамиз олиб борилган психологик тадқиқотлар асосий йўналишлари бир неча соҳага алоқадор бўлиб, улар умумий психологик, шахс психологияси, педагогик, ёш психологияси, социал ва этнопсихология характерга эга. Психодиагностик тестларни қўлланилиши ҳам йўналишлар ва муаммоларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб танланган. Деярли 1999-2008 йиллари оралиғида психологик тадқиқотларда 50 дан ортиқ методикалардан фойдаланилганлиги аниқланди ва уларнинг қандай психологик масалаларни ўрганиш учун қўлланилганлиги аниқланди (1-илова). Биз қуйидаги 4-жадвалда улардан энг рейтинги юқори 5 таликни келтириб ўтишни лозим топдик.

¹⁵ Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.-Т, 2002 , 1-китоб,

¹⁶ Ғозиев Э.Ғ.Муомала психологияси.-Т., 2001. 128-134 бетлар

¹⁷ Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий таъхис методикалари.-Т.,2003, 6-26 бетлар.

¹⁸ Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий таъхис методикалари.- Т.,2003, 90 бет

**Психологик тадқиқотларда қўлланилган психодиагностик
методикаларнинг рейтинги (кенг қўлланилган)**

№	Методиканинг номи	Рейтинги (тадқиотларда қўлланилганлиги)
1	“Экстрроверсия, интроверсия ва нейротизмни ўрганиш” (Г.Ю. Айзенк)	13
2	“16 омили шахс сўровномас” (Р.Б, Кеттел) ва Т.Лири методикаси	7
3	В.В.Столин методикаси, Т.Шрайбер (Оилавий ҳаётга муносабат), Шахсинг индивидуаллигини ўрганишга қаратилган (Э.Ғ.Ғозиев ва Р.Тошимов)	5
4	Т.Пошуков методикаси, М.Ю.Орлов, А.Мехрибиан, Э.Ғ.Ғозиев методикалари	4
5	Д.Векслер шкаласи, И.М.Кондаков методикаси, Дембо-Рубинштейн тестлари	3

Методикларнинг тадқиқотларда ишлатилиши бўйича энг юқори рейтинг Г.Б.Айзенк методикаси 13 марта фойдаланганлиги билан энг юқори рейтинг кўрсаткичини олди. Шунингдек. Қолган тўртликка кирувчи методикаларнинг улуши бир неча методикаларда бир хилликни ташкил этганлиги асосида тақдим этилди. Иккиликни Р.Б.Кеттелл ва Т.Лири методикалари олганлигини гувоҳи бўлдик.

Демак психологик тестларни Республикамизда татбиқ этилганлигини расмий жиҳатлари худди шу тарзда қайд этилар экан. Бу шубҳасиз психологик тестларни Республика меқиёсидаги ўрнини доимий равишда мониторингини ташкил этиш керак деган хулосани беради. Бугунги кунда эса психологик тестлаштириш бўйича анча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тестологияни ривожланишининг иккинчи ҳолатини педагогик тестларни жорий этилиши билан боғлаймиз.

Давлат тест маркази тарихи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 мартдаги “Республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-361-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ 1992 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” ги 181-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар асосида дастлаб республикамизнинг 6 та олий таълим муассасасида тест синови асосида ўқишга қабул қилиш тажрибадан ўтказилган эди.

Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланди ва 1992 йил 15 апрелдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази ташкил этилди.

1993 йилда 46 та олий таълим муассасаларининг 19 тасида тажриба тариқасида тест синовлари ўтказилди.

1994 йил 14 майдаги 258-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида” ги қарори билан Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига айлантирилди.

Ўрта махсус ўқув юртларида тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар танлаш 1994 йилда айрим ўрта махсус ўқув юртларига, 1995

йилдан бошлаб эса — идоравий бўйсунидан қатъи, назар барча ўрта махсус ўқув юртларига жорий этилди.

2004 йил 24 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 293-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, Давлат тест маркази ўз фаолиятини мазкур қарор асосида олиб бормоқда.

Тест тизими 1992 йилда икки вариантли моделлари ҳамда чекланган ҳажмдаги тест материалларидан ташкил топган универсал саволлар китобчаси билан бошланган эди.

1992 йилда тестлар икки вариантли (А, В) бўлиб, она тили, математика, ижтимоий фанлар-тарих ва география, табиий фанлар-физика, география, кимё, хорижий тиллар бўйича **50 тадан** саволлардан ташкил топган. Абитуриентлар таълим йўналишига қараб 3 тадан фанни танлаганлар.

1993-1994 йилларда тестлар икки вариантли (А, В) бўлиб, кундузги ва кечки бўлимлар учун она тили, математика, ижтимоий фанлар-тарих ва география, хорижий тиллар бўйича **48 тадан** саволлар, табиий фанлар-физика, география, кимё бўйича **72 тасаволлардан** ташкил топган.

1995 йилда тестлар 3 вариантли (А, В, С) бўлиб, она тили, математика, физика, кимё, биология, история, география, хорижий тиллар, ўзбек тили, рус тили бўйича **36 тадан** саволлардан ташкил топган. Кам миқдордаги вариантда етарлича чекланган ҳажмдаги тест материалларидан фойдаланиш билимлар даражасини баҳолаш, аниқлашда холислик ва мувофиқлик, мосликни таъминлай олмади, махфийликни муҳофаза қилиш тартибини мураккаблаштирди.

1996 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қабули жараёнидаги тест синовларида тест топшириқлари вариантларини таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва таълим тиллари бўйича компьютер ёрдамида генерациялаш (тузиш)га асосланувчи янги, кўпвариантли тест тизими

яратилди ва қўлланилди. Ушбу тест тизимидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилмоқда.

2009 йилда 80 та ҳар бир типдаги саволлар китоби учун 30 тадан вариант жорий этилди.

2010 йилда ҳар бир абитуриент учун индивидуал вариантли тест тизимига ўтиш амалга оширилди.

Юқоридаги келтирилган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда ҳам тестологияни ривожлантириш борасида ҳам анча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Тестлаштиришнинг вужудга келишининг тарихий асослари нималарда кузатилади?
2. Илк психологик лабораторияларда ўрганилган асосий хусусиятлар ва баҳо мезонлари нималардан иборат?
3. Интеллект тестларининг ўзига хослиги.
4. Ақлий ёш тушунчаси ва интеллектуаллик коэффициенти.
5. Шахс сўровномаларнинг илк шакли.
6. Илк педагогик тестлар қачон пайдо бўлди?
7. Ақлий ёш тушунча нимани англатади?
8. А.Бине ва Т.Симоннинг тестларининг илк вариантынинг ўзига хослиги нимада?
9. Тестология қандай ривожланиш босқичларига эга.
10. Тестологиянинг Ўзбекистонда ривожланиши ўзига хосликлари.

Тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

1. Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000.
2. Бодалев А.А, Столин В.В. Общая психодиагностика. СПб.: Речь, 2001.
3. Бурлачук Ф.Е. Психодиагностика. СПб.: Питер, 2002.

4. Henry Kellerman, Ph.D. Anthony Burry, Ph.D. Handbook of Psychodiagnostic Testing. - Springer Science_Business Media, LLC.2007.
5. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401
6. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.
7. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.

Интернет ресурслари

1. <http://azps.ru/tests/>
2. <http://psiholognew.com/cont.html>

3-БОБ. ТЕСТ ТУРЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАР

Режа:

1. Тест турлари: педагогик тестлар ва уларнинг классификацияси
2. Психологик тестларнинг классификацияси
томонлари.

Таянич сўзлар: *тестология тармоқлари, педагогик тестлаштириш, тест турлари, тест функциялари, педагогик тестлар, психологик тестлар.*

Тест турлари ва функциялари хусусида сўз борар экан кўпинча таълим олувчиларнинг бирор фан бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёни тўғрисидаги тасавур гавдаланади. Бир жиҳатдан ушбу мулоҳазанинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Ушбу ҳолат дастлаб педагогик тестлаштириш масаласи хусусида сўз юритишни тақозо этади.

Педагогик тестлаштириш — педагогик тестларни жасдлабқўллаш орқали ўқувчиларнинг билимини ўлчаш шакли. У ўзида текширилувчини ўзлаштирганлик даражасини баҳолашга мўлжалланган, хусусий тестлаштириш ва натижаларни қайта ишлашга асосланган сифатли тестларни тайёрлашни мужасамлаштирган.

Педагогик тест — бу ўқувчиларни ўзлаштирганлигини тест топшириқлар тизимидан ташкил топган, тестни ўтказиш, қайта ишлаш ва натижаларни таҳлил қилиши стандартлашган баҳолаш воситасидир. Педагогик тестлаштириш ва педагогик тест тушунчасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг классификациясига мурожаат этиш ўринлидир.

Тестларнинг классификацияси. Тестлар ҳар хил аломатларига кўра классифиция қилинади:

—мақсадига кўра —ахборот, диагностик, ўргатувчи, мотивацион, аттестацион;

—яратилиш тартибига кўра — стандартлашган, стандартлашмаган;

—топшириқларни шакллантириш усулига кўра — детерминантлашган, стохастик, динамик;

—ўтказиш технологиясига кўра — қоғоз, оптик аниқлашдан фойдаланиладиган қоғоз, табиий шароитда олинган, махсус аппаратлардан , компьютерлардан фойдаланиб;

—топшириқ шаклига кўра — ёпиқ тип , очик тип, мувофиқликка эга, изчил тартибланган;

—қайтар алоқа бўйича —анъанавий ва мослаштирилган.

I.Мақомига кўра тест турлари:

- стандартлашган
- стандартлашмаган.

II. педагогик характериға кўра

- адаптив
- интегратив
- меъёрий
- мезонли

III. тип ва шаклиға кўра

Очик тестлар

- битта тўғри жавобли тестлар;
- бир нечта тўғри жавобли тестлар;
- мутаносиблик тестлари;
- изчиллик тестлари.

Ёпиқ тестлар

- тўлдирувчи тестлар;
- давом эттирилувчи тестлар

III.Мураккаблик даражасига тест тўрлари

1. Оддий тестлар (билим)

2. Репродуктив тестлар (билим, кўникма ва малака).

3. Продуктив тестлар (билим, кўникма, малака, мустақил фикр)

IV. Ижодий-изланувчанликни баҳолаш тестлари (билим, кўникма, малака, мустақил фикр)

V. мазмунига кўра тестлар

5.1. Гомоген тестлар

5.2. Гетроген тестлар

Анъанавий тест

Анъанавий тест ҳар хил жавоб вариантли саволлардан ташкил топган. Ҳар бир саол маълум баллга баҳоланади. Анъанавий тестнинг натижаси тўғри берилган жавобли топшириқлар миқдори билан белгиланади.

Адаптив тест

Тестнинг асосий турларидан бири бўлиб, навбатдаги ҳар бир топшириқ олдинги топшириқ жавобига боғлиқ равишда танланади. Ушбу тестнинг топшириқлари топшириқлар кетма-кетлиги ва миқдори динамик тарзда аниқланади.

Компьютер адаптив тестнинг анъанавий тестдан энг муҳим афзаллиги қуйидагилардир:

—тестдан ўтаётганларни билим даражаси остида адаптациялашув имконияти (ҳаддан ортиқ мураккаб ёки ҳаддан ортиқ оддий савол беришга тўғри келмайди);

—ҳаққонийлик даражасини йўқотмаган ҳолда топшириқлар миқдорининг қисқарганлиги ҳисобига вақт ва куч тежалади (тестнинг узунлиги 60%гача қисқаради).

Намунадаги тест топшириқ шакллари

Жавобларни танлаш топшириқлари (ёпик топшириқлар)

1. Битта тўғри жавобни танлашга асосланган топшириқлар

Матндаги сўзни теришда улар бир бирида.....орқали ажратилади.

а) икки нукта;

- б) вергул;
- в) оралиқ;
- г) нуқта .

2.Мувофиқлигини ўрнатиш топшириқлари

Шахс психологияси муаммосини ўрганган олимлар билан уларнинг назариялари ўртасидаги мосликни топинг:

Олимлар	Шахс назариялари
А.Адлер	Аналитик психология
К.Юнг	Трансакт таҳлил
Э.Эриксон	Индивидуал психология
Э.Берн	Эго-психология

3.Изчиллигини таъминлаш тестлари

Б.Г.Ананьев классификациясига бўйича психология фани методлари кетма-кетлигини аниқланг:

- 1) талқин этиш методлари
- 2)ташкилий методлар
- 3) эмпирик методлар
- 4) эксперимент натижаларини таҳлил этиш методлари

Тест топшириқлари Тест топшириғи, технологик, шакллар, мазмун ва статистик талабларга жавоб берадиган педагогик тестнинг таркибий қисмидир:

- маълум қийинлик;
- тест балларининг етарлича вариацияси;
- барча тест бўйича баллар билан топшириқлар балларининг ижобий корреляцияга эгаллиги.

Педагогик тестлаштиришнинг функциялари

Педагогикада тестлаштиришнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган учта функцияси мавжуд: диагностик, ўргатувчи ва тарбиявий.

—Диагностик функцияси ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини ёритишдан иборат. Бу тестлаштиришнинг энг асосий ва муайян функциясидир.

—Тестлаштиришнинг ўргатувчилик функцияси ўқув материалларини фаол ўзлатиришига йўналтиришдан иборат. Бунинг учун таълим жараёнида таълим берувчи таълим олувчиларнинг ўқув материалларини фаол ўзлатиришларини таъминлаш учун қўшимча рағбатлантирувчи воситалардан фойдаланиш лозим бўлади. Таълим олувчиларнинг мустақил тест топшириқлари тузишга жалб этиш, мустақил тайёргарлик кўришлари учун тахминий топшириқларни тақдим этиш, тест топшириқ натижаларини ҳамкорликда таҳлил қилиш орқали ўргатувчилик функцияси амалга оширилади.

—Тарбиявий функция тест назоратининг даврийлигида ва иложсизлик шароитида намоён бўлади. Бу функция таълим олувчиларнинг тартиб-интизомини тартибга солади, фаолиятини ташкил этади ва йўналтиради, билимлари билан боғлиқ муаммоларни аниқлайди ва бартараф қилади. Уларда ўз қобилиятларини ривожлантиришга интилишларини шакллантиради.

Психологик тестлар классификацияси. Психологик тестларни классификациялашда психологик амалиётда қўлланиладиган методикаларни тизимлаштириш, уларнинг хусусиятларига кўра татбиқ этиш, қўллаш имкониятларига кўра фарқлаш лозимдир. Психологик тестларни классификациялашда турли хил асосларга таянилади. Қуйида тестларни классификациясига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Классификациялашда тестлар ва ўрганиш техникасини барчасини киритиб

бўлмайди. Аммо кундалик амалиётда тестларни қўллашда қуйидаги хусусиятларга кўра татбиқ этилади.

Биринчи гуруҳга объектив методикалар киритилади. Ушбу гуруҳнинг биринчи таркибий гуруҳчаси шахслилик тестларидан (интеллект хусусиятларига) иборат. Уларни алоҳида ва жаҳон психологиясида кенг қўлланилган ва қўлланилиб келаётган вариантларини тақдим этган ҳолда к

Ҳаракат тестлари (мақсадли шахслилик тестлари):

1. Р. Амтхауэрнинг “Интеллект тузилиши тести (1953). (Унинг модификациялаштирилган варианты — тафаккур хусусиятларини тадқиқ этиш методикаси деб номланади)

2. Равеннинг “Прогрессив матрицалар” (интеллект даражаси ва хусусиятларини баҳолаш) (Дж. К. Равен, 1936).

3. Визуаль-мотор гештальт-тест (кўриш-мотор координацияни ўрганиш тести) (Л. Бендер, 1938).

4. Визуал ретенция тест (кўриш хотираси) (А.Бентон, 1952).

5. Виготский — Сахаров тести (катталар ва болаларда тушунчаларни шакллантириш) (Л. Выготский; Л. Сахаров, 1927).

6. Векслернинг хотирани ўрганиш шкаласи (WMS) (1946).

7. Корректурa синови (диққатнинг концентрацияси, барқарорлиги) (Б. Бурдон, 1895).

8. Мейлининг хотира тест (кўриш ва эшитиш хотираси).

9. Шкала оценки Озерецкийнинг баҳо шкаласи (ҳаракат малакалари ва моториканинг алоҳида компонентларини баҳолаш) (Н.И. Озерецкий, 1923).

10. "Бурама чизиқ (спираль)" тести (ҳаракат функцияларини баҳолаш).

11. Линеограмманинг тести (диққатнинг кўчиши, психик мотор функциялар, ақлий функцияларнинг пластиклиги).

12. Танлашдаги мураккаб реакция (СРВ) (диққат, қисқа муддатли хотира, комбинаторлик қобилиятлари).

13. Комбинаторлик қобилиятлари.

14. Микдорий муносабатлар (мантикий-математик қобилиятлар).
15. Қонуниятларни ўрнатиш (диққат, хотира, мантикий тафаккур).
16. "Нақшлар" (хаёл).
17. "Фигуралар" (образли хотира).
18. Қизил-қоралар жадвали (модификация) (диққатни тақсимлаш).
19. Чалкаш чизиклар (диққатнинг барқарорлиги).
20. "Сенсор-мотор координация" тести.
21. "Ахборот излаш" (қисқа муддатли хотира, диққат).
22. "Эшитиш нутқ хотираси" тести.
23. "Луғат" (индивидуал тезаурусни, савияни ўрганиш) тести.
24. Тест "Хулоса чиқараши " (манитикий тафаккурни баҳолаш).
25. "Компаслар" (фазовий хаёл) тести.

Вазиятлар тестлари (вазиятларда қарор қабул қилиш):

1. Изчил динамик баҳолаш методи (ИДБМ) (Шведин Б.Я., 1989).
2. "ТЕСТ", "РИТМ" автоматлаштирилган вазиятли диагностика ўйини (7 субтестлардан иборат: ҳолат, интеллект, ўйин) (Носс И.Н., Суслов Е.В., 1990-1992).
3. "Танлаш дилеммаси" методикаси (12 та ҳаётий вазиятлар: хулқ-атвор стратегиясини танлаш —қарор қабул қилиш усуллари) (Н. Коган, М. Уоллэлч).

Биринчи гуруҳнинг иккинчи гуруҳчасига тегишли тестлар интеллект тестлари (интеллект даражасини) қиритилган.

Қобилият тестлари:

1. Векслернинг интеллектнинг ўлчаш шкаласи (WAIS) (Д. Векслер, 1946).
2. Мураккаблашиб бориш тести (Поляков К., Глушко А., 1986).Равен тестининг модификациялаштирилган –интеллект даражасини баҳолаш.
3. Маданий муҳитдан холи интеллектни ўрганиш тести (CFIT) (Р. Кеттелл, 1958).
4. Россолимнинг психологик профили (Г.И. Россолимо, 1909).

5. Станфорд-Бинениг ақлмй тараққиёт шкаласи (Л.М. Термен, 1916).
6. Умумий қобилиятлар тетслари батареяси (GATB) (профессионал мезонларга йўналтирилган ҳолда интеллектни баҳолаш тести).
7. Мактаб ўқувчиларининг ақлий тараққиёти баҳолаш тести — (6-8 синф ўқувчиларининг интеллект тараққиёти даражасини ўрганиш) (Умумий ва педагогик психология ИТИ).

Эришганлик тестлари:

1. «Арифметик ҳисоб» (арифметик қобилиятлар тести). тести
2. «Ускуналар шкаласи» (ускуналар кўрсаткичларига мўлажалланганлик) тест
3. «Координаталар» (профессионал қобилиятлар) тести.

Мезонли –мўлжалли тестлар:

1. Интеллектуал қобилиятларни ўрганиш тестлари (турта субтестдан иборат: "Жой рельефини таҳлили"; "юз мимикаси бўйича эмоционал ҳолатлар таҳлили"; "газетадаги сиёсий тестларнинг таҳлили"; "Тартибни эгаллаш ва буйруқларга жавоб бериш қоидалари ") (Жильников И.Д., 1990).
2. "Таълимга қобилиятлиликни аниқлаш" тести —ТҚТ) (Носс И.Н., 1990).
3. Психосемантик таҳлил технологияси— "Фаолиятнинг семантик таҳлили" (ТПА-САД) (Носс И.Н., 1990).
4. Объектни мос тарзда характеристикалаш тести — ТАХ (Носс И.Н., 1992).

Иккинчи гуруҳ методикалар субъектив характерга эга бўлиб, улар текширилувчининг ўзи тўғрисида маълумот ва ахбороти асосида ўрганади.

Ушбу гуруҳга тааллуқли методикалар гуруҳчаси шахслик ва махсус сўровномалардан иборат.

Характерологик ва клиник сўровномалар:

1. Миннесотининг кўп омилли шахсни ўрганиў сзровномаси — ММРІ (С. Хатуэй, Дж. Маккинли, 1940).

2. Бехтерев институтининг шахслилик сўровномаси — ЛОБИ (хроник ва соматик касалликлар билан оғринган беморларни диагностика қилиш ва даволаш) (1983).
3. Мичиган алкоголизмнинг скрининг-тести (алкоголизмга илк аломатларини ўрганиш) (М. Селзер, 1971).
4. Патохарактерологикдиагностик сўровнома (Личко Е.А., 1970).
5. "Ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси" — 16pf (Р. Кеттелл, 1950).
6. Шмишек сўровномаси (Акцентуациянинг 10 типини аниқлаш) (Г. Шмишек, 1970).
7. Юмористик жумлалар тести — ТЮФ (личностные особенности, связанные с пониманием юмора) (Шмелев А.Г., Болдырева В.С., 1982).
8. Ўзаро муносабат сўровномаси (ўз-ўзига муносабатни комплекс омилларини ўрганиш тести) (Столин В.В., 1985).
9. Айзенк шахслилиги сўровномаси — ЕРІ-63;ЕРQ-69 (Г. Айзенк, С. Айзенк, 1963, 1969).
10. Шахснинг характерологик акцентуацияси ва нерв-психик беқарорлик - ХАЛ-НПН (Шпаченко Д.И., 1986).
11. Шахснинг кўп омилли тадқиқ этиш методикаси — ММИЛ (377, 383) (Бехтерев институти томонидан ишлаб чиқилган).
12. "Мослашувчанлик" кўп даражали шахсни ўрганиш сўровномаси — МЛО-АМ (Маклаков А.Г., Чермянин С.В., 1990).
13. Ўз-ўзини намоён этиш сўровномаси (60) (Джурард С.М., 1958) С. Джурарднинг модификациялашган сўровномаси.
14. Кейрснинг сўровномаси (хулқ-атворнинг типик усуллари ва шахс характеристикасини баҳолаш (70) (публ. 1995).
15. "Нерв-психик беқарорлик-акцентуация" шахслилик сўровномаси — НПБ-А (Поляков К.Н., Глушко А.Н., 1985).
16. Психодиагностик тест — ПДТ (ММРІ, 16pf методикалари асосида ишлаб чиқилган) (Мельников В.М., Ямпольский Л.Т., 1985).

17. Анкет-прогноз (Баранов А.В., Чермянин С.В.).
18. Стреля сўровномаси (темпераментнинг типини аниқлаш) (Стреляу Я., адапт.: МГУ, 1987).

Мотивацион характердаги сўровномалар:

1. Эришганликка эҳтиёж сўровномаси— ПД (эришганлик мотивация хусусиятлари) (Орлов Ю.М., 1978).
2. Эришганлик мотивацияси шкаласи — AMS (Т. Гесьме, Р. Нигард, 1970).
3. Таваккалчиликка қўллаб-қувватлашга эришганлик шкаласи Шкала достижений с предпочтением риска — MARPS (А. Мехрабиан, 1968).
4. Херманс сўровномаси (10-16 ёшли(1971) ва катта ёшлиларнинг мотивациясини баҳолаш (1976) (Х. Херманс, 1970).
5. Дифференциал-диагностик сўровнома— ДДС (шахс йўналганлигини баҳолаш) (Климов Е.А., 1972).
6. Профессионал шахслилки сўровномаси — (ёшларнинг ҳарбийлик касбига йўналганлигини баҳолаш) (Петров П.В., Ростунов А.Т., 1985).
7. Шахс йўналганлик сўровномаси (The Orientation Inventory; модификации: "Личностная направленность", "Ценностные ориентации личности", "Ориентировочная анкета") (М. Басс; адаптация В. Смекал, М. Кучер, ЧССР, публ. 1977).
8. Мақсадга эришганликни мотивациясини баҳолаш шкаласи (Т. Элерс).
9. Омадсизликдан қочиш-ўзини ўзи ҳимоялаш мотивациясини баҳолаш методикаси (Т. Элерс; адаптация М.А. Котик, 1981).
10. Қўллаб-қувватлаш мотивацияси сўровномаси (Д. Краун, Д. Марлоу, адаптация: Марищук В.Л. и др., 1984).
11. Аффилиация мотивациясини ўлчаш методикаси (А. Мехрабиан).
12. Қадриятлар йўналишини диагностика қилиш методикаси (М. Рокич).
13. Шахслик мотивацион сўровномаси — МЛО (Кулагин Б.В., 1981).

14. Шахс йўналганлиги сўровномаси (POI); адапт. МГУ в 1987.

Эмоционал-иродавий сифатларни баҳолаш сўровномаси:

1. Безовталаикни намоён бўлиши шкаласи — MAS (Ж. Тейлор, 1953).

2. Локус назорат шкаласи (Locus of Control Scale), модификации: УСК, СЛК, Дж. Роттер, 1950).

3. Субъектив назорат даражасини ўрганиш сўровномаси — УСК (Бажин Е.Ф., Голынкина Е.А, Эткинд А.М., 1984).

4. Назоратни субъектив локаллаштириш тест-сўровномаси — СЛК (Пантелеев С.Р., Столин В.В.).

5. Ўз-ўзини иродавий бошқариш сўровномаси — ВСК (Зверков А.Г., Эйдеман Е.В.).

6. Шахснинг коммуникатив безовталанишни тадқиқ этиш методикаси (КЛТ).

7. Реактивлик ва шахслилик безовталаниш шкаласи — РШБШ (Спильбергер Ч.Д., 1966; адапт. Ю.Л. Ханиным, 1976).

8. Ўзининг функционал ҳолатини дифференциал баҳолаш тест— САН (Доскин В.А., Лаврентьева Н.А., Мирошников П.П., Шарай В.Б., 1977).

9. Ўзининг эмоционал ҳолатини баҳолаш сўровномаси (А. Уэсман, Д. Рикс).

10. Ўзига муносабатини тадқиқ этиш методикаси (Q-сортировка), 1990.

11. Ўзига ишончни баҳолаш методикаси (Рейзас С.А., опубличована в СССР, 1990).

12. Ўз-ўзига муносабат тести— ОСО (Столин В.В., Пантелеев С.Р., 1987).

13. Таваккалчилик шкала — RSK (жисмоний хавф шароитидаги таваккалчиликка) (Г. Шуберт).

Коммуникатив сифатларни баҳолаш сўровномаси:

1. Коммуникатив ва ташкилотчилик лаёқати — КОС (Синявский В.В., Федорошин В.А.).
2. “Бошқарувчилик фаолиятига умумий қобилиятлар” ни баҳолаш тести — ОСУД (Кудряшова Л.Д., 1986).
3. “Ўзаро таъсирлашув усулин шахслараро муносабат диагностикаси” анкета ёки «Низоли вазиятлардаги таъсир типларини баҳолаш» (Томас К.Н.).
4. Қадриятлар йўналганлиги бирлигини баҳолаш — ЦОЕ (баҳолаш объектини сифатларини ранглаштириш) (Петровский А.В., 1979).
5. "Жамоани ўзини ўзи социал-психологик аттестация қилиш методикаси " сўровномаси (Немов Р.С., 1982).
6. Жамоанинг социал-психологик ривожланганлик даражасин аниқлаш методикаси (Немов Р.С., 1980).
7. Бирламчи ишлаб чиқариш жамоасининг социал-психологик ўрганиш сўровномаси (Лутошкин А.Н., 1977).
8. Социал-психологик муҳитни диагностика қилиш экспресс-методикаси (Шалыто А.Ю., Михалюк О.С., 1990).
9. Социал-психологик муҳитни диагностика қилиш методикаси ("Жамоадаги сизнинг ишингиз" анкетаси) (Парыгин Б.Д., 1981).
10. Гуруҳдаги психологик атмосферани баҳолаш методикаси (Ф. Фидлер, адаптация Ю.Л. Ханина, 1980).
11. Гуруҳга мансубликдан қониққанликни баҳолаш методикаси (Головановский А.Я., 1980).
12. Меҳнатдан қониққанлик сўровномаси (Захаров В.П., 1982).
13. Меҳнатнинг жозибасини ўрганиш сўровномаси (ПТР-1) (Снетков В.М., 1990).
14. Гуруҳ аъзолигидан қониққанликни баҳолаш методикаси (Кричевский Р.Л., Смирьянова М.М.).

15. Шахслараро диагностика методикаси — ICL (Т. Лири, Р. Лафорж, Р. Сакзек; опубличована в России в 1978).

16. Ишлабчиқариш низоларини диагностика қилиш методикаси (Шуркин С.М.).

17. Социометрия (Дж. Морено, 1951).

Анкеталар гуруҳчаси

Ишга (ўқишга) нормзодларни саралаш учун қўлланиладиган анкеталар ва бошқалар.

Фаол ва ретроспектив интервью

1. Биографик фактлар бўйича суҳбат.
2. Тестлаштириш маълумотларини аниқлаштириш бўйича суҳбат.

Биографик методикалар гуруҳчаси

Конюховнинг офицерни биографик анкетаси (1986) ва бошқалар.

Маълум вазиятлардаги хулқ-атворни баёни гуруҳчаси

1. Изчил динамик баҳолаш методи (Шведин Б.Я., 1989).
2. “Эсдалик” мавзусига баён ва бошқалар.

Герменевтика методикалари гуруҳи

1. Физиогномик кузатиш тести. (1995).

2. Инсоннинг репрезентатив тизими структурасини баҳолаш (формализация — Носс И.Н., 1995), нейро-лингвистик дастурлаш фрагменти (Р. Бэндлер, Дж. Гриндер).

3. Шахснинг физиогномик баҳоси — ФОЛ (формализация И.Н. Носса, 1996).

4. Клиник суҳбат .

5. Мақсадга йўналтирилган кузатиш.

Учинчи гуруҳ тестларга проектив методикалар киритилган. Улар текширилувчи томонидан шахснинг ўзини проектлашириши асосида кучсиз структуралашган стимул материаллари ёрдамида ўрганишни амалга

оширади. Мазкур гуруҳ тестлари ҳам бир нечта гуруҳчаларга ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бири тўғрисида қуйида маълумотлар келтирилади.

Конститутив хусусиятли проектив методикалар

(структурирлашган, стимулларнинг расмийлаштириши, маъно бериши).

1. Ассоциацияли сўз тести (стимул-сўз: ассоциация-сўз) (Ф. Гальтон, 1879).

2. Роршах тести (ноаниқ сиёҳ доғларидаги тимсоллар орқали шахс проектини кўриш) (Г. Роршах, 1921).

3. Суратларни мослаштириш (аранжировкалаштириш) (суратларни маълум изчилликда жойлаштириш ва ҳикоя тузиш) (С. Томкинсон, 1957).

4. “Луғат” тести (индивидуал тезарус тести, савиянинг тадқиқ этиши).

Конструктив проектив методикалар гуруҳчаси. Ушбу гуруҳчага тааллуқли методикалар маъноли шаклни ҳосил қиладиган деталлар орқали шакллантирилади.

1. Дунё тест (предметларнинг 232 моделлари, 15 та категория бўйича тақсимлаштирилган: уй, дарахт, ҳайвонлар ва бошқалар. Предметларни танлаш асосида “ўз олами” яратилади. (М. Ловенфельд, 1939).

2. Q-саралаш (Ўзўининг олами ва атрофдаги кишилар ҳақидаги тасаввурларини тадқиқ этиш; ўрганилаётган шахсга хос қирраларни акс эттирувчи хусусиятлар қайд этилган карточкаларни саралаш (В. Стефенсон, 1953).

Интерпретацион проектив методикалар

(Бирор битта воқеа, ҳодисларни талқин этиши)

1. Тематик апперцепция тести — ТАТ (тасвирлар ифодаси суратларда акс этган) (Х. Морган, Г. Мюррей, 1935).

2. "Тарих суратини туз" — MAPS (ТАТнинг варианты бўлиб, 21 “фонли” сурат, 67 “одамлар тасвири” ифодаланган суратлар : одамларнинг суратларини фонда жойлаштириш ва вазиятлар ҳақида ҳикоя қилиш (Э. Шнейдман, 1947).

3. Уч ўлчамли апперцепция тест (ҳикоя тузиш учун ҳажмли шаклларни танлаш – танланган предметларни баёни) (Д. Твичел-Ален, 1947).

4. Блэк ҳақидаги суратлари Блэки (Дж. Блум, 1950).

5. Объектив муносабатлар тести (техникаси) (Филлипсон, 1955).

6. Интуиция тест (ТАТга ўхшаш: бошланган ҳикояни давом эттириш керак) (Е. Френч, 1955).

7. Мослаштиришнинг символли тести (16 та пластмассадан ясалган предметлар номи билан махсус ячейкаларга жойлаштирилади — предметларнинг символли аҳамият ва ассоциациялар ифодаланиши) (Т. Кан, 1955).

8. Пикфорднинг проектив суратлари (Пикфорд, 1963).

9. Бошқариладиган проекциялар методикаси (Муносабат хусусиятларини тадқиқ этиш. Текширилувчига тегишли ва унга қарама-қарши хусусиятлар рўйхати тақдим этилади, инсоннинг ўтмиш ва келажаги ҳақидаги тавсифловчи саволлар берилади) (Столин В.В., 1982).

Катартик хусусиятли проектив методикалар гуруҳчаси

(уюштирилган шароитларда ўйин фаолиятини амалга ошириш)

Психодрама (текширилувчилар ва бошқа актёрлар иштирокида сунъий ҳаётӣ вазиятлар яратилади) (Дж. Морено, 1946).

Экспрессив проектив методикалар

(эркин ёки тавсия этилган мавзуга расм чизиш)

1. График тестлар комплекси (на основе исследований Г. Риднинг тадқиқотлари ва К. Юнгнинг типология асосида, 1921; "Эркин сурат", "Дунё тасвири", "Автопортрет" (Р. Бернс)).

2. «Одам расми» (Ф. Гудинаф, 1926; модификация Д. Харриснинг 1963 йилдаги модификацияси).

3. Ловенфельднинг мозика тести (М. Ловенфельд, 1930).

4. Дунё тест (предметларниг 232 моделлари, 15 та категория буйича тақсимлаштирилган: уй, дарахт, ҳайвонлар ва бошқалар. Предметларни танлаш асосида “ўз олами” яратилади. (М. Ловенфельд, 1939).

5. Мира-и-Лопецнинг Миокинетик психодиагнози (текширилувчи фигурани бир неча бора пайпаслаб кўриб чиқади, сўнгра қарамасдан уларни ифодалайди) (Э. Мира-и-Лопец, 1940).

6. “Оила расми” методикаси (расмлар ёрдамида оиладаги ички муносабатлар баҳоланади) (В. Вулф, 1947).

7. "Уй-Дарах-Одам" тести (Дж. Бук, 1948).

8. «Одам сурати» (К. Маховер, 1949).

9. Дарахт тести (ушбу психографик тест XIX асрда Э. Жюккерт ва Ж. Шлибда томондан қўлланилган, 1934 йилда К. Кох томонидан, К. Кохом в 1949 йилда К. Кох илк бора эълон қилди).

10. Аронсоннинг график тести (ноаниқ расмни қисқача намоён этиш: текширувчи кўрган расмни ифодалаши керак) (Е. Аронсон, 1958).

11. Тест "Геометрик шакллардан одам расмини шакллантириш" (индивидуал-типологик хусусиятлар: 10 та элементдан иборат учта расм (учбурчак, тўртбурчак, айлана) ҳар хил ўлчамда) (Э. Махони; А.В. Либин, 1989).

12. Криминал-ассоциатив символлар — КАС (татуировкларнинг интерпретацияни).

13. “Мавжуд бўлмаган ҳайвон тест”.

14. Психографологик технологиява талқин.

Импрессив проектив методикалар гуруҳчаси

(бир стимулни бошқасидан устун қўйиши)

1. Сонди тести (психик касал одамлар фотографиясини афзал билиш ва инкор этишни танлаш) (Л. Сонди, 30-е гг. XX в.).

2. Люшернинг рангни танлаш тести (М. Люшер, 1948).

Аддитив проектив методикалар

(гапларни, ҳикояларни, тарихни, вазиятларни яқунлаш)

1. Розенцвейгнинг расмли фрустрация методикаси (Тест Р-Ф) (С. Розенцвейг, 1942).
2. Инсайт-тест (15 та вазият-синов баёнини давом эттириш) (Е. Саржент, 1944).
3. Болалар аттитюдлари тести (яқунланмаган интерпретация незавершенных картин-стимулов) (Д. Каган, Д. Лемкин, 1960).
4. Тест "Завершение предложений" (Sentence Completion Test — SCT; словесные ассоциативные связи) (Г. Эббингауз, 1897; А. Пейн, 1928).
Варианты: Тест эмоционального инсайта (А. Тендлер, 1930), Тест «Незавершенные предложения» — IST (два субтеста по 50 пунктов) (Роттер, Виллерман), SSCT (60 пунктов) Дж.М. Сакса.
5. Қўл тести (қўл ишораларини баён этиш, очик агрессив хулқ-атворни ифодалаш) (Б. Брайклин, З. Пиотровский, Э. Вагнер, 1962).
6. Кўп ўлчамли расмли тест (MDDT) (Р. Блох, 1968).
7. Оиланинг тизимли тести — FAST (шахмат доскасига кўз билан чизилган фигуралар шахмат тахтаси майдонига жойлаштирилади — фигуралар ўртасидаги масофа бўйича муносабатларнинг яқинлигини аниқлаш) (Т. Геринг, И. Вилер, 1986).
8. Фрустрациянинг формаллаштирилган тести (ФТФ) (И.Н. Носс, 1994).

Семантик проектив методикалар гуруҳчаси

(шахслилик мазмунини ифодалаш объектига эмоционал муносабат)

1. Семантик дифференциал (СД) (Ч. Осгуд, 1952-1957).
2. Келлининг техника репертуари панжара (индивидуал-шахслилик конструктларни ўрганиш ва тушунчаларнинг шахслилик мазмунни таҳлил қилишни идрок этишни ўрганиш) (Г. Келли, 1955).
3. Новербал семантик дифференциал (қарама-қарши қутбли расмларнинг шкаласи) (Бентлер, Лавойе, Ч. Осгуд, 1962).

4. Хусусий семантик дифференциаллари (межлишно-поведенческий СД; мимический СД; личностный СД) (Дж. Керрол; М. Уиш, 1969).

5. Классификация методи ("саралаш") (семантик тест: маъновий боғлиқ сўзларни саралаш) (Дж. Миллер, 1971).

6. Субъектив шкалалаштириш методи (шкалалар ёрдамида тушунчаларбаҳолаш семантик тести: 0 — ўхшаш эмас; 4 — максимал даражада ўхшаш) (Р. Вудворс, Г. Шлосберг, 1971).

7. "Илоҳий янгилик" (СДО) (Носс И.Н., 1994).

Назорат саволлари:

1. Педагогик тестлаштириш нима?
2. Педагогик тестларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Тестларнинг функцияларини шарҳланг.
4. Психологик тестларни қандай турлари классификация қилинади?
5. Ҳаракт тестлари нима?
6. Эмоционал-иродавий сифатларни баҳолаш методикаларини қандай шакллари мавжуд?
7. Проектив методикаларнинг турлари.
8. Экспрессив проектив методикалар нима?
9. Импрессив проектив методикалар нима?
10. Семантик проектив методикалар қандай бўлади?

Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати:

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.
2. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401

3. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.
4. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.
5. Расулов А.И. Психодиагностика.-Т., “Mumtoz so’z”, 2010.-169 бет.

4-БОБ. ТЕСТОЛОГИЯНИНГ ТЕХНИК ВА МЕТОДОЛОГИК ПРИНЦИПЛАРИ

Режа:

1. Тестларни яратишнинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Методикаларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш талаблари.
3. Ахборотларнинг объективлик муаммоси.

Таянич сўзлар: *тест нормалари, тестларни талқин қилиш, техник принциплар, методика, ахборотнинг объективлиги.*

Психологик ахборотларни конфиденциаллиги, текширув натижаларини олиш текширилувчининг зарари учун ишлаш керак эмас. Улар объектив ва социал ахлоқи меъёрларига мос ва меъёрлар билан мустаҳкамланган бўлиши керак. Психологларнинг халқаро касбий этикавий стандартлари ўзида қуйидагиларни қамраб олади:

- Жавобгарлик тамойили (тадқиқотчи олинган ахборотларни ишончилиги ва конфиденциаллигига жавоб беради);
- компетентлик тамойили (психодиагностиканинг асосий амалий процедураларини ва уларни қўллаш қоидаларини билиш);
- этикавий ва ҳуқуқий ваколатга эгалик тамойили (олинган ахборотларни амалдаги қонунчилик доирасида ҳаракат қилиш ва фойдаланиш);
- юқори даражадаги психологик тарғибот тамойили (ишни текширилувчида психологик диагностика тўғрисидаги ёқимли таассуротларни тадқиқоти натижасида ташкил этиш);
- конфиденциаллик тамойили (текширилувчининг шахсий ҳаёти, туйғуларини поймол қилишга йўл қўймаслик, унга дахлдор маълумотларни тарқатмаслик);
- текширилувчининг хотиржамлиғни таъминлаш тамойили (тестлаштириш жараёни натижасида текширилувчининг психологик ва соматик ҳолати ёмонлашмаслиги керак. Шунингдек, моддий ҳолати ўзгармаслиги, унга зарар етмаслиги керак);

- касбий кооперация тамойили (услубий ва амалий жиҳатдан ишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ва текширилувчининг психодиагностик баҳолари сифатини ошириш мақсадида психологик ахборотларни алмаштириш);

- текширув мақсадлари ҳақида мижозни ахборот билан таъминлаш тамойили (текширилувчи психодиагностиканинг умумий мақсадлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак). Агар тамойил методиканинг баҳолашига яширин сингдирилган бўлса, бу вазиятга боғлиқ бўлмайди;

- текширувнинг ахлоқий-ижобий самарасини таъминлаш тамойили (текширув ва маслаҳатдан сўнгра текширилувчида кайфиятнинг кўтарилиши ва хулқ-атворидаги салбий хусусиятларнинг пасайишига эришиш зарур);

Психологик методикаларга талаблар

1. Ўлчайдиган методикалар (тестлар).

а) мақсад, предмет ва методикларни қўллаш соҳасини бир хилликда шакллантириш;

б) тестни ўтказиш тартибини фойдаланувчи учун қулай, яроқли бир хил алгоритм кўринишига келтириши лозим (ёки компьютерга);

в) қайта ишлаш тартиби статистик асосланган ҳисоблаш методлари ва тест балларини стандартлаштиришни ўз ичига олиши лозим (статистик ёки мезони тест меъёрлари бўйича). Тест баллари асосида чиқарилган хулосалар уларнинг статистик ишончлиолигин эҳтимоллик даражасини кўрсатиши кузатилади;

г) тест шкалалари репрезентативлиги, ишочлилиги, валидлиги қўлланилиши соҳаси бўйича текширилган бўлиши керак (стандартлаштирилган тадқиқотни амалга ошириш имкониятини берадиган);

д) ўз-ўзи ҳақида ҳисоб беришга асосланган тадбирлари натижаларнинг ишончлилигини назорат қилиш, ишончсиз баённомаларни автоматик саралаш воситалари билан таъминланган бўлиши керак;

е) методикаларнинг барча стандартларини даврий коррекциялаш мақсадида тест маълумотларининг базасини шакллантириш.

2. Экспертлар методлари.

а) методиканинг мақсади, предмети ва қўлланилиш соҳасини бир хил мазмунда шакллантириш. Ишончли маълумотларнинг олишни зарур касбий билимларга эга бўлган етарлича миқдордаги экспертлар таъминлайди;

б) йўриқномалар бир хил мазмунга эгаллиги бўйича маълум маълумотлар тўплами асосида экспертлар синовдан ўтган бўлиши керак;

в) натижаларни қайта ишлаш стандартлашган, ҳар қандай экспертга оралиқ маълумотларни бир хилда талқин этиш имконини берувчи бўлиши керак;

г) методикаларнинг барча стандартларини даврий коррекциялаш, фойдаланувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида тест маълумотлар базасини шакллантириш.

Методик воситалар психологлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий комиссияда аттестациядан ўтиши керак.

Тестлардан фойдаланувчиларга қўйиладиган талаблар:

а) умумий назарий-методологик тамойилларни билиши ва амалий қўллашни; дифференциал психометрия асосидан фойдаланишни; психодиагностик адабиётларни таҳлил; ахборотлар ва тест воситалар банкини яратиш;

б) тест маълумотлари асосида қабул қилинган қарорлар учун, методикаларнинг прогностик валидлиги ва репрезентативлик мослигини таъминлашга масъул;

в) диагнознинг зарур ишончлилик даражасини тестлаштириш ёки эксперт баҳолашни қўллаш билан таъминлаш;

г) минимал йўқотиш максимал ишончликка эга бўлган - энг самарали диагностика асосида тест батареяларини ишлаб чиқиш;

д) қўлланилиш соҳасида методикаларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш;

е) методикаларни стандартлаштириш, балларнинг ҳисоблаш, маълумотларни талқин этиш, касбий яроқликни прогнозлаш талабларига риоя қилиш;

ж) психодиагностиканинг методик воситаларини тўғри фойдаланиш ва тарқатиш;

з), текширилувчининг шахсий ишончи асосида олинган психодиагностик ахборотларни конфиденциаллигини таъминлаш;

и) психодиагностик методикаларни ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича талабларни бажариш.

Ушбу талаблар ҳали республикада бирор бир қонуний ҳужжат асосида тасдиқланмаган, аммо тавсиявий характердаги талаблар ҳисобланади. Улар кўпроқ психологларнинг ахлоқий-маънавий сифатларига асосланади.

Назорат саволлари:

1. Тестдан фойдаланувчиларга қандай талаблар қўйилади?
2. Конфиденциаллик тамойили нима?
3. Жавобгарлик тамойили нима?
4. Психологик методикаларга талабларни изоҳланг.
5. Тестлардан фойдаланувчиларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
6. Экспертлар методи нима?
7. Минимал йўқотиш ва максимал натижага эришиш нима учун кеарк?
8. Методикаларни стандартлаштириш нима?

Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.

2. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401
3. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.

5-БОБ. ТЕСТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПСИХОМЕТРИК ТАЛАБЛАР

Режа:

1. Статистик тушунчалар.
2. Тест нормалари.
3. Психологик тестларни стандартлаштириш
4. Тестларнинг ишончилиги ва валидлиги.

Психологик тестларнинг натижаларини талқини қилишда эса стандартлаштириш танланмасида акс этган нормаларга таянилади. Бундай нормалар эмпирик йўл билан белгиланади. Репрезентатив гуруҳ вакилларининг кўрсаткичлари ҳаққонийлигини тест билан мувофиқлаштирилади. Стандартлаштириш вақтидаги баҳолар тақсимоти ҳақиқий синалувчининг бирламчи баҳоси (“қуруқ баллар”) тақсимотда қандай ўрин олганлигига асосланади. Унинг кўрсаткичлари гуруҳнинг ўртача қийматига мос келадими ёки йўқлиги аниқланади.¹⁹

Индивидуумнинг стандартлаштириш танланмасидаги ҳолатини аниқлашда унинг “қуруқ балл”ари нисбий мезонларга асосланиб иш кўради. Ишлаб чиқиладиган баҳолар икки мақсадга мувофиқ амалга оширилади. Биринчидан, улар синалувчининг норматив танланмадаги нисбий ҳолатини аниқлашга кўмаклашади ва улардаги олинган қийматлар бошқа синалувчиларнинг натижалари билан ўзаро таққосланади. Иккинчидан, улар индивидуумнинг ҳар хил тестлардан олган натижаларини тўғридан тўғри солиштиришни таъминлайди. Масалан, қиз бола луғатли тестдан 40 балл ва арифметик тестдан 22 балл тўплади. Бу икки натижа ҳар иккала тест бўйича ҳеч нарса бермайди. Бу ерда синалувчи қайси тестни яхшироқ бажарган деган саволга жавоб олиб бўлмайди. Улар ўртасидаги фарқларни топимш учун ҳар хил тестларнинг стандарт нормасига асосланилади.

¹⁹ Anastasi A, Urbina S. Psychology Testing. Prentice-HallInternational,Inc. - p. 57

Статистик тушунчалар²⁰. Статистик методларнинг мақсади миқдорий кўрсаткичларни тушуниш учун уларни мужасамлаштирилган ва тизимлаштирилган ҳолатда тақдим қилишдан иборат. 1000 тест баҳоларига назар солиш анча таъсирчан кўринса-да, аммо уни тушуниш қийинчилик туғдиради. Натижаларни статистик меъёрлаштириш учун бир неча босқичли тадбир амалга оширилади. Бунинг учун балларнинг частотали тақсимоти жавдали тузиб чиқилади (1-жадвал). Бунинг учун дастлаб, бирламчи баҳоларнинг миқдорий

Миқдорий кўрсаткичларни тақсимланиш интервалига кўра баҳолари маълум шартли белгилар билан ифодаланади. Барча частоталар йиғиндиси N-ушбу гуруҳдаги ҳолатларнинг умумий сони. Бирламчи баҳолар бўғинли коднинг тўғри бажарилган элементлар миқдорлари.

1-жадвал

Ўзлаштириш коди бўйича талабаларнинг бирламчи баҳоларининг тақсимланиш частотаси (n=1000)

Гуруҳлаш интерваллари	Частотаси
52-55	1
48-51	1
44-47	20
40-43	73
36-39	156
32-35	328
28-31	244
24-27	136
20-26	28
16-19	8
12-15	3
8-11	2

Натижалар икки минут давомидаги уринишларда ўзгаришларнинг кўрсаткичи 8 дан 52 гача чегарада тебраниши кузатилади. Улар гуруҳлаш


²⁰ Anastasi A, Urbina S. Psychology Testing. Prentice-HallInternational,Inc. - p. 57.

интервалида жойлашган бўлиб, кенглиги бўйича 4 бирликдаги интервал билан гуруҳлашга эга бўлди: 8-11дан 52-55 гача бўлган интервалдан ўрин олди.

Частоталар каторидан аниқлаш мумкинки, иккита синалувчининг натижалари 8-11 интервалда, учтасиники эса 12-15 интервалдан ўрин олган ва ҳ.к.з. Тақсимотлар частотаси бўйича маълумотларнинг график тақдим этилиши эгри чизик тақсимоли кўринишини олган (1-расм).

1-расмдан кўринмоқдаки, тақсимотларни кўриниши кўнғирок шаклидаги нормал эгри чизик тилсолини ҳосил қилмоқда. Нормал эгри чизикнинг математик аниқланиши муҳим математик хоссаларни эгаллаган бўлиб, кўпгина статистик таҳлилларнинг асосида ётади.

Нормал тақсимотнинг кўринишида фаҳмлаш мумкинки, кўп миқдордаги ҳолатлар эгри чизикнинг маркази қисмидан ўрин олган, қолган ҳолатлар камайган тарзда унинг чеккасига қараб жойлашиб боради. Эгри чизик симметрик кўриниш олиб, ягона максимумлик эса марказдан ўрин олган.




Баҳолар (кодларни ўзлаштириш тести бўйича)

1-расм. Эгри тақсимот: полигон ва гистограмма

Инсон хусусиятларини ифодаловчи кўпгина аломатлар-бўйи ва вазнидан тортиб қобилият ва шахслилик хусусиятларигача – нормал эгри

чизикқа яқинлашиб боради. Умумийда кўпгина гуруҳга нисбатан эмпирик тақсимот назарий нормал эгри чизикқа яқинлашади. Қийматларнинг бу тарзда статистик ифодалаш кўпгина тестларни натижаларини типик ёки репрезентатив талқин этишга имкон беради.



Баҳолар

2-расм. Бир хил ўртача ва ҳар хил ўзгарувчанлик диапазон бўйича тақсимотлар частотаси

Сўнгра қатор тест баҳолар тўплами марказий тенденцияларни қатор мезонлари тиғиз баён қилинган бўлиши мумкин. Бундай ягона мезон синалувчилар гуруҳи бажарган тест топшириқларни тавсифловчи энг типик ёки репрезентатив баҳони беради. Бундай мезонлардан бири ёки ўртача танланма ёки катта M билан ифодаланган *ўртача арифметик* қийматдан иборат. У барча тўпланган қийматлар йиғиндисидан содир бўлган ҳодисаларнинг йиғиндисини (N) бўлиш асосида топилади. Марказий тенденциялардан яна бир энг кўп учровчи баҳо *модадан* иборат. Частотали тақдимотда *мода* максимал частота билан гуруҳлаш интервал ўртасидаги сифатида аниқланади. Масалан, 1-жадвалдаги мода 32-35 интервалдаги нуқталар ўртасидан ўрин олган бўлиб, у 33,5 га тенгдир. Бу қиймат эгри тақсимот чизигининг энг юқори нуқтасидан ўрин олган. Марказий

тенденциянинг учинчи ўлчами - бу *медиана* ҳисобланади. Медиана синалувчиларнинг баҳоларини ранглаштириш мажмуасини ўртасидан жой олувчи баҳодир. Медиана тақсимот тўпламидаги баҳоларни тенг иккига бўлувчи қиймат ҳисобланади. Натижада ҳодисларнинг бир қисми медианадан қуйи, бир қисми юқоридан жой олади.

2-жадвал

	БАҲОЛАР (X)	ОҒИШ = X - M	КВАДРАТ ОҒИШ (x ²)
50 % ҳодиса	48	+8	64
	47	+7	49
	43	+3	9
	41	+1	1
	41	+1	1
Медиана = 40,5 →	40	0	0
50 % ҳодиса	38	-2	4
	36	-4	16
	34	-6	36
	32	-8	64
	$\sum X = 400$		$\sum x^2 = 244$

$$M = \frac{\sum X}{N} = \frac{400}{10} = 40$$


$$\text{Дисперсия} = \sigma^2 = \frac{\sum x^2}{N} = \frac{244}{10} = 24,40$$

$$SD \quad \sigma = \sqrt{\frac{\sum x^2}{N}} = \sqrt{24,40} \approx 4,9$$

Тест баҳолари ҳақидаги қўшимча маълумотлар марказий тенденциядан индивидуал оғиш даражасини кўрсатувчи ўзгарувчан мезонларни беради. Ўзгарувчанликни энг аниқ ва тушунарли тақдим этувчи усули тўпламдаги минимал ва максимал баҳолар ўртасидаги фарқни ифодаловчи ҳодиса тебраниши тақдим этади.

Нормал тақсимот қоидасига кўра 10 та ҳодисадан иборат ҳолат бўйича мисол кўриб чиқилади. Кам ҳодиса бўйича масалани кўриб чиқиш, кўп тўпламли ҳодисларга нисбатан унинг тушунарли бўлишини таъминлаш

учун олинди. Жадвалда бир қатор кейинчалик фойдаланиладиган статистик ифодалар келтирилган. Тестнинг бирламчи баҳолари катта X орқали кичик x эса гуруҳнинг ўртача қийматидан ҳар бир синалувчиларнинг индивидуал қиймат бўйича улушини ифодалайди.



3-расм. Нормал эгри бўйича тақсимотларнинг фоизли ифодаланиши

Грекча Σ ҳарфи йиғинди маъносини ифодалайди. Жадвалнинг биринчи устунни бўйича ўртача қиймат ва медиана ҳисоблаб топилади. Жадвалда ўртача қиймат 40, медиана эса 40,5 га тенг ва 40 билан 41 ўртасида жойлашган. Бешта ҳолат (50%) медианадан юқорида ва бешта ҳолат эса медианадан пастдан ўрин олган. Мода эса 41 дан иборат. Бу қийматни иккита киши олган. Бошқа барча кўрсаткичлар эса фақатгина биттадан ҳолатда акс этган.

Жадвалнинг иккинчи қатори ҳар бир баҳонинг гуруҳдаги ўртачадан (40) у ёки бу томонга оғишини ифодалайди. Бу оғишларнинг йиғиндисидоимо нолга тенг. Ўртачадан ижобий ва салбий оғишларнинг бир бирига муносабати (+20-20=0) нолга тенг.

Анчагина ижобий ўзгарувчи мезон стандарт оғиш ҳисобланади (SD ёки σ). Бу устундаги қийматлар йиғиндисининг тасодифлар сонига бўлиниши ($\frac{\sum x^2}{N}$) дисперсия ёки ўртача квадрат оғиш деб аталади. Дисперсия тест натижаларининг индивидуал тафовутларидаги ҳар хил омилларнинг улишини ёритиш вақтда чет фойдалилик ҳисобланади. Шунингдек SD ҳар хил тестлар бўйича нормалар бирлигидаги индивидуум баҳоларини ифодалаш учун хизмат қиладиган таянч элементалар вазифасини бажаради. Стандарт оғишни талқин қилиш нормал эгри тақсимотга яқин ёки нормал тақсимот ҳақида сўз борган ҳолатда аниқ бўлади. Нормал тақсимот вақтида SD ва ҳодисларнинг нисбий миқдори ўртасидаги яққол муносабат жадвалда ўз аксини топган. Нормал эгри чизик базиси ўртачадан M юқори ва қуйи стандарт оғишлар бўйича икки ва уч бўлақларга бўлиб қўйилган. Масалан, жадвалда келтирилган ҳолтган кўра $M=40+1\sigma=44,9$ (яъни, $40+4,9$); $+2\sigma$ (яъни, $40+2 \times 4,9$) ва ҳ.к.з кўриниш олади. ҳолати M билан $+1\sigma$ ўртасидан ўрин олган ҳодисаларнинг фоизли миқдори нормал тақсимот учун 34,13% га тенг бўлди. Эгри чизикнинг симметрик қисмида 34,13% M билан -1σ оралиғида ҳам ўрин олади. -1σ дан $+1\sigma$ гача диапазон 68,26% га тенг бўлади. Барча ҳодисалар $\pm 3\sigma$ диапазонда (99,72%) жой олди.

Тест нормалари

Ёш нормалари

Тест баҳоларига мазмун беришнинг яна бир усули – бу индивиднинг нормал йўналиш бўйича ривожланишини кўрсатади. Шундай қилиб, 8 ёшли бола интеллект тест бўйича 10 ёшли боланинг ўртача даражадаги интеллект тести бўйича топшириқларини бажара олди. Унинг ақлий ёши 10

ёшга тенг. Ақлий ривожланишдан ортда қолган катта ёшлик киши бу тест топшириқларини бажарганда унинг ақлий ёши ҳам $A\ddot{E}=10$ га тенг бўлади. Бошқа ҳолатда 4-синф ўқувчиси ўқиш тести бўйича 6-синф нормасига ва арифметик тест бўйича 3-синф нормасига эришди. Бундан кўринадики, тестларнинг ёш билан боғлиқ кўрсаткичлари анчагина мураккаб кўринишга эга.

Мактаб нормалари. Мактаб нормалари таълим жараёнида эришилган ёки мактаб таълимига боғлиқ қбилиятларини ўрганиш тестлари асосида ишлаб чиқилади. Улар ҳар бир таълим босқичи учун белгиланади ва мамлакатнинг барча ҳудудларига амал қилинади.

Касбий нормалар. Касбий нормалар ҳар хил касб эгалари гуруҳи учун тестлар асосида белгиланади (масалан, механиклар, машинистлар ва бошқалар).

Маҳаллий нормалар. Маҳаллий нормалар жинси, ёши, географик ҳудуди, социал-иқтисодий статус ива бошқа умумий белгилари билан тафовутланувчи тор тоифали кишилар учун қўллашда ишлаб чиқилади. Масалан, Векслер ва Равен тестлари ёш чегаралари бўйича нормага эга.

Миллий нормалар. Миллий нормалар халқ, миллат, мамлакат вакиллар учун ишлаб чиқиладиган нормалар. Бундай нормалар маълум маданият, ахлоқ талаблари ва ҳар бир маданий анъаналарни аниқлаш учун керак.

Нормалар тест натижаларини талқин этишда эталон сифатида зарур. Масалан, интеллект тестларида IQ бирламчи кўрсаткичлари IQ норматив кўрсаткичлари билан муносабати солиштирилади (Ж.Равен тестида 43, 44, 45 баллар норма ҳисобланади). Агар текширилувчининг IQ кўрсаткичи нормадан юқори бўлса 60 баллга тенг (Ж.Равен тестида). Бу текширилувчининг интеллектуаллик даражаси юқори эканлигини англатади. Агар IQ кўрсаткичи паст бўлса, у ҳолда қуйи даража, олинган IQ кўрсаткичи 43, 44 ёки 45 баллга тенг бўлса, у ўртача ҳисобланади.

Психологик тестларнинг стандартлаштириш талаблари. Шахсни ўрганиш тестларини конструкциялаш ўзида психометрик асосий талабларга жавоб берувчи ўлчаш воситаларининг яратиш жараёнини тақдим этади. Ҳар қандай тест ишончли, валидли ва стандартлаштирилган бўлиши керак. Психодиагностика билан шуғулланаётган ёш мутахассислар ўз амалиётларида методикалардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга кўп дуч келмоқдалар. Чунки мамлакатимизда психодиагностика фанининг ривожланиши анча илмий салмоққа эга бўлган ишларни амалга оширишни талаб этади. Бугунги кунда психодиагностик мақсадларда татбиқ этилаётган методикаларнинг асосий қисми бошқа муҳитларда яратилган бўлиб, улар бизнинг шароитимизда айрим психометрик қоидаларга мувофиқлаштирилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, психодиагностика ва унинг муаммоларига бағишланган қўлланмалар, адабиётларнинг ўзбек тилида яратилганлари ва психологлар тайёрлаш жараёнида психодиагностика курсини ўқитишда ҳам амалий тажрибалар етарлича эмас. Бу тарздаги муаммоларнинг мавжудлиги ўз навбатида ушбу йўналишдаги бошқа муаммоларни келиб чиқишига асос бўлиб қолаётганлиги шубҳасиз. Юқорида келтирилган муаммоларга таянган ҳолда психологик методикаларни яратиш, уларни модификациялаш ва мослаштиришнинг психометрик жиҳатлари билан боғлиқ масала таҳлилига эътибор қаратиш кўзда тутилди. Маҳаллий мутахассислар методикаларни амалиётда қўллаш қоидалар ва шарт-шароитлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдалар. Бундай муаммоларни ҳал этишда жаҳон психологиясида етарлича тажрибалар мавжуд. Ушбу тажрибаларга таянган ҳолда ёш мутахассислар дуч келаётган муаммолардан бири психодиагностик методикалар, хусусан, тестларни стандартлаштиришнинг умумий жиҳатларини таҳлил этиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Психологик тестларни стандартлаштириш

Стандартлаштириш (инглизча standard сўздан олинган бўлиб, – бир шаклга, меъёрга келтириш маъносини англатади) – тестнинг ўтказиш

тартиби ва унинг натижаларини баҳолашни ягона меъёрга келтириш, унификациялаш ва татбиқ этишни қатъий белгилаш жараёни.

Методиканинг валидлик, ишончлилиқ ва дифференциаллик талабларига, уни қўллаш учун нисбий танланмани стандартлаштириш зарур. Шу боис, психологик методикаларнинг биринчи кўрсаткичлари, баҳоси ва талқини экспериментаторнинг хулқ-атвори ва субъектив мулоҳазаларига боғлиқ бўлиб қолмаслигини тақозо этади. Шу сабабли тадқиқотчилар, методикаларни яратувчи ва мослаштиришга жазм этган мутахассислар психологик тестларнинг объективлигини таъминлаш учун қуйидаги шартларга амал қилиб, иш юритишлари лозим бўлади:

- методика меъёрлари билан қиёсий натижаларини қўлга киритиш учун тестни ягона ўтказиш тартибга келтириш;
- тестни бажаришнинг ягона баҳо меъёрига эришиш;
- тестлаштириш маълумотларини қайта ишлаш натижаларидан олинган кўрсаткичлар билан солиштириш учун маълум тест нормаларини аниқлаштириш.

Бугунги кун психометрика тажрибаларида стандарлаштиришнинг иккита шаклига кўп таянилади. Биринчиси, методикани татбиқ этишнинг қатъий вақтини белгилаш, йўриқномасини, жавоблар варағини, тажриба-синовни ўтказиш шароитларини ва текширувчиларнинг характеристикасини унификациялаш билан боғлиқ. Психологик тестларни стандартлаштиришнинг ушбу ҳолати қуйидаги диагностик вазиятларни аниқлаш ва ҳисобга олишни ўзида қамраб олган:

1. Тест ўтказиш шароитлари (бино, жиҳозланиши ва бошқа ташқи омиллар). Шубҳасиз, қисқа муддатли хотирани товуш, овозлар сингари чет таъсирларсиз яхши ўлчашга эришилади (масалан, Векслернинг рақамлар қаторини такрорлаш субтести ёрдамида).

2. Йўриқномаларнинг мазмуни ва уни тақдим қилиш хусусиятлари (овоз тони, тўхталиш (пауза), нутқнинг тезлиги ва бошқалар). Масалан,

“Ўнта сўз” тестидаги сўзлар маълум сониялар оралиғида тақдим этилиши керак.

3. Стандартлаштирилган стимул материалнинг мавжудлиги. Масалан, олинган натижаларнинг ҳолислиги респондентларга Г.Роршахнинг қўлбола картасини ёки стандартлаштирилган –маълум рангларнинг уйғунлиги ва ранглардаги ўзгачалик тақдим этилишига аҳамиятли боғлиқдир.

4. Тестни бажаришнинг вақтини чегараланиши. Масалан, Равен тестини бажариш учун респондентга 20 дақиқа берилади.

5. Тестни бажариш учун стандарт бланки. Стандартлаштирилган бланкнинг қўллаш натижаларни қайта ишлаш жараёнини енгиллаштиради.

6. Тестлаштириш жараёни ва натижаларига ўзгарувчан шароитларнинг таъсирини ҳисобга олиш. Ўзгарувчан таъсирлар деганда текширилувчининг ҳолатлари тушунилади (толиқиш, кечинмалар, тестдан безовталаниш, яъни ҳолатлар, экспертизанинг шартли ҳаракат мотиви ва бошқалар), тестнинг ностандарт шароитда ўтказиш (ёмон ёритилган бино, вентиляциянинг йўқлиги ва бошқалар) ва тестни ўтказишни тўхтатиб қўйиш.

7. Тестни ўтказиш жараёни ва натижаларига диагностининг хулқ-атвори таъсирини ҳисобга олиш. Масалан, тест ўтказиш жараёнида экспериментаторнинг қўллаб-қувватловчи-рағбатлантирувчи хулқ-атворини респондент томонидан “тўғри жавобни” шама қилиш тарзида идрок этиш ва бошқалар.

8. Тест ўтказиш жараёнида респондентни тажрибасининг таъсирини ҳисобга олиш. Табиийки, респондент тестдан биринчи бора ўтаётгани йўқ, у ноаниқлик туйғусини бартараф эта олди ва тест вазиятига маълум муносабатни ишлаб чиқади. Масалан, агар респондент Равен тестини бажариб бўлган бўлса, унга иккинчи бора тестни бажаришни таклиф этиш керак. эмас.

9. Тестнинг бажарилишини бир хилликда баҳолаш: олинган натижаларни стандарт талқин этиш (бу ушбу тестни ёш (масалан, интеллект

тестларида), жинс ва бошқа аломатлар учун норма билан бажаришдан олинган кўрсаткичларни кўзда тутари.

Иккинчиси, психодиагностик методикаларни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва фойдаланишга йўналтирилган: 1) тест методикаларини лойиҳалаштириш босқичи ва уларнинг мазмуни. 2) Тестнинг мослаштириш алгоритми ва технологияси. Бу хусусида қуйида алоҳида мулоҳаза юритилади.

Тестларнинг ишончилиги ва валидлиги

Тест назариясининг бош муаммоси натижаларни ўлчаш бўйича ишончли натижаларни аниқлашдир. Тест ўтказишдан ишончли натижалар олишнинг психометрия учун аҳамиятга эга бўлган икки йўли бор: специфик ва умумлашган (генерализациялашган).

Махсус олинган ҳаққоний натижалар остида конкрет тест ёрдамида олинган аниқ натижалар тушунилади. Бу тушунча физик қийматларнинг ўлчамларини аниқлашдаги кузатиладиган аниқ баҳо тушунчасига яқиндир. Бу ерда натижаларнинг ҳаққонийлигига ўлчаш методларининг аниқчилиги билан боғлиқ қараш тушунилади. У тестлаштириш натижаларининг

Тестнинг ҳақиқатдан психик хусусиятларининг даражасини ўлчаш қобилиятини характерлаш учун валидлик тушунчасидан фойдаланилади.

Тестнинг валидлиги (validity) тест ўлчаши мўлжалланган сифатлар (хосса, қобилият, характеристика) ўлчабини ифодалайди. Инвалидлар ёки валидликка эга бўлмаган тестлар амалий қўллаш учун яроқли эмас.

Валидлик билан ишончилик ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Уларнинг ўзаро муносабатларини қуйидаги мисол орқали изоҳлаш мумкин. Иккита А ва В мерганлар бор. А мерган 100дан 90 очко, В мерган эса фақатгина 70 очко тўплади. А мерганнинг ишончилиги-0.90, В мерганнинг ишончилиги -0.70 га мос келди. Бироқ А мерган доимо бегона нишонларга ўқ отган, шу сабабли мусобоқада унинг натижалари ҳисобга олинмади. Иккинчи мерган эса нишонни тўғри танлаган, яъни ўзи учун белгиланган

нишонга отган. Бу ерда А мерганнинг валидлиги 0 га тенг, В мерганники эса 0,70 га тенг. Агар А мерган ҳам ўзига белгиланган нишонга ўқ отиб, 90 очко олганида эди, унинг валидлиги ҳам ишончлигига тенг бўлар эди.

Агар у баъзан нишонни чалкаштира, унинг натижаларини бир қисми ҳисобга олинмайди ва А мерганнинг валидлиги ишончилиқдан паст бўлади. Келтирилган мисолда ишончилиқнинг аниқлиги, мерганнинг беҳато отганлиги билан, валидликнинг аниқлиги эса отишнинг аниқлиги, яъни ҳар қандай отиш эмас, балки қатъий белгиланган ўзининг нишонига отганлиги билан характерланади. Шу сабабли у хоҳ нишонни, хоҳ командасини ўзгартирмасин ишончли отган мерган валидликка эга бўлади. Тестлар тарихида маълум ҳолатларда тестлар бир хусусиятни ўрганишда инвалидлик деб ҳисобланса-да, аммо бошқаси учун у валидликка эга бўлган. Демак ишончилиқ валидлик учун зарур шарт ҳисобланади. Ишончсиз тест валидликка эга бўлмайди. Аксинча, валидликка эга бўлган тест ишончли бўлади. Ишончилиқ валидликдан кичик бўлмайди, ўз навбатида валидлик ишончилиқдан ортиқ бўлмайди.

Замонавий психометрияда қатор валидлик турлари мавжуд. Амалиётда уларнинг учта асосий валидлик турлари алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир: мазмуний (мантикий), эмпирик ва концептуал.

Мазмуний валидлик (content validation). У кўпинча “мантикий валидлик” ёки “аниқлаш бўйича валидлик” деб ҳам номланади. Мазмуний валидлик мутахассис томонидан тестнинг валидлик деб билдирган мулоҳазаси орқали аниқланади.

Мазмуний валидлик кўриниб турган, юзадаги, ташқи валидлик (face validity) дан фарқ қилиши кузатилади. Ташқи валидлик- текширилувчи нуқтаи назаридаги валидликдир. У текширилувчида тест йўриқномаси ва материаллари билан танишишда шаклланади, ўлчаш предмети ҳақидаги таассуротларини ифодалайди. Ташқи валидлик тестлаштириш жараёнида муҳим рол ўйнайди, чунки айнан у биринчи навбатда текширилувчининг текширувга муносабатини аниқлайди.

В.А.Аванесов текширилувчиларда ташқи валидликни йўқлиги туфайли тестни бажаришдан бош тортиш ҳолати билан боғлиқ мисол келтиради. Бир социологик тадқиқотда балиқчилик флоти моряги анкетани тўлдиришдан бош тортган ҳолат кузатилади. Бунга сабаб анкета моряклар учун тузилмаганлиги сабаблидир. Агар сўровнома денгиз атамалари билан боғлиқ тузилганда эди, у ҳолда текширилувчиларда катта ишонч уйғотган бўлар эди. Айнан ушбу ҳолатнинг кучига кўра ташқи валидлик баъзан ишончли валидлик ҳам деб номланади.

Ошкора, ташқи валидлик мазмуний валидлик билан ҳар хил муносабатда бўлади. Бир ҳолатда мазмуний ва ташқи валидлик мос тушса, бошқасида ташқи валидлик мазмуний валидликни ҳимоялаш (яшириш) учун ниқоб сифатида фойдаланилади. Шу мақсадда топшириқнинг мазмуни ва йўриқномасига махсус шакл берилади. Бу асосий объектив тестларни тузишнинг тактик усули сифатида фойдаланилади.

Ошкора-ташқи валидликдан фарқли ўлароқ мазмуний валидлик доимий равишда тест материални мазмунини ҳаққоний баҳолашга муносабати билан боғлиқ, сохта ўлчашлар мақсадларига эга эмас. Мазмуний валидликни аниқлаш учун эксперт методидан фойдаланилади. Ҳар доимгидек, экспертизада қуйидаги масалалар ҳал қилиниши керак: компетент экспертларни танлаш, эксперт гуруҳини шакллантириш, экспертизани ўтказиш жараёнини ташкиллаштириш ва бошқалар. Экспертнинг специфик объекти бўлиб, тестнинг мазмуни хизмат қилади. Экспертлар унинг психик хусусиятларга, тестнинг валидлигини мазмуни сифатида эълон қилинадиган тестнинг мазмунини баҳолаб беришлари зарур. Бу мақсадда экспертларга тестнинг спецификацияси ва топшириқлари рўйхати тақдим этилади. Агар аниқ топшириқлар тўлиқ равишда мос келса, у ҳолда эксперт уни тестнинг мазмунига мувофиқ сифатида баҳолайди. Акс ҳолда у топшириқларни нуқсонли ҳисоблайди ва ёзма равишда ўз баҳосини асослайди. Агар экспертлар орасидан топшириқни баҳосида келишмовчилик келиб чиқса, у ҳолда экспертларнинг

ёзма тушунтиришлари билан аноним тарзда танишиб чиқадилар, бунинг натижасида экспертиза қайтадан ўтказилади.

Эмпирик валидлик (empirical validity). Эмпирик валидликнинг ғояси тестнинг маълум қобилиятини аниқлашда индикатор ёки психик хусусиятлари ёки инсон хулқ-атвор шакллари қатъий аниқлашни башорат қилувчи бўлиб хизмат қилишдан иборат. Тестнинг бу хусусиятини ўлчаш учун тест натижаларининг ташқи мезонлар билан корреляцияси коэффиценти ҳисоблаб топилади- $R(X,K)$. Мезон сифатида тестни валидлаштирувчи, психологик характеристикаларни мустақил ва шубҳасиз ўлчовчи, ҳар қандай кўрсаткич иштирок этиши мумкин. Мезон танлаш ҳақидаги масала бу кўринишда асосий валидлик ҳисобланади. Мезон танлашда валидликнинг миқдорий ва сифатни баҳолашига боғлиқ бўлади. Шартли равишда уч гуруҳ мезонларни ажратиш мумкин: экспертлар, экспериментал ва “ҳаётий”.

Эксперт мезон шахс хусусиятларини мустақил ўлчаш учун эксперт баҳолашдан фойдаланишни тақозо этади. Гарчи шахс хусусиятларини ўлчашда охириги вақтларда эксперт методига катта аҳамият берилаётган валидлигини таъминлашда эксперт баҳолашни қўллаш етарлича ишлаб чиқилган унификациялашган тартибга, ишончли ва барқарор ахборот олишни тақозо этишга эга эмас.

Ўқувчилар учун мўлжалланган тестларни валидлаштиришда эксперт сифатида одатда ходимлардан фойдаланадилар. Бироқ махсус тадқиқот кўрсаткичлари сифатида ходимларнинг эксперт баҳолари паст ишочилик ва валидликка эга. Айрим ходимлар ишончли эксперт сифатида иштирок этишлари мумкин. Бу уларнинг баҳолари айниқса субъектив янглишишларга дучор бўлганлиги кучли даражада боғлиқдир (симпатия ва антипатияга, ходимга ота-оналар билан муносабатини кўчириш, шахс сифатидаги ўзлаштириши билан).

Хатоларнинг бошқа сабаби баҳоланаётган сифатнинг мазмунини етарлича тушунмаслигидан иборат. Тест ва эксперт баҳоси учун ҳажм

бўйича мос тушунча қўшиш кузатилади. Акс ҳолда юқори корреляцияга мўлжал олиш мумкин эмас.

Агар шахснинг қандайдир хусусиятини ходим баҳолаши оддий талаб этилса, бу номутохассислар олдида турган ва ҳатто кўп психологлар учун қийин вазифа ҳисобланади. Бошланишида валидлаштириладиган тестни ўлчаш учун ходимга психик хусусиятнинг мазмунини тушунтириш, уни топшириқ таркиби ва спецификацияси билан таништириш керак бўлади. Фақат шундан кейингина ходимдан ўқувчиларга эксперт баҳо қўйиш сўралади. Баҳони 7 ёки 9-балли шкалада қўйиш керак бўлади. Биринчидан, баҳо анча аниқ қилинади, иккинчидан ўлчанаётган сифатга ўзлаштириш баҳосини механик қўчириш қийин бўлади.

Амалиётда кўпроқ экспериментал мезонлар кенг тарқалган. Бу ҳолатда валидлаштириш мезони сифатида бир вақтнинг ўзида ва мустақил тестлаштириш текширилувчиларни бошқа тестлар билан биргаликда фойдаланилади. Икки қиймат ўртасидаги корреляция коэффициенти ўзаро эмпирик валидлик ҳисобланади. Унинг қийматлари ўлчашнинг мазмуни ва тестнинг ишончилигига боғлиқдир.

Назорат саволлари::

1. Тестлар натижаларини қайта ишлашда қандай статистик тушунчалардан фойдаланилади?
2. Нормал тақсимотдан нима мақсадда фойдаланилади?
3. Тест нормалари қандай турлари мавжуд?.
4. Ёш нормалари нима?
5. Маҳаллий нормалар нима?
6. Тестларни стандартлаштириш нима?
7. Тестларнинг ишончилиги деганда нима тушунилади?
8. Тестларнинг ишончилигини аниқлашнинг қандай қоидалари мавжуд?
9. Тестларнинг валидлиги нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
10. Ташқи валид ва мазмуни валидликни таъминлаш йўллари.

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. Groth-Marnat G. Handbook of psychological assessment. John Wiley & Sons, Inc.—4th ed.- p.1-36.
2. Anastasi A, Urbina S. Psychology Testing. Prentice-HallInternational,Inc.- p. 4-20.
3. Шмелев А. Г. Основы психодиагностики - Учебное пособие для студентов педвузов. — Москва, Ростов-на-Дону: «Феникс», 1996. – 544 с.
4. Якиманская И.С. Методология и диагностика в психологическом исследовании. - Оренбург: ОГПУ. 2001. – 43 с.

ИККИНЧИ ҚИСМ. ТЕСТОЛОГИЯНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

1-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТ ВА ҚОБИЛИЯТ (I ТИП) ТЕСТЛАРИНИ ТУЗИШ

Режа:

1. Интеллект тестлари.
2. Интеллект тестлари учун топшириқлар.
3. Аналогиялар
4. «Ортиқча сўзни учратдингми – олиб ташла» (odd-man-out) туридаги топшириқлар
5. Кетма-кетликли вариантли топшириқлар.
6. Махсус қобилиятлар ва ютуқлар бўйича тестлар.

Интеллект тестлари

Интеллект тестлар самарали тестларнинг ажралмас атрибути ҳисобланади. Уларнинг ишончлилик даражаси маълум даражада тестнинг катталигига боғлиқ бўлиши ҳам кўрсатилган. Демак, тестларни ишлаб чиқишда имкони борича кўпроқ миқдорда топшириқларни шакллантириш имкониятига эга бўлиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, тестларнинг қониқарсиз ишончилиги сабабларидан бири олинган маълумотларга ишлов берадиган тадқиқотчининг субъектив ёндашуви, яъни иккита турли ҳолатда айнан бир тадқиқотчининг иши натижалари ўртасида ҳам, турли тадқиқотчиларнинг иши натижалари ўртасида ҳам фарқлар мавжудлиги ҳисобланади. Агар тестни ўтказувчи шахсдан ҳеч қандай субъектив фикрларни талаб этмайдиган топшириқларни – яъни, объектив топшириқларни ифодалаш мумкин бўлса, ушбу камчиликни тўлиқ бартараф этиш мумкин. Афтидан, айнан шу сабабларга кўра топшириқларни ишлаб чиқиш самарали тестларни яратишда ҳал қилувчи жиҳат ҳисобланади. Ҳақиқатан, тест ундаги топшириқлардан яхшироқ бўла олмайди. Лекин, агар у яхши стандартлашмаган бўлса ёки агар топшириқларни танлаб олиш

ва баҳолаш, ҳамда валидлаштириш амаллари нотўғри бажарилган бўлса тест улардан ёмонроқ бўлиши ҳам мумкин.

Бу ерда тестларни яратишнинг фундаментал жиҳатига: топшириқларни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилади. Ҳозирги пайтда жуда кўп сонли ва турли-туман психологик тестлар мавжуд, бунинг натижасида, ҳар хил турдаги топшириқларнинг ниҳоятда кўп сони бор. Бу бобда муҳокама интеллект ва махсус қобилиятларга оид тестларни кўриб чиқиш билан чекланади, улар баъзан «когнитив тестлар» атамаси билан бирлаштирилади. Лекин бу тестлар тоифаси доирасида ҳам фойдаланилиши мумкин бўлган топшириқларнинг барча турларини муҳокама қилиш қийин. Шунга қарамай, когнитив тестлар учун топшириқларни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари тушунарли бўлса, специфик топшириқларни ифодалаш ҳам осонроқ бўлади. Топшириқларни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари бўйича энг кўп фойдаланиладиган топшириқ турларига мисоллар келтирилади. Бу билан ўқувчини янги топшириқларни ишлаб чиқишга илҳомлантириш мумкин, чунки бу психометриянинг тамал тоши ҳисобланади.

Топшириқларни ишлаб чиқишни муҳокама қилишдан аввал, тестларни барпо этишдаги баъзи кичик, лекин муҳим жиҳатларни тилга олиш керак бўлади. Аввал айтилганидек, аслида ўз-ўзидан тушунарлидек кўринган ушбу ҳақиқатларга эътибор бермаслик натижасида, аслида самарали тест бўла оладиган топшириқ мажмуи барбод бўлиши мумкин.

Йўриқнома

Тестни бажарувчи синовдан ўтувчи кишилар учун йўриқнома имкони борича содда ва тушунарли бўлиши лозим. Агар улар мураккаб бўлса, баъзи синовдан ўтувчи кишилар уларни тушуна олмайди, бу эса олинган натижаларга салбий таъсир этади. Умумий интеллект омили (йўриқномани тушуниш даражасини ҳисобга олган ҳолда) тахминий топшириқларга хос

бўлган омил, ёки турлича омиллар билан аралашиб кетиб, натижани бузиб кўрсатиши мумкин.

Тестларни синовдан ўтказишда (апробация) маълум босқичда йўриқномани баҳолашга уриниш ўзига хос натижа бериши мумкин. Лекин йўриқнома топшириқларни бажара олмаган синалувчиларнинг хатоларига сабаб бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Буни эса, паст натижаларни кўрсатган синовлувчилар нималарни бажаришга уринганлигини билишга имкон берадиган суҳбат давомида аниқлаш энг осон бўлади. Бундай турдаги сўров-суҳбатлар шунингдек йўриқноманинг қониқарсиз қисмини (қисмларини) аниқлаб бериши муқаррар, ва уни кейинчалик ўзгартириш керак бўлади.

Йўриқномани шакллантиришда бир нечта қоидаларга таяниш лозим: (1) фикрингизни имкони борича, қисқа ва лўнда ифодаланг; (2) имкони борича содда даражада тушунтириш, аниқлик киритадиган эргаш гапларсиз, содда гаплардан фойдаланиш; (3) мисоллар доимо йўриқномани тушунишга ёрдам бериши лозим.

Тестга йўриқномани тестдан аввалги процедуранинг бир қисми сифатида тайёрлаш мақбул ҳисобланади. Бу тестни ўтказувчидан синовдан ўтувчи кишиларга йўриқномани тест бошланишидан аввал тушунтириш, ҳаттоки уларнинг ҳамма нарсани тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уларга энг содда топшириқларни бериш вазифасини талаб қилади. Натижада, бу нафақат барча синовдан ўтувчиларнинг йўриқномани тушунишига ва топшириқларнинг турлари билан танишиб чиқишига олиб келади (униси ҳам, буниси ҳам ўлчов хатолигига сабаб бўлиши мумкин: классик моделнинг шартлари ва атамаларида топшириқларнинг ушбу жиҳатлари бошқа топшириқларнинг умумий жамулжамлигининг бир қисми ҳисобланади), лекин, бундан ташқари, синовдан ўтувчилар ва тажриба ўтказувчилар ўртасида яхши алоқа ўрнатилади, синовдан ўтувчи кишилардан уларнинг максимал имкониятларини намоён қилиш талаб қилинган ҳолда бундай алоқа муҳим ўрин тутди, ва Nisbet фикрича (1972),

булар индивидуал тест ўтказишнинг гуруҳли тестга нисбатан афзаллиги сифатида қаралади. Alice Heim ушбу усулдан ўзининг АН интеллект тестлари серияси учун йўриқномани тақдим этиш учун фойдаланади (Heim ва бошқалар, 1970).

Интеллект тестлари учун топшириқлар

Энди интеллект тестларида ишлатиладиган топшириқларнинг турларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилади, бунда Spearman (1927) фикрича, омилларга кўра таҳлил натижаларининг атамаларидан фойдаланиб, интеллектнинг таърифига асосан иш тутамиз. Омилларга кўра таҳлилнинг техникавий муаммоларини назарда тутган ҳолда, Nakstian ва Cattell (1974) томонидан энг ишончли қобилиятларнинг омилларга кўра таҳлили бажарилган эди. Cattell (1971) ишида асосий фикрлари батафсил муҳокама қилинган ушбу ишга асосан, иккита интеллект омили ажратилади: gf – флюидлашган қобилиятлар (fluid abilities) - ва gc – кристалланган қобилиятлар (crystallized abilities). Флюидлашган қобилиятлар Спирменнинг g кўрсаткичига айнан ўхшаш, чунки бу боғланишларни излаш ва муносабатларни, тобеликларни аниқлаш қобилиятидир, лекин улар (фарқи шундаки), тахмин қилинганидек, таълим даражасидаги ва маданий савиясидаги индивидуал фарқланишларни минималлаштирадиган материалда амалга оширилади. Кристалланган қобилиятлар – таълим натижаси, жамланган тажриба бўлиб, улар инсон тегишли бўлган маданият тури, шахснинг фаоллиги, қизиқишларига боғлиқ ҳолда ўлчанади.

Интеллект омилларидан кристалланган ва ўзгарувчан қобилиятлар ажратилганидан аввал ишлаб чиқилган энг самарали интеллект тестлари, аслида ушбу иккита омил сингдирилган топшириқларни ўз ичига олади. Кристалланган қобилиятлар индивидуал (табиатан кишига хос бўлган) ўзгарувчан қобилиятлар ушбу маданиятнинг шароитида рўёбга чиқиши мумкин бўлган даражани ифода этганлиги учун, ушбу омиллардан ҳар бирини акс эттирувчи топшириқлар, умуман олганда ўхшаш бўлади, лекин баъзи жиҳатларда фарқланади.

Аналогиялар

Аналогия - одатда барча интеллект тестларида мавжуд бўлган топшириқларнинг туридир. У айниқса фойдали бўлиши мумкин, чунки, биринчидан, бундай топшириқларнинг мураккаблиги даражасини ўзгартириш осон бўлади (бу солиштириладиган объектларнинг мураккаблиги эмас, аналогия муносабатларининг ўзига тегишли бўлади), шу тўғрисида топшириқлар барча ёш гуруҳлари ва ривожланиш даражасидаги кишилар учун мос бўлади. Иккинчидан, аналогия тамойилидан фойдаланувчи топшириқларнинг материалга тегишли бўлган чеклашлар амалда қўлланмайди. Бу эса, аналогия ҳам g_c , ҳам g_f ни ўлчайдиган тестлар учун мос келишини билдиради.

Қуйида аналогияга асосланган топшириқларнинг бир қатор мисоллари келтирилган. Барча топшириқлар муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. Улар ҳеч қандай синондан ўтмаган (уларнинг сўз билан ифодаланиши бундан истисно), ва уларнинг муҳокама қилиниши мумкин бўлган ягона валидлик жиҳати – ошқора кўриниб турган валидлигидир. Шунини таъкидлаш керакки, улар самарали тестлар деб эътироф этилмаган, балки ушбу муҳокамага фақат бундай турдаги топшириқларга мисол тариқасида киритилган. Уларни ишлаб чиқиш тамойиллари шарҳлаб берилган. Ушбу топшириқларнинг сифати статистик амаллар билан, ва улар ифодаланиб киритилган тестларнинг изчил валидланиши воситасида баҳоланиши лозим. Ҳар бир топшириқда маълум қонуният фойдаланилади, уни аниқлаш лозим бўлади, ва бу жиҳат уларнинг интеллектни тест синондан ўтказиш учун қанчалик қимматлилигини белгилаб беради.

1-мисол .

Малиновка қушларга мансуб бўлади, олабуға эса - . . .

(а) ҳайвонларга, (б) ҳашаротларга, (в) балиқларга, (г) қушларга, (д) судралиб юривчиларга - рептилияларга

Бу содда топшириқ эканлиги кўриниб турибди, у g_c - кристалланган – маданиятимиз савиясида мустаҳкамланган қобилиятларни ўлчаш учун

фойдаланилади. Лекин бу ерда иккита жиҳатни қайд этиш лозим. Биринчидан, унга кўра малиновка маълум синфга тегишли бўладиган ўзига хос муносабатни аниқлаш осон. Демак, бунинг ечими олабуғани маълум синфга киритишни кўзда тутати. Бу топшириқ шунинг учун осонки, уни бажариш учун фақат элементар билимлар керак бўлади: 9 ёшли болаларнинг кўпчилиги одатда табиатшунослик соҳасида керакли билимга эга бўлади. Шунга қарамай, бу топшириқни ечиш учун муайян билимлар талаб этилади. Масалан, айтиб ўтилган ҳайвонот олами намуналарини билмайдиган африкалик ёки ҳинду, қанчалик ақлли ва фаросатли бўлмасин, бундай топшириқни бажара олмайди. Шунингдек, бир нечта муқобил дистракторлар (distractors) ҳам синовдан ўтказилиши лозим, улар ҳақиқатан ўз функциясини бажаришига ишонч ҳосил қилиш керак, акс ҳолда топшириқ ортиқча даражада содда бўлиб қолади. Тестларни яратишнинг ушбу жиҳати махсус қобилиятлар ва ютуқлар юзасидан тестларни муҳокама қилишда қамраб олинади.

2-мисол .

Калхат қушларга мансуб, кобра эса - . . .

(а) ҳайвонларга, (б) ҳашаротларга, (в) баликларга, (г) қушларга, (д) судралиб юрувчиларга – рептилияларга мансуб бўлади

Р.Кеттелл ва унинг ходимлари тадқиқотларида иккинчи даражадаги бешта омил ажратилган, улардан иккитаси, *gfn* *gc*, тахмин этилишича, *g* нинг компонентлари ҳисобланади.

Р.Кеттелл асарларида берилган интеллект назарияси генетик детерминизм концепцияларига яқин бўлиб, мутахассислар уни баҳолашда узил-кесил қарорга келмаган. Бу ҳақда қуйида қаранг: (Л.Ф.Бурлачук, 1989, ингл. *distract* – диққатни чалғитиш. Бу ҳолда тўғри жавобга яқин бўлган барча жавоб турлари дистракторлар дейилади, синовдан ўтувчи уларнинг ичидан дистрактор бўлмаган, ягона тўғри жавобни танлаши лозим. Бу гўёки «алдов» сўзлар, диққатни чалғитувчи сўзлар бўлади).

Бу топширик Африка ёки Ҳиндистон маданияти учун эҳтимолий эквивалент сифатида таклиф этилади. Ушбу таснифланган ҳайвонлар, уларга мос бўлган биринчи топширикдаги ҳайвонлар – Европада маълум бўлганидек, у ерда шундай даражада яхши маълум бўлганми, тестни текшириш жараёнида аниқланиши лозим. Бу муаммо турли маданият вакиллари бўйича тест ўтказишда, унинг доирасида тест ишлаб чиқиладиган маданият кўламини яхши билан лозимлигини кўрсатади.

3-мисол.

Гегель «Рух феноменологияси» асарига қандай тегишли бўлса, Кантга шундай тегишли бўлади.

(а) «Инсоннинг мўлжалланиши», (б) «Ирансцедентал идеализм тизими», (в) «Соф ақлнинг танқиди», (г) «Гегель фалсафасининг танқиди юзасидан», (д) «Олам ирода ва тасаввур сифатида».

Бу топширик, айтидан, го ни акс эттиради, чунки уни бажариш учун, бизнинг илмга қизиқиш йўқолаётган давримизда, фақат олий маълумот берадиган (шунда ҳам ҳар доим беравермайди) даражадаги билимлар талаб этилади. Эҳтимол, бу ёмон топширик, чунки уни бажариш учун нисбатан тор кишилар доирасига хос бўлган махсус билимлар зарур бўлади, лекин бу топширикда аниқланиши лозим бўлган муносабат соддагина – фалсафий асарнинг муаллифлиги. Бу топширикни келтирилишининг сабаби шуки, у аввалдан интеллектнинг юқори даражасига йўналтирилган, ва Америкада аспирантурага танлаб олиш учун ишлатиладиган интеллект тестларида мавжуд бўлган топширикларга ўхшашдир, яъни, Миллернинг аналогиялар тестлари (Miller, 1970), шунингдек, бундай тестлар интеллектнинг асоси ҳисобланадиган мантиқий фикрлаш зарурлиги эмас, а в наличии у синовдан ўтувчи кишида уни бажариш учун зарур бўлган ахборот бор-йўқлиги туфайли қийин бўлади. 3 мисолда кўрсатилишича, агар биз кристалланган қобилиятларни аниқлайдиган тестлар учун мураккаб топширикларни яратмоқчи бўлсак, унда ҳам билимларга (маълумотга), ҳам мантиқий

фикрлаш қобилиятига юқори талаб қўйиладиган топшириқларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

4-мисол.

Телевизор микроскопга нисбатан шундай муносабатда бўладики, телефон - . . .

(а) кучайтиргич, (б) микропроцессор, (в) осциллограф, (г) микрофон, (д) овоз карнай.

Бу топшириқ мураккаброқ бўлиб, асосан gf ни ўлчаш учун мўлжалланган, лекин унда gc ҳам ўлчанади, у 3-мисолдаги топшириққа кўра мураккаброқ ҳисобланади. Бу топшириқни тўғри бажариш учун замонавий техниканинг ишлаши тамойиллари ҳақидаги катта билимлар ҳажми талаб этилади. Бундан ташқари, бу ерда аналогия юқорида келтирилган мисоллардаги каби, очиқ-ойдин сезиладиган бўлмайди.

Топшириқни тўғри бажариш учун синовдан ўтувчи, ушбу муносабат сигналнинг интенсивлигини (кучини) ошириш учун мосламанинг қўлланишидан иборат эканлигини тушуниб етиши керак. Демак, тўғри жавоб (а) бўлади. Дистракторлар чалғитиши мумкин бўлган тарзда танланганлигига эътибор беринг, чунки нотўғри қонуниятни топдим, деб ўйлаган синовдан ўтувчи, эҳтимол, микрофонни танлайди. Қуйидагиларни таъкидлаш лозим: келтирилган дистракторлар танлов амалларидан ўтказилиши керак, чунки, биринчидан, биз уларнинг ҳақиқий дистракторлар эканлигига, иккинчидан, улар энг яхши синовдан ўтувчиларни чалғита олмаслигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Яхши дистракторларни танлаш жуда муҳим бўлади, эҳтимол, ушбу мисолда ёки микротасвирлар билан, ёки овоз чиқарилиши билан боғлиқ бўлган дистракторлар, яхши фикр юрита олмайдиган синовдан ўтувчи кишилар учун тузоққа айланади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, уларнинг бажарилиши учун дедуктив мантикий фикр тизимини барпо этиш ва билимлар талаб этиладиган мураккаб *Huge* топшириқлари, ҳам gc , ҳам gf омилларини қамраб олади, лекин gf ни аниқлаш учун фақат биргина дедукция талаб этилади.

Аналогияларнинг топшириқлар шакли сифатида афзалликларидан бири - уларнинг ичида муносабатларнинг турли-туман туркумлари киритилиши мумкинлиги ҳисобланади. Бизнинг мисолларимизда муносабатлар тарзида маълум синфга мансублик ва ўзаро зидлик келтирилган, лекин топшириқларда боғланишларнинг бошқа турлари ҳам фойдаланилиши мумкин.

5-мисол.

Дўнглик тепаликка нисбатан қандай муносабатда бўлса, дара - . . .

(а) зовур, (б) водий, (в) жар, (г) дарё, (д) тоғларга шундай муносабатда бўлади.

Бу содда, гс омили бўйича тузилган топшириқдир, унда муносабат жисм ўлчамининг изчил оширилишидан иборат.

Бу топшириқни бажариш учун фақат биргина географик маълумот етарли бўлмайди, чунки барча дистракторлар ушбу турга тегишли бўлади.

6-мисол.

Тез тезликка нисбатан қандай муносабатда бўлса, секин . . .

(а) секинлик, (б) жисм тезлиги, (в) шошқалоқлик, (г) шошмаслик, (д) ланжликка шундай муносабатда бўлади.

Бу ерда муносабат ўта абстракт бўлган – сўз туркимларида сифат от билан боғланади. Кўриниб турибдики, топшириқни бажариш тегишли луғавий бойлик мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бундай топшириқ жуда муҳим бўлади, чунки вербал мантиқий фикр юритиш одатда кристалланган қобилиятларнинг энг яхши индикаторлари ҳисобланади. Кенг луҳавт бойлигини шкллантириш учун имконитлари тенг бўлган синовдан ўтувчиларни синовдан ўтказиш учун, бундай топшириқлар, худди шундай кўринишида бўлиши шарт бўлмаса-да, энг аҳамиятли бўлади.

Бундан аввал мисолларимизда кўриб чиқилган аналогия бўйича топшириқлар, гс омилининг даражасини, ва маълум даражада gf омилининг даражасини аниқлайди, чунки уларни бажариш учун билим ва хабардорлик ҳам, мантиқий фикрлаш қобилияти ҳам зарур бўлади. Аввал айтилганидек,

аналогиялар топшириқларнинг фойдали тури ҳисобланади, чунки улар вербал бўлмаган шаклида ифодаланиши мумкин, бу эса ўзгарувчан қобилиятларни тестдан ўтказишда аъло ҳисобланади. Cattell фикрича (1971), ўзгарувчан қобилиятлар ёки уларни бажариш учун муайян маданиятнинг барча вакиллари тегишли таълим олган топшириқлар билан, ёки улар билан барча синовдан ўтувчилар, уларнинг маълумоти ва тарбияланишидан қатъи назар, бир хил даражада таниш бўлмаган топшириқлар билан, энг яхши даражада тестдан ўтказилади. Қуйида келтирилган аналогияга асосланган топшириқлар, - деярли бутунлай g омиллари билан боғлиқ бўлган топшириқлардир, деб тахмин этилади. Уларда алфавит ҳарфлари ва рақамлар фойдаланиладиган топшириқлар, энг яхши топшириқлар бўлади (рақамлардан фойдаланиш ҳолатида, мантикий фикрлаш учун математик қобилиятлар талаб этилмаслиги шарти билан). Ушбу охириги ҳолатида абстракт фигуралар ва образларнинг ниҳоятда кўп турли-туманлиги мавжуд бўлади.

7-мисол.

А А а

қандай муносабатда бўлса ,

(а) в, (б), (в) ш» аа га шундай муносабатда бўлади.

Бу ... омилни ўлчаш учун одатдаги геометрик, вербал бўлмаган топшириқ ҳисобланади. Бу содда топшириқни бажариш учун, синовдан ўтувчи қоғоздаги икки ўлчовли тасвирлар билан таниш бўлиши шарти билан, деярли ҳеч қандай махсус билимлар талаб этилмайди. Баъзи африкалик жамоаларда бундай танишиш амалга ошмаганлиги учун, (масалан, Hudson, 1967), бу топшириқ фақат нисбий тарзда маданият таъсиридан озод деб қаралиши мумкин бўлади.

8-мисол.

Б Д га қандай муносабатда бўлса, К - ... га шундай муносабатда бўлади.

(а) Н, (б) Р, (в) Т, (г) М, (д) С

Бу алфавит кетма-кетлигига асосланган содда мисолдир.

9-мисол.

В Э га қандай муносабатда бўлса, К - ... га шундай муносабатда бўлади.

(а) О, (б) Н, (в) Х, (г) Р, (д) Т

Бу анча мураккаброқ топшириқдир. В ҳарфининг Э ҳарфига муносабати уларнинг алфавит бошланишига ва охирига нисбатан симметрик ҳолатига тегишли бўлади. К ҳарфига нисбатан ҳам худди шундай тамойил қўлланиши лозим.

10-мисол.

25 10 га қандай муносабатда бўлса, 53 - ... га шундай муносабатда бўлади.

(а) 2, (б) 8, (в) 31, (г) 15, (д) 24

Бу сонлар фойдаланилган ўртача мураккабликдаги топшириқдир. Бу ерда аниқланадиган муносабат, очиқ-ойдин кўринмаган ҳолда, 10 сони 2 ва 5 сонларининг кўпайтмаси эканлигидан иборат.

7 - 10 мисолларни баҳолаш қийин: баъзи тестларни ишлаб чиқувчилар уларда аниқланадиган муносабатларни интеллект тестларида фойдаланиш учун ўта содда ёки ўта ноаниқ деб ҳисоблаши мумкин. Бундай фикрларга розилик билдириш мумкин. Агар интеллект тестини ишлаб чиқадиган бўлса, бу топшириқлардан фойдаланишга уриниб кўрилади, лекин агар улар бефойда бўлиб чиқса, унчалик ҳайрон бўлмаслик керак. Лекин, ўйлайманки, улардан фойдаланиш анча оқилона бўлар эди.

Аналогия бўйича топшириқлар, топшириқларнинг шаклига, турлича материалдан фойдаланиб, уларни аниқлаш учун синовдан ўтувчининг қўшимча хабардорлиги талаб этилиши мумкин бўлган (ёки талаб этилмайдиган) турли-туман муносабатларни қандай киритиш мумкинлигини намоён этиши керак. Амалда, бу топшириқлар қанчалик мураккаб бўлиши мумкинлиги юзасидан ҳеч қандай чеклаш бўлмайди (бу ерда маълумот эмас, фойдаланилган муносабатлар мураккаблиги тушунилади). Бундай топшириқларнинг мисоллари билан танишишни

истаган тестларни ишлаб чиқувчилар, АН5 ва АН6 тестларининг ажойиб топшириқларига мурожаат қилиши мумкин (Heim, ва бошқалар, 1970). Аналогия бўйича топшириқларни барпо этишда энг юксак санъат унинг таркибий қисмлари ўртасида қизиқарли (мураккаб топшириқлар ҳолатида – очиқ-ойдин бўлмаган) муносабатларни излаб топишдан иборат, бу синовдан ўтувчиларга ушбу муносабатларни аниқлаш имконини беради, - интеллектнинг моҳияти шундан иборат, деб ҳисобланади.

Ўйлайманки, аналогиялар мураккаблиги юзасидан турли-туман топшириқларнинг манбаи бўла олса ҳам, лекин уларнинг ўзи самарали интеллект тестини яратиш учун етарли бўлмаслиги тушунарли ҳолат. Бунинг сабаби шуки, аналогияларни аниқлаш қобилияти фақат gf ва gc омиллари билангина боғлиқ бўлмайди (бу омиллар таҳлили ёрдамида кўрсатиши мумкин). Бундан ташқари, топшириқларнинг турига боғлиқ бўлган аналогияларни аниқлаш қобилияти кузатилади, лекин бу юқорида тилга олинган омиллар таъсир этган вазиятга қараганда, натижаларнинг камроқ тарқалишига олиб келади.

Тест топшириқларининг ҳар бир тури ўзининг қийматлари тарқалиши даражасига эга бўлади, шунинг учун самарали тестларда номақбул таъсирларни минималлаштириш учун топшириқларнинг имкони борича турли-туман, ҳар хил турлари фойдаланилади.

Энди биз интеллект тестларида фойдаланиш мумкин бўлган топшириқларнинг бошқа турларини батафсил кўриб чиқамиз.

«Ортиқча сўзни учратдингми – олиб ташла» (odd-man-out)

туридаги топшириқлар

Ортиқчани олиб ташлаш («Ортиқча бўғимни учратдингми – олиб ташла») туридаги топшириқлар, кенг ишлатиладиган ва натижадор топшириқлар шакллари ҳисобланади. Бу топшириқларда синовдан ўтувчига объектлар, сўзлар, фигуралар, сонлар ёки яна бирор нарсаларнинг: разработчик тестларни ишлаб чиқувчининг хаёлига келган исталган

нарсаларнинг рўйхати берилади, - синовдан ўтувчи эса бу рўйхатда ортиқча нарсани ажратиб танлаши керак. Буни бажариш учун, синовдан ўтувчилар рўйхатнинг элементлари ўртасида умумий қониятлар ва муносабатларни топиши, ва уларнинг асосида уларнинг ўхшашлиги ёки фарқланиши ҳақида хулоса қилиши керак. Афтидан, бунда муносабатлар ва боғланишларни аниқлаш лозим бўлади. Аналогиялар каби, топшириқларни бажариш мураккаблиги рўйхатнинг элементлари ўртасида қонуниятлар мураккаблиги даражаси бўйича ҳам, ушбу муносабатларни аниқлаш учун зарур бўлган махсус билимларнинг мавжудлиги бўйича ҳам осон мослаштириб, ўзгартирилиши мумкин. Умуман олганда, аналогиялар каби, олий маълумотга эга бўлган шахслардан ташқари, синовдан ўтувчиларнинг маълумотга эга бўлиши даражасига қўйиладиган талаблар имкони борича паст бўлиши керак.

1-мисол.

Чумчуқ, чуғурчиқ, ғоз, кўршапалак, қалдирғоч

Бу содда топшириқ бўлиб, уни бажариш синовдан ўтувчининг қушларни ва сут эмизувчиларни таснифлаш қобилиятига боғлиқ бўлади. Бу га омили бўйича тест ҳисобланади.

2-мисол.

Лочин, бургут, жарқалдирғоч, хўроз, курка

Бу анча ҳийлакор топшириқдир. Бу ерда «жарқалдирғоч» сўзи ортиқча бўлади, чунки рўйхатнинг бошқа барча элементлари – яна бир мазмунига эга бўлиб, кишиларни тавсифлаш учун ишлатиладиган қушларнинг номларидир. Эътибор беринг, агар «курка» сўзининг ўрнига «ғоз» сўзи ишлатилганда, у муқобил жавобга айланган бўлар эди, чунки бу ягона сувда сузувчи қуш бўлар эди. «Бойқуш» ва «товуқ» сўзлари ҳам тўғри келмайди, чунки биринчиси ягона тунги қуш номи бўлса, иккинчиси – ягона мода қушнинг номи бўлар эди. «Курка» сўзини «сўфитўрғай» сўзига алмаштириб, «хўроз» муқобил жавобига эга бўламиз, чунки бу ягона уй паррандаси бўлади. Бу сўзлардан фойдаланганда, топшириқ соддароқ –

билимга кўпроқ боғлиқ бўлади. «Курка» сўзи билан топшириқни бажариш учун яхши сўз бойлиги зарур бўлса ҳам, бу топшириқ гс омили бўйича жиддийроқ тестига айланади.

3-мисол.

Эрталабки, ёғли, ифлос, тез ҳаракат, мўйнали

Бу ерда равиш ортиқча ҳисобланади. Синовдан ўтувчилар грамматикани билади, деб тахмин қилиб, биз гс омили бўйича тестдан ўтказувчи содда топшириқни ҳосил қиламиз.

4-мисол.

24, 63, 10, 48, 35...

Бу топшириқ, эҳтимол, ҳам гс, ҳам gf омиллари бўйича ўлчов воситаси бўлади. Ушбу тўртта сон - маълум сонларнинг квадратлари j, минус битта сон эканлиги қонуният ҳисобланади. Синовдан ўтувчилар квадрат илдиэлари билан ва квадратга кўтариш билан таниш бўлганлиги шарти билан, топшириқни бажариш синовдан ўтувчи томонидан ушбу қонуният аниқланишига боғлиқ бўлади.

У фақат маълумотга эга бўлган синовдан ўтувчилар учун мос келиши тушунарли.

5-мисол.

Бу содда топшириқ gf омили бўйича ишлаб чиқилган. Тўртта элемент камида битта тўғри чизиққа эга бўлади. Содда бўла туриб, у синовдан ўтувчилардан кўпчилик элементлар учун умумий қонуниятни топишни талаб қилади. Бу ерда билимлар керак эмас. Бу топшириқ шунчалик очиқ-ойдинки, у фақат бошланғич мактаб болалари учун тўғри келади, ҳатто уларга нисбатан ҳам у табақаларга ажратмайдиган бўлиб чиқиши мумкин.

Бу ерда фақат тегишли тамойил намоён қилинади.

Ушбу бешта мисол ортиқчани олиб ташлаш ҳам, аналогиялар каби, - уларни бажариш учун мантиқий фикр юритиш талаб этиладиган топшириқлар шаклидир; улар интеллект тестларида зарур бўлади, ва ўта

турли-туман материалларга мослаштирилиши мумкинлигини намоёйиш этади.

Бизнинг мисолларимиз ва уларнинг шарҳлари, бундай топшириқлар қуйидаги қоидалар асосида яратилиши мумкинлигини кўрсатади:

(1) Ушбу топшириқ боғлиқ бўладиган муносабатни ўйлаб олинг, масалан, ўзаро зид жиҳатлар.

(2) Топшириқда ушбу муносабатнинг мисолини беринг: оқ - қора, чап - ...

(3) Топшириқнинг компонентлари тасодифий равишда муқобил ечимларга олиб келадиган бошқа муносабатларни ҳосил қилмаслигига ишонч ҳосил қилинг.

(4) Маълумотга эга бўлган синовдан ўтувчилар билан ишлашдан ташқари, топшириқлар учун имкони борича содда материалларни танланг. Унинг мураккаблиги очиб бериш зарур бўлган муносабатларнинг моҳиятида эмас, фойдаланилган материалнинг тор ихтисослашувида бўлиши лозим.

Сонлар кетма-кетликларини топиш

Бу топшириқларнинг ниҳоятда фойдали шаклидир, унга турли мураккаблик даражасидаги муносабатларни киритиш осон бўлади.

Аналогия бўйича ва ортиқча нарсани чиқариб ташлаш бўйича топшириқлар каби, қуйида кетма-кетликлар мисоллари ва улар бўйича шарҳлар келтирилган.

1-мисол.

12, 15, 17, 20, 22, ...

Бу нисбатан содда топшириқдир, унда кетма-кетлик ҳадлари навбати билан 3 га ва 2 га ортиб боради. Муносабатлар юзасидан тест ўтказишда сонлардан фойдаланиш айниқса қулай бўлади, чунки улар билан ишлаш осон, муносабатларни аниқлаш учун эса математик билимларга эга бўлиш шарт эмас.

2-мисол.

16,4,1,0.25,...

Бу жуда осон топшириқдир, лекин ўнлик қасрларни билиш лозимлиги унинг интеллект тестларида яроқли бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Бу топшириқ, сонли материал билан ишлашда доим мавжуд бўлган хавфни кўрсатиш учун келтирилган – синовдан ўтувчида ошкора тарзда интеллектдан фарқланувчи математик билимлар бўлиши зарур.

3-мисол.

Ушбу учбурчаклар каби, вербал бўлмаган материал, gf омили бўйича тестдан ўтказиш учун кетма-кетликларни яратишда фойдали бўлади.

Бу содда топшириқдир. Лекин, Равен матрицаларида ёки маданият савиясидан озод бўлган тестлардаги каби, бундай топшириқлар мураккаб даражада яратилиши мумкин.

4-мисол.

Бу кетма-кетликни яқунлаш учун, айлана ва учбурчакнинг ўлчамлари ва ўзаро жойлашувига кўра фарқланадиган ҳар хил турли-туман элементларни танлашни таклиф этиш мумкин. Шунини қайд этиш лозимки, синовдан ўтувчиларга кетма-кетликни яқунлаш лозимлиги ҳақида гапириш шарт эмас: у, масалан, марказий қисмини тўлдириш зарур бўлган ҳолда берилиши мумкин.

5-мисол.

Микроскопик, ўта майда, ушоқдек, йирик

Бу gc ни ўлчаш учун содда тест бўлган вербал кетма-кетликнинг мисолидир. У вербал қобилиятларни ҳам қамраб олиши тушунарли. Бу ерда дистракторларнинг кенг танлови зарур бўлади: улкан, кичик, оғир, ўта катта, даҳшатли катта.

Кетма-кетлик - Равен матрицаларида ягона мавжуд бўлган топшириқларнинг шаклидир (Raven, 1965). Уларда тўлиғича вербал бўлмаган абстракт тасвирлар ишлатилади. Бу тестлар (4,5 ёшдан бошлаб кекса ёшгача, турли ёш гуруҳлари учун бир нечта вариантлар мавжуд)

топшириқларнинг ушбу шакли барча мураккаблик даражалари учун тенг равишда қанчалик мос келишини намойиш этувчи аъло тест бўлади. Тестларни ишлаб чиқувчининг нуқтаи назаридан, матрицали тестлар юзасидан ягона муаммо, топшириқларнинг фақат бир туридан фойдаланиш ушбу турдаги топшириқларга жавоблар билан боғлиқ бўлган баъзи ўзига хос специфик омилларга ортиқча аҳамият бағишлайди. Кетма-кетликлардан фойдаланмоқчи бўлган тест ишлаб чиқувчилар, Равен матрицаларини пухта ўрганиб чиқиши керак.

Самарали тестларни ўрганиш топшириқларни ифодалашга ўргатишнинг аъло услуби ҳисобланади, масалан, худди мусика соҳасида энг моҳир санъаткорларни тинглаш қанчалик фойдали бўлгани каби: уларга ўхшаш учун эмас, мусикани англаб етиш учун.

Бизнинг фикримизча, топшириқларнинг бу учта тури - аналогиялар, ортиқча нарсани чиқариб ташлаш ва кетма-кетлик турларидан фойдаланиб, - турли-туман материалларда ва турли мураккаблик даражасидаги ўзгарувчан ва кристалланган қобилиятларни ўлчаш учун уларнинг жуда кўп миқдорини яратиш мумкин. Мисолларда келтирилган ушбу топшириқларни ёзиш шакли қониқарли бўлса-да, ўта бир хилликка йўл қўймаслик учун (синовдан ўтувчининг нуқтаи назаридан) унинг турли вариантлари ишлатилиши мумкин.

Кетма-кетликли вариантли топшириқлар

(1) Синовдан ўтувчилардан жойлашувига кўра четки элемент эмас, қандайдир ўртадаги элементни топиш талаб этилиши мумкин.

(2) Синовдан ўтувчилардан, кейинги элемент эмас, биттадан кейинги ёки ундан ҳам узоқроқ турган элементни тўлдиришни илтимос қилиш мумкин.

(3) Синовдан ўтувчилардан, элементларни аниқланган кетма-кетликка мувофиқ қайта тартибга келтиришни илтимос қилиш мумкин.

Ортиқча нарсани чиқариб ташлаш бўйича топшириқларнинг вариантлари

Умумий кўрсаткичлари бўлган элементлар келтирилади. Синовдан ўтувчилар, бошқа элементлар ичида ушбу кўрсаткичларга эга бўлмаганларни танлаши керак.

Аналогиялар вариантлари

Алиса Хейм тестларида фойдаланган топшириқлар бунга мисол бўлиши мумкин. Иккита сўз берилади. Синовдан ўтувчи унга таклиф этилган рўйхат ичидан, ушбу иккита сўз билан шундай муносабатда бўлган элементни танлаши керак. Ушбу аналогиялар варианты ёрдамида, вербал интеллектни ёки мантикий фикр юритиш қобилиятларини тестдан ўтказиш учун ўта кучли муракабликдаги топшириқларни яратиш мумкин. Бундай топшириқлар маълумотга эга бўлган синовдан ўтувчилар учун мўлжалланган юқори даражадаги тестларда айниқса мақбул бўлади.

Топшириқларнинг таърифланган учта турларидан, ва уларнинг вариантларидан фойдаланиб, ишлаб чиқувчилар ўзгарувчан ва кристалланган қобилиятларни ўлчайдиган тестларни яратиш учун барқарор заминни ҳосил қилади. Афтидан, бу фойдаланиш мумкин ва лозим бўлган топшириқларнинг ягона турлари бўлмайди. Шунга қарамай, бу шакллар батафсил ўрганилган, ва шунинг учун самарали топшириқларни ифодалаш учун энг мақбул ва яроқли бўлади.

Махсус қобилиятлар ва ютуқлар бўйича тестлар

Интеллект тестларидан фарқли равишда, кўпчилик махсус қобилиятлар тестларида, - масалан, вербал қобилиятлар ёки ҳисоблаш қобилиятлари, ҳамда соддароқ ютуқлар тестларида, - топшириқларни ифодалашда битта икки томонлама муаммо: шакл ва мазмун муаммоси мавжуд бўлади. Интеллект тестларининг мазмуни синовдан ўтувчилар аниқлаши лозим бўлган қонуниятлардан иборат бўлади. Демак, интеллект тестлари учун самарали топшириқларни яратиш санъати, бундай боғланишни осон

ифодалашга имкон берадиган формى топшириқларнинг шаклини излаб топишдан иборат бўлади. Аввал айтилганидек, уларни аналогиялар, ортиқча нарсани чиқариб ташлаш ва кетма-кетликлар шаклида амалга ошириш энг мақбул бўлади.

Махсус қобилиятлар ва ютуқлар тестларида (кейинчалик ушбу бобда муҳокама қилинадиган маълум истиснолари билан) мазмуни энг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Таърифлаб бериладиган топшириқларнинг турлари, уларни баҳолашнинг объективлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, топшириқларнинг маълум турлари, маълум материаллар турларига бошқаларига нисбатан кўпроқ мос келади, бунинг сабаблари топшириқларнинг моҳиятидан мутлақо тушунарли бўлади. Демак, тестни ишлаб чиқувчилар сифатида биз энг аввало тестнинг идеал мазмунини топишимиз, кейин эса ушбу мазмунини энг яхши тарзда ифодалаб бера оладиган топшириқлар шакллари топишимиз керак.

Топшириқларнинг мазмуни

Тест мазмунининг адекватлигини таъминлаш усуллари ҳақида кўп ёзилган. Бунинг учун бир қатор экспертлар жалб этилади, масалан, улар турли ёшдаги болалар турли фанлар бўйича нималарни билиши лозимлигини кўрсатади. Бундай экспертлар тестнинг ичида маълум фаннинг бир жиҳати бошқа жиҳатларга нисбатан аҳамияти ва муҳимлигини баҳолай олиши лозим. Ҳар қандай ўқув курсларининг мақсадлари ифодаланган бўлиши керак, бунда топшириқларнинг ушбу мақсадларга нисбатан релевантлиги кўрина олиши лозим. Бундай мақсадлар топшириқларни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан қандай қилиб энг яхши тарзда ифодаланиши мумкинлиги масаласининг ўзи ҳам жиддий даражадаги тадқиқотларнинг мазмуни ҳисобланади. Б.Блумнинг «Taxonomy of Educational Objectives Handbook» (1956) асарида, педагоглар таълим мақсадлари ҳақида имкони борича хулқ ва ўзини тутишга оид бўлган, демакки, осон тестдан ўтказиладиган атамалар воситасида гапиришини таъминлашнинг кенг фойдаланиладиган ва яшовчан усулини тақдим этди.

Лекин, тестдан ўтказишнинг ушбу жиҳатларидан кўпчилиги, топшириқларнинг тўпламлари учун Раша таснифида кўрсатилганидек, таълим соҳасига тегишлидир – бу кўпроқ психометрия эмас, таълим олиш натижаларини ўлчаб баҳолаш ҳисобланади. Шундай қилиб, бу ерда биз педагоглар ўз тестларининг мазмуни қандай бўлишини ҳал қила олиши учун воситаларини муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Торндайк ва Хаген (1977) бу амалларнинг содда, лекин ўта батафсил таърифини таклиф этади.

Дейлик, бунинг ўрнига биз, топшириқларнинг мазмунига қандай талаблар қўйилишини биламиз, деб фараз қиламиз. Биз ўз муҳокамамызда ушбу муайян фанлар бўйича махсус маълумотлар қандай қилиб мақбул психологик тестларга айлантирилиши мумкинлигига эътибор қаратамиз.

Бир нечта танлаш вариантлари бўлган топшириқлар

Бу, эҳтимол, энг кўп ишлатиладиган топшириқларнинг тури бўлиб, у махсус фанлар бўйича турли-туман маълумотларнинг улкан миқдори учун мос келади. Бундай топшириқ икки қисмдан иборат: (1) таъкидлаш ёки саволни ўз ичига олган асосий қисм, ва (2) танлов вариантлари, ёки эҳтимолий жавобларнинг маълум миқдори, синовдан ўтувчилар уларнинг ичида тўғри жавобни танлаши лозим. Одатда бундай вариантлар тўртта ёки бешта бўлади. Қуйидаги қоидалар бир нечта танлов вариантлари бўлган самарали топшириқларни ифодалашга ёрдам беради (бу қоидаларнинг кўпчилиги ушбу бобда муҳокама қилинадиган топшириқларнинг барча турларига қўлланиши мумкин).

(1) Соддалиги. Топшириқ, уни аниқ тушуниш мумкин бўлган джаражада, имкони борича содда ёзилган бўлиши лозим. Унинг натижаларига синовдан ўтувчининг луғат бойлигининг даражаси ёки унинг умумий қобилиятлари таъсир кўрсатиши номақбул ҳолатдир.

(2) Барча дистракторлар (жавобларнинг нотўғри вариантлари) уларнинг ҳар бири синовдан ўтувчиларнинг диққатини тортадиган (яъни гўёки тўғри жавобга «ўхшаш» бўлган) бўлиши лозим.

Шундай қилиб, топшириқларни баҳолашда, аъзо ҳолатида ҳар қандай дистрактор ушбу топшириқни тўғри бажармаган барча синовдан ўтувчилар томонидан тенг даражада ишлатилиши керак. Танлов вариантларида дистракторлар самарасиз бўлиб борган сари, топшириқ борган сари соддароқ ва осонроқ бўлиб бориши кўриниб турибди. Шундай қилиб, агар барча дистракторлар ўз функциясини бажармаса, амалда 100% синовдан ўтувчилар топшириқни тўғри бажаради.

Самарали дистракторларни ҳосил қилиш усули танлов вариантларининг яқунланмаган рўйхатидан фойдаланиш ва синовдан ўтувчиларнинг ўзи томонидан ёзиб олинган нотўғри жавоблардан кейинчалик фойдаланишдан иборат. Бу ишда эҳтиёткорлик кераклигини эслатиш лозим.

Сиз таклиф этган дистракторлар, энг яхши синовдан ўтувчиларни чалғитмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

(3) Таклиф этилган тўпладан фақат бир вариант тўғри жавобга мос келиши лозим. Баъзан бир муаммога турлича қараш кўзда тутилмаган тўғри жавобга олиб келиши мумкин.

(4) Битта саволга жавоб бошқа саволларга жавоб бериш учун йўналишни бермаслиги керак. Яъни, битта топшириқдаги дистракторларни бошқа топшириқлар рўйхатида ишлатилиши керак эмас.

(5) Тривиал олатларни, уларни аниқлаш осон бўлгани учун, тестдан ўтказишга йўл қўйманг. Thorndike ва Hagen (1977) ҳар бир топшириқ мустақил бўлиши керак, деб таъкидлайди. Лекин, бизнинг фикримизча, бу талабни бажариш мумкин эмас. Агар топшириқлар топшириқларнинг умумий жамулжамлигидан олинса, улар мустақил бўла олмайди. Ҳақиқатан, агар шундай бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида ўзгарувчан катталиқни тестдан ўтказган бўлар эди. Билимларнинг кўпчилик қисми маълум даражадаги ўзаро боғлиқ тузилмалардан иборат бўлгани учун, бу қоидага эътибор бермаслик мумкин, деб ҳисоблайман.

Топширикларнинг барча турларида бу коидаларнинг барчасига, ҳатто дистракторлар танловига оид коидаларга ҳам, риоя қилиш шарт. Thorndike ва Hagen (1977), Таълим соҳасида тестдан ўтказиш хизмати (Educational Testing Service, 1963) томонидан нашр этилган йўриқномадан келиб чиқиб, бир қатор бошқа коидаларни санаб ўтади, уларнинг кўпчилигини биз ушбу бешта умумий коидалар ичида муҳокама қилганмиз.

Муаммонинг ўзи танлов вариантлари кўрсатилган қисмига чиқарилмай, топширикнинг асосий қисмида бўлиши керак, бу вариантлар имкони борича қисқа бўлиши лозим. Бу иккала жиҳат 1-қоидага – соддалик қоидасига тегишли бўлиши керак, яъни асосий қисмига фақат муаммони аниқ ва раво ифодалаш учун зарур бўлган жиҳатларгина киритилиши лозим. Thorndike ва Hagen икки сабаб туфайли асосий қисмида инкор фикрдан имкони борича камроқ фойдаланишни маслаҳат беради: а) булар зиддиятларга олиб келади (топширикни ўқиш пайтида) ва б) кам ҳоллардан ташқари, инкор йўналишдаги билимлар мусбат ўналишдаги билимлар каби муҳим бўлади. Кўршапалак – қуш, ҳашарот, балик ва рептилия эмаслиги ҳақидаги билим, бунинг ўзи нима эканлигини билиш учун зарур бўлмайди. Бу муаллифларнинг яна иккита фикри тестларни амалий ишлаб чиқиш учун фойдали бўлади:

6-мисол.

Агар олма бир фунт учун 5 пенс нархида бўлса, ва уй бекаси 75 пенслик олма сотиб олса (ўртача катталиқда, бир фунтда тўртта олма), ва агар у учта олмани сифати ёмон деб олиб кетмаган бўлса, у қанча пенс нархида олмаларни танлаб олди?

(а) 75, (б) 72, (в) 57, (г) 17, (д) 50

Бу мураккаб топшириқдир: бу масалани ечиш учун, синовдан ўтувчи ўз миясида маълумотнинг тўртта фрагментини сақлаб туриши керак. Лекин бу масаланинг моҳияти ушбу мураккаблиқдан иборат. Дистракторлар ичидан танлаш қийин бўлади, лекин буни масаланинг шартида кўрсатилган сонлардан фойдаланиб, қилиш керак.

Танлов вариантлари бўлган топшириқларнинг келтирилган мисоллари юзасидан қуйидаги фикрни билдириш лозим: бу мисолларда уларнинг шакли тўлиқ фойдаланилмайди. Биттагина тўғри жавоб мавжуд бўлгани учун, синовдан ўтувчилардан фақатгина бланкаларни тўлдиришни сўраш мумкин.

7-мисол.

Қуйидаги ишончлилик коэффициентларидан қайси бири тестнинг бир жинслилиги билан боғлиқ бўлмайди?

(а) қайта тест ишончлилиги коэффициенти; (б) Хойтнинг дисперсион коэффициенти; (в) $\langle X \rangle$ коэффициенти; (г) Кьюдер-Ричардсон коэффициенти; (д) тест қисмларга ажратилганда ишончлилиги коэффициенти.

Бу топшириқда унинг шакли тўлиқ фойдаланилади. Унда бешта коэффициентнинг номлари санаб ўтилган, ва агар синовдан ўтувчи уларнинг нималарни билдиришини билмаса, унда тўғри жавобни топшининг ҳеч қандай йўли бўлмайди. Бу топшириқни соддароқ шаклида қайта ифодалаш мумкин эмас, ва у самарали топшириқларни яратишнинг барча мезонларига мос келади. Агар топшириқларнинг муқобил турлари фойдаланилса, худди шундай маълумотни олиш учун, бешта алоҳида топшириқларни ифодалашга тўғри келар эди. Демак, ушбу топшириқ – маълум маънода идеал топшириқ бўлиб, бир нечта танланадиган жавоб турларига эга бўлади.

Муаллиф томонидан таклиф этилган масала бутун сонли ечимига эга эмас. Афтидан, бу топшириқ билан аниқ ҳисоблаш тезлиги эмас, тез фикрлаш ва тахминий жавобни тез бера олиш қобилияти синовдан ўтказилади.

Назорат саволлари:

1. Тестлар учун йўриқномалар ишлаб чиқишнинг қандай шартлари мавжуд?
2. Флюдлашган ва кристаллашган қобилиятлар нима?
3. Интеллект тестларининг қандай вариантлари мавжуд?

4. Интеллект тестларини тузишдаги асосий хусусиятларидан бири.
5. Аналогияларга асосланган топшириқлар қандай бўлади?
6. «Ортиқча сўзни учратдингми – олиб ташла» (odd-man-out) туридаги топшириқлар нимани англатади?
7. Кетма-кетликли вариантли топшириқларга мисоллар келтиринг.
8. Махсус қобилиятлар ва ютуқлар бўйича тестлар нима?
9. Сонлар кетма-кетликларини топишга асосланган тест топшириқларини қандай изохлаш мумкин?
10. Кетма-кетликли вариантли топшириқлардан қандай фойдаланилади?

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.
2. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401
3. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.
4. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.
5. Расулов А.И.Психодиагностика.-Т., “Mumtoz so’z”, 2010.-169 bet.
6. Анастази А., Урбина С. Психологическое тестирование. - Спб.:Питер, 2003.-688 с.
7. Елисеев О.П. Практикум по психология личности.- -Спб.:Питер, 2002.-512 с.
8. Клайн П. Справочное руководство по конструированию тестов: введение в психометрическое проектирование.-Киев, 1994.-284 с.
9. Крылов А.А., Маничева С.А. - Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии. -Спб.:Питер, 2005.-560 с.

10. Психологик тадқиқотлар. Илмий электрон журнал.
<http://www.psystudy.ru/>
11. Электрон кутубхона. <http://www.koob.ru>
12. Психология бўйича материаллар. <http://www.psychology-online.net>
13. Флогистон. <http://flogiston.ru/>
14. Психологик кутубхона: <http://www.psychol-ok.ru/library.html>

2-БОБ. ШАХС СЎРОВНОМАЛАРИ (II ТИП ТЕСТЛАР)НИ ТУЗИШ

Режа:

1. Шахс сўровномалари.
2. Шахс сўровномаларини тузиш.
3. Топшириқларни шакллантириш учун қоидалар.

Таянич сўзлар: илк педагогик тестлар, интеллект тестлар, психологик ўлчаши, ақлий ёш, интеллектуаллик коэффициентли,

Илк шахс сўровномалари

Шахслилик сўровномалари психологларни табиий фанлардан ўзлаштирган психодиагностика методлари ҳисобланади. Дастлабки сўровномалар тарихий борасидаги илк манбалар хусусида сўз борганда Чарльз Дарвин фойдаланганлиги ҳақида сўз боради. Сўровнома методикнинг илк назарий асоси сифатида интроспекция тақдим этилади.

Узоқ вақт мобайнида ўз-ўзини кузатишдан инсон онги ва шахсин ўрганадиган бошқа бирор бир метод йўқ деб ҳисоблаганлар. Шу боис кўпинча сўровномаларга ўз-ўзини кузатишнинг бир шакли сифатида қараганлар. Биринчи сўровномалардан Ф.Гальтон яратган . У томонидан яратилган сўровномалар шахс сифатларини эмас, балки ўзининг идроки, ақлий тимсоллари хусусиятларини баҳолашга фойдаланилган [www.mentalforce.ru].

XIX асрнинг охирида сўровномалар методидан хотирани (А. Бине, Ж. Куртье), тафаккур тушунчасини (Т. А. Рибо), ички нутқни (Ж. Сен-Поль) ва бошқаларни тадқиқ этишда фойдаландилар. Чоп этилган сўровномалар респондентларга тақдим этилган, баъзи ҳолатларда эса журналларда нашр этилди. Шу тарзда сўровнома методи шахснинг сифталарига муносабатни ўрганишда қўлланилмади.

Биринчи шахсни ўрганиш сўровномаси америкалик психолог Роберто Вудвортс томонида 1919 йилда «Шахс ҳақида маълумотлар бланки» яратилган

эди.

Бу сўровнома ҳарбий шахсларни невротик симптомли ҳолатлардан саралаб олиш учун мўлжалланган. Сўнгра шахслилик сўровномалари шахсни психодиагностик тадқиқ этиш методилари сифатида кенг тарқалди. Ҳозирги кунда сўровномалар психодиагностиканинг кенг қўлланилаётган методларидан бир саналади.

Шахслилик сўровномалари сифатига кўра жуда кучли тафовутланади. Бу борадаги энг «муваффақиятли» методика сифатида ММРІ келтириш мумкин. Методика охириги 50 йилликда яратилган методика ҳисобланади.

www.mentalforce.ru

Психология соҳаларида шахс психологияси асосий ўрин тутиши билан бир қаторда мураккаб йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда шахс муаммоси билан психологлар, файласуфлар, социологлар кенг қўламда изланишлар олиб борган бўлсалар-да, ҳалигача шахс тушунчасини изоҳловчи ягона ва умум қабул қилинган изоҳга келинмаганлигини гувоҳи бўлинади. Ўз даврида шахс муаммосини таҳлил этиш борасидаги изланишлар туфайли психоанализ (З.Фрейд), шахс хусусиятлари назарияси (Г.Оллпорт), шахснинг бихевористтик назарияси (Л.Торндайк, Е.Толмен), шахсга когнитив ёндашув (С.Шехтер, Д.Келли), шахсга факторли ёндашув (Р.Б.Кеттелл, Г.Айзенк), гуманистик йўналиш (А.Маслоу, К.Роджерс, В.Франкл), аналитик психологик ёндашув (К.Юнг), шахснинг симптокомплекс характеристикасини изоҳлаш (В.С.Мерлин, Б.Г.Ананьев), шахс назарияси ва моделига структурали ёндашув (К.К.Платонов), шахсга фаолият ёндашув (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн) ва бошқа ёндашувларнинг назарий ва амалий хизматлари каттадир [2,7]. Ушбу шахс назариялар асосида психология фанида муаммонинг амалий ўрганишга доир психодиагностик усуллар ва методикалар яратилди. Ушбу методикалар гуруҳининг яққол турларидан бири шахснинг ўрганиш сўровномаларидир. Шахснинг ўрганиш сўровномалари психологларни табиий фанлардан ўзлаштирган психодиагностика методлари ҳисобланади. Дастлабки сўровномаларнинг илк манбалари Чарльз Дарвинни ижодий

билан боғлиқлиги қайд этилган [8]. . Сўровномаларнинг илк назарий асоси интроспекция методи билан боғлиқдир. Тадқиқотчилар узок вақт мобайнида инсон онги ва шахсни ўрганишда асосий методи сифатида ўзини ўзи кузатишни эътироф этганлар. Шу боис, сўровномаларга ўзини ўзи кузатишнинг бир шакли сифатида фойдаланилган. Айрим ўринларда илк сўровнома Ф.Гальтон томонида ишлаб чиқилган деган илмий мулоҳазалар мавжуд. У томонидан яратилган сўровномалардан шахс сифатларини эмас, балки инсоннинг ўзини идрок этиши ва ақлий тимсолларининг хусусиятларини баҳолашда фойдаланилган [1,7,8].

XIX асрнинг охирида сўровномалар методидан хотирани (А. Бине, Ж. Куртье), тафаккур тушунчасини (Т. А. Рибо), ички нутқни (Ж. Сен-Поль) ва бошқаларни тадқиқ этишда фойдаландилар. Чоп этилган сўровномалар респондентларга тақдим этилган, баъзи ҳолатларда эса журналларда нашр этилган. Шу тарзда сўровнома методи шахснинг сифатларини ўрганишда қўлланилмаган [1,2,8].

Замонавий шахсни ўрганиш сўровномаларининг илк кўриниши америкалик психолог Роберто Вудвортс томонида 1919 йилда яратилган бўлиб, у «Шахс ҳақида маълумотлар бланки» деб номланган [1,2,7]. Бу сўровнома ҳарбий шахсларни невротик симптомли ҳолатлардан саралаб олиш учун мўлжалланган. Сўнгра шахслик сўровномалари шахсни психодиагностик тадқиқ этиш методи сифатида кенг тарқалди. Ҳозирги кунда сўровномалар психодиагностиканинг кенг қўлланилаётган методларидан бир саналади.

Шахсни ўрганиш сўровномалари субъектив диагностик ёндашувнинг мумтоз намунаси сифатида қаралади. Сўровнома-шахс тўғрисида маълумот олишнинг энг ишончли усулларида бири бўлиб, тадқиқотчилар узок вақтлардан буён унинг объективлаштиришга интилиб келимоқдалар. Бу эса шахсни ўрганиш сўровномаларининг ишончилиги ва валидлигини таъминлаш талабларини ўсиб бораётганлигидан далолат беради [2, 254].

Шахснинг ўрганиш сўровномларини бир қатор мумтоз вариантлар психодиагностик тадқиқотларда кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда: шахс қирраларини ўрганиш сўровномлари (масалан, Р.Б.Кеттелл сўровномаси); типологик сўровномалар (масалан, Г.Ю.Айзенк сўровномаси); мотивларнинг ўрганиш сўровномлари (масалан, А.Эдвардс сўровномаси); қизиқишларнинг ўрганиш сўровномлари (масалан, Г.Кюдер сўровномаси); қадриятларнинг ўрганиш сўровномлари (масалан, Д.Супер сўровномаси); установкакаларнинг сўровномлари (масалан, Л.Терстоун сўровномаси) .

Шахслилик сўровномлари сифатига кўра жуда кучли тафовутланади. Бу борадаги энг «муваффақиятли» методика сифатида ММРІ сўровномаси эътироф этилади. У охириги 50 йилликда яратилган энг юқори илмий аҳамиятга эга бўлган методикалар вакили ҳисобланади.

Л.Ф.Бурлачук шахсни ўрганиш сўровномлари хусусидаги изланишлари асосида қуйидаги мулоҳазани илгари сурди:”Шахснинг ўрганиш сўровномлари билан ишлаш мавжуд бўлган, мавжуд ва келажакда шахсни баҳолашнинг энг оммабоп воситаси бўлиб қолади. Ҳар бир мутахассис-психолог ушбу психодиагностик методикалар ўзида нимани тақдим этишини, уларнинг мазмунида нима яширинганлигини аниқ билишлари лозим”[2, 255]. Юқоридаги илмий мулоҳаза айнан бизнинг тадқиқотимиз учун назарий асос сифатида хизмат қиладиган ғоя ҳисобланади. Шахс тўғрисида маълумот олишга йўналтирилган психодиагностик усуллари орасида - “Q”-маълумотлар олиш усулига алоҳида урғу берилади [3,10-12]. “Q”-маълумотлар- шахсни сўровномалар ва ўзини ўзи баҳолашнинг бошқа усуллари ёрдамида ўрганиш ва маълумотлар олиш усуллари ёрдамида ўрганишдир. “Q”-маълумотлар (“Questionnaire data”)ни ифодалашини англатади. Тузилишининг соддалиги ва ахборотлар олишининг енгиллиги “Q”-маълумотларнинг (сўровномалар, ўзига ўзи ҳисобот бериш, ўзини ўзи баҳолаш шкаласи) шахсни ўрганишда марказий ўрин тутаяди. “Q”-маълумотлар олиш учун методикаларнинг сони

кўп. “Миннесоти кўп қиррали шахс рўйхати” (MMPI), “Калифорния психологик тести” (CPI) (3,72), “Ўн олти омилли шахснинг ўрганиш сўровномаси (16PF)” “Тильфорд-Циммерман тести” шулар жумласидандир.

“Q”-маълумотлар инструментал янглишишлар етарлича кучли намоён бўлса-да, аммо улар “L”-маълумотларга нисбатан янглишишлар даражаси анча паст ҳисобланади.

“Q”-маълумотлардаги янглишишлар сабабли билиш ва мотивацион характерга эга. Билиш билан боғлиқ янглишишлар хусусий шахсни билмаслиги қуйидаги сабаблар билан боғлиқдир:

- текширувчиларнинг интеллектуал ва маданий даражасини пастлиги;
- интроспекция ва махсус билимлар, малакаларнинг етишмаслиги;
- ишончсиз эталонлардан фойдаланиш (масалан, текширилувчи ўзи билан барча популяция билан эмас, атрофидаги яқинлари билан солиштиради) .

Бундан кўринадики, шахснинг ўрганиш сўровномалари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш юқори даражадаги назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришни тақозо этади. Шу ўринда мутахассис-психолог шахсни ўрганиш сўровномалари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши учун етарлича психодиагностика фанининг методикалар билан ишлаш, уларни яратиш, модификациялаштириш талабларига доир билимларни ўзлаштирган бўлишлари талаб этилади.

Шахс диагностикасида маълумотга эга бўлиш усуллари

Психологияда шахс ҳақида маълумотга эга бўлишнинг турлича усуллар мавжуд. Қуйида биз В.М.Мельников, Л.Т.Ямпольский томонидан таклиф этилган шахсни тадқиқ этишда дастлабки маълумотга эга бўлиш усуллари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз

Шахс ҳақидаги маълумотларни уч хил манба асосида олиш мумкин бўлиб, улар L, Q, T-маълумотлар деб аталади.

L-маълумотлар-бу кундалик ҳаётда шахс ҳақиқий ҳулқ-атворини қайд қилиб бориш орқали маълумотга эга бўлишдир. Албатта, синалувчининг

яшаш тарзини тасвирлаш орқали у ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот олиш имкони мавжуд, аммо бу амалиётни ҳақиқатда рўёбга чиқариш мумкин эмас ва шуни ҳисобга олган ҳолда L-маълумотлар синалувчиларнинг айрим давр мобайнида маълум ҳолатлардаги ҳуққ-атворларини кузатиш натижасида кузатувчи экспертларнинг берган баҳолари орқали қўлга киритиш мумкин.

Одатда, L-маълумотлар тўплашда муаммони оралик тадқиқот ўтказишдан бошлаш тавсия этилади.

Кеттелнинг фикрича, L-маълумотлар ўлчашга мухтож бўлган ҳуққ-атворлар учун хос бўлган белгиларни топиш учун муҳимдир.²¹ Қолаверса, L-далилларининг афзаллик томони шундан иборатки, ифодаланувчи ҳуққ-атворнинг барча кўринишлари оғзаки нутқда ҳам маълум шаклга эга. Бу эса ўз навбатида бошланғич бирламчи маълумотларни йиғиш, танлаш ва уларни қайта ишлаш учун қулайликни яратади. Лекин ҳар доим ҳам L-маълумотлар бўйича олинган ташқи баҳолар адекват бўлавермайди, чунки синалувчи ҳуққ-атвори экспертнинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ равишда бузилиб идрок этилиши мумкин. Шу билан бирга турли экспертларнинг турлича баҳо бериши натижасида тажрибанинг ишончилиги борасидаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундай хатоликка йўл қўймаслик ва L-маълумотлар ишончилигини сақлаш учун эксперт баҳоларни олиш жараёни билан боғлиқ қуйидаги талаблар ишлаб чиқилган:²²

1. Баҳоланаётган хусусиятлар синалувчининг ҳуққ-атворини ифодаловчи терминларда қайд қилиниши лозим
2. Эксперт баҳоланаётган шахс ҳуққ-атворини узоқ оралик вақт давомида кузата олиш имкониятига эга бўлиш керак.
3. Бир нафар синалувчи учун ўн нафардан кам бўлмаган экспертлар гуруҳи бўлиши лозим.

²¹ Анастаси.А.,Урбина.-Психологическое тестирование. М.,2001. 236-б.

²² Мельников.В.М.,Ямпольский.Л.Т.-Введение в экспериментальную психологию личности.М.,1985.8-б.

4. Синалувчиларни бир марта учун фақат битта хусусиятлари бўйича ранжировка қилиш талаб этилади, масалан бир нафар синалувчининг турли хусусиятларини баҳолашдан кўра, бир гуруҳ синалувчиларни бир хил хусусият бўйича баҳолаш афзалроқ (масалан, 20 нафар синалувчиларнинг мулоқотмандлик хусусиятини ўрганиш).

Тажриба давомида экспертлар синалувчиларнинг мулоқотмандлик бўйича жойлашув тартиби эсидан чиққанини инобатга олиб, бошқа кун уларнинг бошқа хусусиятларини ўрганишади.

2. “Q”-маълумотлар бу шахс сўровномалари ва ўз-ўзини баҳолашнинг бир қатор методлари ёрдамида қўлга киритиладиган маълумотлардир. Тузилиши ва маълумотларни қўлга киритиш энгилроқ бўлишига кўра, Q-маълумотлар (сўровномалар, ўз-ўзини баҳолаш шкаласи, ўз-ўзига ҳисоб бериш ва б) шахсни ўрганишда марказий ўринни эгаллайди.

Q-маълумотларга тегишли бўлган методикалар мажмуи кенг бўлиб, улардан MMPI, Калифорнийлик психологик тест CPI, 16 факторли шахс сўровномаси 16 PF, темпераментни ўрганишга қаратилган Гильфорд-Циммерман тести CZIS ва б.

Q-маълумотлар L-маълумотларга нисбатан камроқ даражада бузилишга йўл қўйилади. Q-маълумотларнинг бузиб кўрсатилиши англаганлик ва мотивацион характерга эгадир.

1. Англаганлик билан боғлиқ-маълумотларнинг бузилиши бу ўз шахсий хусусиятларини билмаслик билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги асосий сабаблар билан пайдо бўлиши мумкин:

а) синалувчиларнинг интеллектуал ва маданий савияларининг пастлиги;

б) хусусий ва махсус малакаларнинг йўқлиги;

в) нотўғри эталонлардан фойдаланишлари, масалан, синалувчилар одатда ўзларини бутун аҳоли билан эмас, балки яқин атрофдагилар билан таққослайдилар.

Синалувчиларнинг ҳар хил турдаги мотивациялари улар жавобларининг ижтимоий томонга ёки ўзи билан боғлиқ ўзгаришлар оқибатида бузилишга олиб келади.

Мотивацион томондан бузилишлар англанилган ва англанилмаган хусусиятни касб этади.

Англанилган бузилишларда жавоблар бутунлай тасодифий характерга эга бўлиб, кўпол бузилишга сабаб бўлади.

Англанилмаган бузилишларда эса натижа аҳамиятсизроқ бўлиб, уни коррекция қилиш имконияти мавжуд.

Мотивацион бузилишларни тавсифловчи бошқа йўналиш намоёндалари Айзенк, Кронбах, Эдвардс, Виггенсларнинг фикрича, мотивацион томондан фактларнинг бузилиши сабаби Q-маълумотлар ишончлилигининг юқорилиги деб баҳолайдилар.

Бошқа йўналиш намоёндалари эса (Кеттел, Дигман, Хандлеби, Паулик) шахснинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳулқ-атвор кўринишидаги синалувчиларнинг жавоблари орқали намоён бўлувчи установакаларида деб таъкидлайдилар.

Шахснинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда синалувчилар установакаларини таҳлил этишда аниқланишича, синалувчиларнинг “саволларга очик жавоб бериш хоҳишининг йўқлиги ва кўпчиликнинг истагидан келиб чиқиб жавобларни сохталаштириш ҳолатларини бир хил тушунмаслик керак.

Хандлеби, Паулик ва Кеттелларнинг кўрсатишича, синалувчининг жавоб беришни истамаганликлари ва кўпчилик хоҳишидек жавоб беришга интилишлари шахснинг хавотирланиш хусусияти билан боғлиқдир.

T-маълумотлар бу-тажриба жараёнида объектив тестлар ёрдамида олинган натижаларнинг қисқартирилган шакли T-маълумотлар дейилади. T-маълумотлар шахс хусусиятларини тадқиқ этишда янгича ёндошувга эга бўлиб, унда олинадиган натижалар экспертларнинг баҳолари ва ўз-ўзини баҳолаш орқали эмас, балки шахс ҳулқ-атворини объектив ўлчаш (вербал,

новербал, ижтимоий, индивидуал) ёрдамида қўлга киритилади. Объектив тестларнинг ҳаммасида ҳам шахснинг асосий хусусиятларини аниқлай оладиган махсус кичик вазиятлар яратилади.

Тажрибада объективлилик қуйидаги икки талабга риоя этиш орқали эришилади:

- 1) тест баҳоларининг бузилиши мумкин бўлган ҳолатлардан чеклаш;
- 2) синалувчининг реакциясига қараб баҳолашнинг объектив усулини яратиш.

Биринчи талабни бажаришда тестларни шундай қуриш керакки, бунда синалувчи улар хулқ-атворларининг қайси томонлари ўрганилаётганлигини билмасликлари лозим. Шу мақсадда қуйидаги тактик усуллар қўлланилади:²³

- 1) Тадқиқотнинг ҳақиқий мақсадини яшириш.

Бу энг кўп тарқалган усуллардан бири бўлиб, бунда тадқиқотнинг асл мақсади яширинган бўлади. Бундай ҳолатда тест ва тест йўриқномалари шундай тузиладики, унинг асл моҳияти синалувчилар учун номаълум бўлиши керак. Аниқроқ айтганда, синалувчиларга тажрибанинг бошқа, ёлғон мақсади ҳақида хабар берилади, бу эса олинadиган натижаларнинг бузилишига йўл қўймайди.

Кўпинча синалувчиларга шахс хусусиятларини эмас, балки уларнинг интеллектуал қобилиятлари (масалан, диққат, хотира, хаёл) ўрганилаётганлиги ҳақида маълум қилинади. Масалан, ассоциатив тестларда синалувчиларга уларнинг вербал жавоб реакцияларининг тезлиги текширилаётганлигини ва фикрга келган дастлабки сўзни тезда айтиш талаб этилади. Шу билан бирга эмоционал аҳамиятли ва оралиқ (нейтрал) сўзларга нисбатан жавоб бериш, реакцияларининг ўзгариш вақтлари таққосланиб баҳоланади. Тадқиқот мақсадини яшириш усулидан ТАТ, Роршахнинг проектив тестларидан фойдаланилади.

²³www.koob.ru. Акимова.М.К. Психологическая диагностика.

1) Кутилмаганда топшириқ бериш.

Бу усул тадқиқотчи ўтказаетган тажриба давомида синалувчиларнинг ёлгон кўрсатма бериш пайтида қўлланадиган тактик усуллардан биридир. Синалувчига унга нотаниш (маълум бўлмаган) бўлган мавзу юзасидан кутилмаган саволларни бериш ва фактларни келтириш орқали унда эмоционал зўриқишни келтириб чиқаради ва оқибатда у танлаган ҳуққ-атворни назорат қилишга тўсқинлик қилади. Синалувчига тестни бажариш давомида бундан бир-икки соат олдин суҳбатлашган дўстларининг исмларини айтишни сўраш мумкин ёки ассоциатив тажрибаларда синалувчилардан тўсатдан “калит” сўзларни эсга тушириш сўралиши мумкин ва шундан сўнг уларга яна ассоциация ҳосил қилиш учун бир гуруҳ сўзлар таклиф этилади ва шу тариқа бу усул бир неча маротаба қайтарилади. Шундай қилиб, синалувчилар олдига қўйилаётган кутилмаган саволлар улар ҳуққ-атворларининг қайси йўналишларини сақлаб туриши (назорат қилиниши) кераклиги борасидаги муаммоларга дуч келиб, кўрсатмада талаб этилгандек фикрга келган дастлабки сўзни тезда айтишлари керакми ёки калит сўзларни эслаб қолиш учун кучимни йўналтиришим керакми, деган ҳолатга тушишади. Бундан ташқари тадқиқотчи вақти-вақти билан тўсатдан қарорини ўзгартириб калит сўзларни қайта идрок этишни сўрамай қўяди.

2) Тест мақсадининг ноаниқлиги, тушунарсизлиги.

Ушбу усулдан фойдаланишда синалувчиларга шундай кўрсатма бериладики, улар тажриба мақсадини тушунмасликлари ва ўзларининг реакцияларини қайси томонга ўзгартиришларини билмасликлари керак. Бундай ҳолатда уларга топшириқни сифатли бажариш усули маълум қилинмайди, яъни масалани қандай бажаришни эмас, балки нима қилиш кераклиги маълум қилинади. Масалан, синалувчига ўзига қулай темпда қўлини айлантирган ҳолатда ўхшаш расмларни ажратиш сўралади. Агар синалувчи топшириқнинг кўрсатмасини билса, жавоб ноаниқ шаклга эга бўлиши мумкин. Бу турдаги тестлар орқали шахс ҳуққ-атворининг

қатъийлиги, мустақиллиги аниқланади. Ана шу мақсадда синалувчига бир қатор мураккаб интеллектуал топшириқлар берилади. Агар синалувчи топшириқларни бажара олмаса, ёрдам ёки кўрсатма олиши мумкин. Бунинг учун топшириқ ўрнида беркитилган қоғозни олиб берилганларни ўқиш сўралади. Бироқ берилган кўрсатма синалувчи учун тушунарсиз бўлади ва натижада у бир қарорга келиши, яъни ёрдамга мурожаат этиш ёки топшириқни бажармаслик керак деган хулосага келади

4) Диққатни чалғитиш.

Бу усулда берилган топшириқлар тадқиқотчи учун аҳамиятсизроқ бўлиб, барча топшириқлар билан қоришиб кетган шаклга эгадир. Чалғитувчи топшириқлар ташқи томондан асосий топшириқларга ўхшаши лозим. Синалувчи тузилган тест топшириқларни бажараркан, ўз ҳуққатворини камроқ назорат қилади ва шахсий хусусиятларининг яширин томонларини ўзи сезмаган ҳолатда инкор этади.

5) Тест жараёнида эмоционал вазиятни ташкил этиш.

Бу усул кўпроқ психологик аҳамиятда қўлланади. Эмоционал зўриқишни ташкил этишга эришиш турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Масалан, топшириқни бажариш қобилияти ва сифатини ёки синалувчининг ташқи кўриниши ва имкониятларига нисбатан салбий баҳо бериш ёки ҳалақит берувчи таъсирлар остида топшириқларни тез ёки секин бажаришни талаб этиши мумкин. Тажриба жараёнида яратилган эмоционал зўриқиш синалувчини ноқулай ҳолатга қўйиши табиийдир. Масалан, улардан ҳайвонларнинг овозини ўхшатиш сўралганда, ўхшатиш жараёнининг яширин даври ва унинг давомийлиги ҳисобга олинади. Шахснинг шубҳаланиш ҳолатини ўрганувчи бошқа тестларда синалувчини тадқиқотчи томонга тескари ҳолатда туриб унга тадқиқотчи қараган деб ҳисоблаган дақиқаларни айтиши лозим.

3) Тестнинг эмоционал мазмуни .

Бу усул юқоридаги усулга ўхшаш бўлиб, фарқи шундан иборатки,

эмоционал вазият тестни ўтказиш жараёнининг талаблари билан эмас, балки тест материалининг ўзи ёрдамида амалга оширилади. Тест мазмунан кулгили, беодоброқ, кўпол ёки шоирона бўлиши ҳам мумкин. Масалан, синалувчидан унинг шахсий ишлари ва таассуротлари ҳақида психолокка гапириб беришни сўраш мумкин ва шундан кейин синалувчи тест ва уни ўтказувчи шахсларга муносабатларини ифода этишлари мумкин. Тест материали сифатида латифалар, карикатуралар, мусиқий парчалар ва ҳатто автомобиль ҳалокатлари ифодаланган расмларга ҳамма нуқтаи назаридан эмас, балки, тиббиёт ёки юридик соҳа вакиллари нуқтаи назаридан шарҳ берилиши мумкин. Эмоционал қизиқарли ўйинларни қайта тузиш орқали ҳам объектив шахс тестларини яратиш мумкин.

4) Автоматлашган реакция.

Хусни хат, одатлар, тезкор хатти-ҳаракатларни назорат қилиш мураккаб ҳисобланиб, уларни ҳатто кучли хоҳиш бўлганда ҳам ўзгартириш қийин, шунинг учун улар кўпинча шахс тестларида қўлланилади.

5) Ихтиёрсиз индикаторлар.

Шахсдаги “ихтиёрсиз индикатор” тушунчаси Б.М.Теплов ва В.Н.Небылицинлар мактаби томонидан ишлаб чиқилган. Бу тушунчага шундай методикалар хоски, улар синалувчининг мақсади ва иродасига боғлиқ бўлмаган функциялар ва параметрларни қайд қилиб боришга мўлжалланган бўлиб, бу Б.М.Теплов томонидан шартли равишда “ихтиёрсиз реакция” методикаси деб номланган.

Кўпинча психологик жараёнларда кузатилувчи электрофизиологик, биохимик ва вегетатив ўзгаришлар шахснинг ихтиёрсиз индикатори сифатида фойдаланилади.

б) Фонли индикаторлар.

Фонли индикаторлар сифатида шахснинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ келувчи организмнинг физиологик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу методикада энг кўп қўлланиладиган шахснинг фонли индикаторлари сифатида унинг антропарометрик тузилишдаги

ўзгаришлари, жумладан, бўйи, оғирлиги, мушак суяклар оғирлиги ва тана тузилишдаги бошқа кўрсаткичларнинг ўлчамлари инобатга олинади.

В.Д.Небылицин фонли индикаторлар қаторини кенгайтириб, унга биоэлектрик ва вегетатив кўрсаткичларнинг қатъийлигини киритишни таклиф этди.²⁴

Юқорида санаб ўтилган барча тактик усуллар объектив тестлар учун мўлжалланган бўлиб, у синалувчи томонидан натижаларнинг субъектив тарзда бузилишининг камайишига ёрдам беради. Тест натижаларининг янада объективлигини таъминлайдиган талаблардан бири бу тадқиқотчи томонидан тест жараёнини олиб боришда субъектив бузилишларни камайтиришдир. Бу тест баҳоларини олишда қатъий шакллантирилган жараёнда барча психологларнинг симпатия ва маҳоратларига боғлиқ бўлмаган тарзда бир хил натижаларга эга бўлиш орқали эришилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, анъанавий проектив тестлар (ТАТ, Роршах тести, расмли фрустрацион тестлар ва б) объектив тестлар ҳисобланмайди ва улар биринчи талабни қониқтириб синалувчи томонидан тест натижаларининг бузилишига олиб келувчи ҳолатларни чеклайди ва иккинчи талабни яъни, натижаларни қайта ишлаш жараёнини шакллантиролмайди ҳамда унда синалувчи томонидан мотивацион бузилишлардан чекланган бўлсада, лекин тадқиқотчи томонидан бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар сақланган.

Объектив тестларнинг тўлиқроқ тўплами Р.Б.Кэттел ва Ф.В.Варбуртон томонидан таклиф этилган. Бу тўпланда муаллифлар томонидан 400 хилдан ортиқ тестлар жамланган бўлиб, уларни қуйидаги 12 гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) Қобилият тестлари.

²⁴Мельников.В.М.,Ямпольский.Л.Т.-Введение в экспериментальную психологию личности.М.,1985.10-18б.

Айрим тестлар дастлаб интеллектуал жараёнлар, билимлар ва қобилиятларни тадқиқ этишга қаратилган бўлиб, улар шахс факторларига мувофиқ келади.

Мисол учун, бунга нутқнинг тезлиги, моторнинг регидлиги-УИ (Т) 23 факторига мувофиқ келади (невротик регрессия-энергиянинг сафарбарлиги).

2) Билим ва малака тестлари.

Бу гуруҳ тестларига кўриш мотор ва қўл ҳаракати координацияси, лабиринтдан ўтишда аниқлик кабилар киради.

3) Идрок учун мўлжалланган тестлар.

Бу гуруҳ кенг ҳажмдаги тестларни ўз ичига олиб, унга кўриш идрокдан тортиб (тугалланмаган тасвирларни яқунлаш) то ҳид сезиш (ҳидларни ҳуш кўриш) гача бўлган идрокларни ўз ичига олади.

4) Сўровномалар.

Бу гуруҳ тестлар шахснинг ҳулқ-атвори, таъм сезиш одатлари ва бошқа хусусиятларини ўрганишга қаратилган сўров анкеталари кўринишида тузилган.

Мисол учун, инсон соғлиги билан боғлиқ анкета саволларни гигиеник талабларни бажариш орқали аниқлаш мумкин.

5) Муносабат тестлари.

Бу гуруҳга шахснинг бошқа одамларга, ҳулқ-атвор нормаларга, сиёсий қарашларга нисбатан билдирувчи муносабатлари орқали ўрганувчи тестлар киради.

6) Эстетик тестлар.

Бу гуруҳга рассом ва шоирларнинг мусиқий жанрлари, расмлари ва суратлари тегишлидир.

7) Проектив ёки идрокнинг хатоларини аниқлашга қаратилган тестлар. Бунга шахс проектив тестларининг барча кўринишлари тегишли.

8) Ҳолат тестлари.

Бу аниқ ижтимоий ҳолатларни ташкил этишни назарда тутувчи тестлардир. Масалан, синалувчи айнан бир топширикни якка ёки гуруҳ ҳолатда бажариши ҳамда мусобақа ёки кооперация учун шахсан ўзи ёки гуруҳ учун бажариши мумкин.

9) Ўйинлар.

Ўйинли ҳолатларда шахснинг индивидуал хусусиятлари аниқроқ намоён бўлади, шу сабабли ўйинлар объектив тестлар қаторига киритилган.

10) Физиологик тестлар.

Бу гуруҳ тестларга физиологик кўрсаткичларни қайд қилиб борувчи тестлар киради: КГР, ЭКГ, ЭЭГ, тремор ва б

11) Жисмоний тестлар.

Уларни физиологик тестлардан фарқлаш мураккаброқ бўлиб, уларга кўкрак қафасининг ҳажми, тананинг солиштирма оғирлиги, мушаклар таранглиги, ёғ қатламларининг сони ва шу каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

12) Тасодифий кузатув.

Бунга ноаниқ жавоблар сони, тест бланкасига қўйилган белгилар миқдори, хатнинг тартиблилиги, қайта текширилиш чоғидаги сабрлилик каби ҳолатлар ҳисобга олинади.

L-маълумотлар асосида олиб борилган тадқиқий ишлар кўп бўлиб, улардан дастлабкилари Г.В.Олпорт ва Х.С.Одбертлар томонидан олиб борилган. Улар ўз изланишларини шахс хусусиятларини тавсифловчи терминлардан ташкил топган луғат тузишдан бошладилар.²⁵ Шу мақсадда улар шахс хусусиятларини аниқ ифодалайдиган ва унинг хулқ-атворини қатъий ва муҳим тарзда белгиловчи жами 18000 та сўзни тўплайди ва улардан 4500 та сўзни саралаб таҳлил қилишади. Р.Б.Кеттел ушбу шахс хусусиятларини тавсифловчи 4500 та сўзни таҳлил этар экан, уларни синоним гуруҳларга ажратишга ҳаракат қилди. Кеттел ҳар бир синоним гуруҳга мос келувчи асосий маънони англаувчи биттадан синоним сўзни

²⁵ Бурлачук.Ф.Л Психодиагностика. СПб.,2003.487-б.

танлади ва ушбу 4500 та сўздан иборат шахс хусусиятларини 171 тагача қисқартирди. Р.Б.Кеттел ўзининг кейинги ишларида 171 шахс хусусиятларининг ҳар бири билан танишлилик даражасини баҳоловчи бир гуруҳ эксперт гуруҳларнинг ёрдамидан фойдаланди. Унинг фикрича, экспертлар шахсни тавсифловчи хусусиятларнинг энг аҳамиятлисини танлай оладилар. Эксперт гуруҳларнинг фикрини янада аниқлаштириш мақсадида Кеттел баҳоларни ўзаро боғланганлигини аниқлади ва юқори даражада мувофиқ келувчи тавсифларнинг ичида бир хил маънони берувчи 36 та корреляцион гуруҳни ажрата олди, яъни кутилганидек, ҳамма гуруҳ ўзларининг юқори манфий муносабатини ифодаловчи жуфтларига эга бўлди. Масалан, сергап-камгап, шўх-ғамгин, ишонувчан-шубҳали, эгилувчан-қотиб қолган ва б.

Шу усул орқали Кеттел 36 биокутб номланишдаги тўпламга эга бўлди ва унга бошқа тадқиқотчиларнинг ишларидан олинган махсус терминларни киритиш орқали умумий миқдорини 46 тага кенгайтди. Шундан сўнг ҳар бир биокутб жуфтликка хос меҳнат кўринишлари тавсифларини тузди.

Шундай қилиб, объектив тестлар субъектив баҳодан тўла ҳоли бўлган ҳақиқий экспериментал жарённи ўз ичига олди, аммо кўпчилик мутахассислар ушбу ҳолатларга камроқ эътибор берадилар. Қуйида биз биокутб жуфтликка эга бўлган хусусиятлар номларини келтириб ўтмоқчимиз:²⁶

а) Эгилувчан тип.

У режаларни осон ўзгартира олади, осон кўчади, муросали, ҳайратланмайди, таъсирчан эмас, агар воқеалар ривожини у кутганидек бўлмаса ҳам, ўз режаларини ва ўйлаганларидан воз кечмайди.

а) Ригид тип.

Ҳамма нарсалар ўзи одатланганидек бажарилишини истайди, атрофдагиларнинг таъсири остида ўз одатлари ва ҳуқ-атворларини

²⁶www.koob.ru. Акимова.М.К.Психологическая диагностика.

ўзгартирмайди, агар ҳулқ-атворларининг одатий усуллари муваффақият келтирмаса, ўзларини йўқотадилар.

б) Эмоционал беқарор тип.

Ҳар доим мақсадга йўналган, кўзғалувчан, кўп кулади ва камдан-кам жаҳли чиқади, ҳиссиётлари ҳаддан ташқари таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

б) Эмоционал барқарор тип.

Уларда эмоционаллик йўқ, ҳиссиётларини намоён бўлиши кам, ҳатто юқори даражада эмоционал ҳолатларда ҳам хотиржамликни сақлай оладилар (ҳатто мусобақаларда, хавфли ҳолатларда, қувноқ давраларда ҳам).

Худди шунга ўхшаш кўрсаткичлар берилган 46 та жуфлик учун ҳам тузилган бўлиб, бу экспертларнинг ўрганиши ва уларда бир хил мушоҳаданинг шаклланиши учун зарур эди.

бобда муҳокама қилинадиган барча тестлар бу биринчи параметр мазмунида объектив бўлиши назарда тутилади.

2. Яхлит ахлоқ (бутун организм) нинг versus физиологик реакцияси (организмнинг бир қисми). Типик физиологик реакция уятдан қизариш ёки тремор бўлиши мумкин.

3. Битта эҳтимолий жавобни ўлчаш, турли-туман versus жавоблар таснифи (параметрик бўлмаган versus ни параметрик баҳолаш). Параметрик тарзда жавобнинг: вақт, хатолар миқдори, такрор каби хусусиятлари ўлчанади. Параметрик бўлмаган тарзда жавоблар синфининг миқдори ва турли-туманлиги очиб берилади. Бу маънода креативликка кўпгина тўстлар параметрик бўлмаган тарзда баҳоланади.

4. Жавоблар умумий миқдорининг баъзи мезонларга мос тушувчи versus қисми. Бу юқорида баён қилинган учинчи параметр билан кесишади чунки Cattell ва Warburton кўрсатганларидек, турли-туман баҳолар бу ерда кўрсатилган ҳар қандай тоифадан бўлиши мумкин.

5. Versus нинг ягона бир турли кўрсаткичи ҳар хил типдаги нисбий кўрсаткичлардир. Ягона кўрсаткични қачонки тест шахсий сўровномалари ҳолатидаги каби яхлит баҳоланганда аниқлаш мумкин. Ҳар хил типдаги нисбий кўрсаткичлар қуйидаги шаклларда аниқланиши мумкин: тестнинг биринчи ва иккинчи қисмини бажариш вақтидаги тафовутлар; одатий шароитда ва чалғитувчи шароитда материални эслаб қолиш.

Ва ниҳоят, Cattell ва Warburton олтинчи параметрни қўшдилар:

6. Versus ни меъёрий, шазсий баҳолаш.

Бироқ бу параметр, юқорида гап борганидан буткул бошқа типдаги таснифни акс эттиради, чунки у барча тестларга таъсир кўрсатади ва тестларни конструкциялашга эмас, балки уни стандартлаштириш соҳасига киритиш ҳийла тўғри бўларди. Агар биз бу параметрни ҳам кўриб чиқсак бизда жавобларни баҳолашнинг 2 та эҳтимолий типи ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, стимулли-йўриқномавий вазиятлар ва жавобларни баҳолаш билан боғлиқ тарзда ажратилган параметрлар бизга ҳар қандай

типтаги тестларни конструкциялаш имконини беради. Аммо бундай ёндошув гарчи фойдали бўлса-да, объектив тестлар мазмунига тааллуқлиларида ёрдам бермайди. Бундан ташқари, объектив тестлар типининг потенциал миқдори ҳақиқатан улкан: 2 X 2, аҳамиятли тарзда 50000 дан кўп. Норматив кўрсаткичлар норматив танловга нисбатан ташқи таққослаш имконини беради, ипсатив (шахсий) эса синалувчининг ўзига нисбатан (масалан, қизиқишлар сўровномасида) у ёки бу хусусиятларнинг яққол ифодаланганлигини солиштиришга йўл кўяди (муҳаррир изоҳи). Ажратилган параметрлар синов ўтаган объектив типларнинг ҳар бир эҳтимолий типининг вазифаси қай даражагача фаркланишини кўрсатади. Биз вазифаларда камчиликни ҳис қилмаймиз!

Амалиётда объектив тестлар конструкциясини ишлашдан фойдаланиш учун бу таснифий схема қисқартирилиши зарур. Кеттелл ва Уорбертон таъкидлайдиларки, саккизта эҳтимолий вариант бўйича генерацияланадиган баҳолаш параметрлари ва учта бирмунча муҳим вазиятдан олинган олтмиш тўртта вариант алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тўпламидага тестларнинг улкан миқдори барча олтмиш тўртта типни қопламаган, демакки, тестлар таксономиясининг бундай қисқа версияси ҳам тестларни ижодий ишлаб чиқувчилар учун фаолият майдонини очиқ қолдиради. Тестлар тавсифномаларга асосланувчи бундай таксономия ишлаб чиқарувчига турли-туман тестларни ишлаб чиқишга ёрдамлашиши мумкин, бироқ битта асосий қийинчилик бор: биз яратилган ўлчов воситасининг, масалан, бошқа нарсани эмас, айнан ўзгарувчан ҳароратни ўлчашини қандай билиб оламиз? Бошқача айтганда, масалан, қобилиятни эмас, балки ҳароратни ўлчаш учун тестни қандай оламиз? Мазкур таксономия бунда ёрдам бера олмайди ва тест ишлаб чиқарувчига кейинги маълумот зарур бўлади.

Қобилият, темперамент (мижоз) ва динамика (мотивлар) объектив тестлари ўртасидаги тафовут кузатилади.

Объектив тестлар нима ўлчаши ҳақидаги таъриф усулларида бири – уларни бу учта модаллик (қобилият, темперамент, мотивлар) яхши танилган фарқли ўзгарувчи (маркер) лар билан биргаликда факторли таҳлиliga дучор қилишдир. Факторли таҳлил ёрдамида ушбу тест қандай модалликдаги ўзгарувчанларни ўлчаши аниқланган. Бироқ, гарчи бу ҳар қандай объектив тестдан реал фойдаланишга қадар зарурий самарали процедура бўлса-да, у бизга керакли типдаги тестни қандай конструкциялаш мумкинлигини кўрсатиб бермайди. Бу фақат текширишнинг адекват воситаси, аммо тестларни конструкциялаш учун қўлланма эмас.

Cattell ва Warblinton (1967) бу муаммони муҳокама қилишга кўп ўрин ажратдилар, биз бўлса бу ерда модомики улар топшириқ мазмунини танлаш учун баъзи оқилана асосни таъминлар экан уларнинг мулоҳазаларига қисқача яқун ясаймиз (тест шакллари танлашда ёрдамлашишга чорланган таксономияга қўшимча).

1. Вазиятнинг икки тури фарқланади (ситуационализм аслида чиқиқлар психологиясининг тескариси бўлмайди): ундовчи (incentives) ва ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ (complexities).

2. Ундовчилар (incentives) ўзгарганида динамик тестлар кўрсаткичлари ўзгаради. Ҳаракат (complexities) ўзгарганида қобилиятлар тести кўрсаткичлари ҳам ўзгаради. Темперамент тестлари қолган ҳамма вазиятларни ўз ичига олади.

3. Ундовчиларни (incentives) аниқлаш: ундовчилар баъзи мақсадга интилишни туғдиради ва мақсад ёки мақсадга эришишдан қониқиш рамзи бўлади, ўз-ўзидан фақат шу жараёни таҳлил қилиш билан аниқланиши мумкин. Бу вақтда ахлоқнинг изчиллигини статистик жиҳатдан таҳлил қилишдир. Мазкур изчиллик мақсадга эришишга олиб келувчи ҳаракатлар тўплами бўлади. Ундовчи вазият шу тарзда унинг мақсадга бўлган муносабати бўйича пайқаб олинади (яъни интилиш кучи ва устунликнинг доимийлигида умумий иккиланишлар бўйича). Kline ва Grindley (1974)

динамик ўлчов ва вазиятлар ўртасидаги айнан шундай флуктуацияни ҳақиқатан кўрсатдилар.

4. Ҳаракатларни белгилаш (complexities). Қачонки мазкур вазиятда ундовчилар пайқаб олингач ҳаракатни ҳам белгилаш мумкин: бу барча ундовчи бўлмаганлардир.

5. Албатта, амалиётда бу динамика ва қобилиятларни ўлчаш шўро чамбарчас алоқадордир, дегани. Бироқ ҳар бир соҳалар учун ўлчашнинг нисбатан “тоза” воситалари олиниши мумкин. Масалан, агар бизда қобилиятларни ўлчашнинг жуда оддий воситалари бўлганида эди, кўрсаткичлардаги тафовутлар қобилиятни эмас, динамикани кўрсатган бўларди (масалан, синалувчи топшириқни бажаришга қанчалик интилиш билан уринди). Шундай қилиб, ҳаракат ва ундовчилар даражасини шу тарзда бошқариш мумкин, объектив тестлар ҳар бир модалликни ўлчашнинг деярли “тоза” воситалари бўлиши мумкин.

6. Шу тарзда конструкцияланган барча тестларни факторли таҳлил ёрдамида текшириш кераклиги ҳақида гапиришнинг зарурияти йўқ. Улар ўлчаётган нарса улардан кутилганларига мос тушишини ўлчаётганликларига ишонч ҳосил қилиш керак. Қобилиятни тахминан ўлчовчи барча тестларнинг натижалари мотивацион, динамик ўзгарувчиларни ўлчашга тааллуқли натижаларга яқин бўлиши зарур. Бу мантиқий асос, ундовчи ва ҳаракат ўртасидаги тафовутлар билан объектив тест ишлаб чиқарувчиларида, гарчи уларнинг ҳаммаси аввалгидек кейин факторли таҳлил қилинса-да, ҳеч бўлмаганда, унинг тести ўлчаётган нарчани аниқлашга нисбатан баъзи қўлланмалар бор. Аммо, ҳозир ўқувчига яққол равшан бўлганидек, бу тамойиллар ва таксономия қизиқарли ва, эҳтимол, ишлаш стимули бўлиши мумкин, лекин, эҳтимолки, реал тестларни конструкциялашда амалий фойдаланиш учун ўта мавҳумдир. Cattell ва Warburton (1967) буни англаганча, ўз ишларида объектив тестларни конструкциялашда уларга бу соҳадаги тадқиқотларнинг аҳамиятли тажрибасига асосланган, ички сезги орқалигина олдиндан кўриш

ёрдамлашганини чин юракдан тан оладилар. Ҳозир биз буни қисқача муҳокама қиламиз.

Шахс ва мотивлар объектив тестини ишлаб чиқиш учун амалий маслаҳатлар

Cattell ва Warburton (1967) хаваскорлар орасида кенг тарқалган ва объектив тестларни конструкциялаш бўйича ишга киришишдан олдин билишлари зарур бўлган қуйидаги олтита хатога йўл қўймасликни эслатиб ўтадилар:

1. Сўровномаларда яққол валидли вазифаларга тўхталманг.

2. Бошқотирма вазифа ёки топшириқларни қўлламанг. Улар ёрдамида сиз қобилиятлар факторларини ўлчайсиз, холос.

3. "Стрессли вазиятлар" га ниҳоятда катта умид боғламанг. Как утверждают Cattell ва Warburton (1967) нинг таъкидлашларича, бу тажовузкорлик ёки қўрқувни аниқлаш учун ишлаши мумкин, аммо ҳали яна бошқа эмоциялар ҳам бор.

4. Эстетик стилистик афзалликлар шахснинг фақат баъзи аспектларини самарали аниқлаши мумкин. Аммо бундай тестлар барча эҳтимолий аспектларни аниқлашини кутиш бемаъниликдир. Бу тестларга қилинадиган жавобларга маълумот ва маданият даражаси таъсир кўрсатиши тўғрисидаги яққол фактни инобатга олиш даркор.

5. Проектив тестлардан фойдаланишнинг соддалаштирилган усулларида қочинг. Wenig нинг (1952) кўрсатишича, бундай тестлар факторли-аналитик тадқиқотни талаб қилувчи параметрларнинг ўта кенг комплексини ташҳис қилади.

6. Ахлоқнинг муайян типига аниқ мос келадиган топшириқ-саволлардан фойдаланинг.

Юқорида айтилганлар самарали объектив тестларни яратиш учун асос бўлади.

Объектив тестлар билан боғлиқ баъзи умумий муаммолар ечими

Исталган (нафақат объектив) тестнинг кўрсаткичларини изоҳи шубҳали бўлиши мумкин бўлган қатор муаммолар мавжуд ва уларни объектив тестларни конструкциялашда инобатга олиш керак. Ўқувчилар фойдаланиши мумкин бўлган бу муаммоларнинг батафсил муҳокамаси Cattell ва Warburton (1967) китобида акс эттирилган.

Бу ишда сўз бораётган қоидаларга қисқача якун ясаймиз.

Синалувчилар мотивациясидаги тафовутлар

Бу манбанинг қийматига тавсияларни танлаш ва беришда индивидуал фарқлар, минимал тарзда бўлса-да, тестларни ишлаб чиқишда синалувчилар мотивациясидаги фарқ илмий тадқиқотларда алоҳида аҳамиятга эга. Пировардида, агар объектив тестларни бажариш учун, масалан, аҳамиятли тарзда диққатни жамлаш талаб қилинса, нима учун синалувчи ҳаммасини энг яхши тарзда бажариш учун куч сарфлаши зарур? Бошқа томондан, шундай синалувчилар учрайдики, улар буткул ҳамма нарсани энг яхши тарзда қиладилар. Cattell ва Warburton (1967) объектив тестларни куришда синалувчилар мотивациясидаги фарқни энг кам даражага туширишга чорланган бешта усулини муҳокама қиладилар:

1. Тестни икки қисмга бўлинг. Олинадиган кўрсаткичлар биринчи ва иккинчи қисм бўйича баҳолар нисбати ёки фарқи бўлади ҳамда иккала қисм синалувчининг ҳар икки қисмни бажаришга мотивацияси бир хил эканлиги тўғрисидаги мантиқли тахминга кўра солиштирилади, шу тарзда бу эффект бартараф қилинади. Бундай методикага мисол чалғитувчи омилларда эслаб қолиш самарадорлигига асосланган “Эго кучлари” тести ҳисобланади. Бу тестда “Эго кучлари” кўрсаткичлари оддий шароитда эслаб қолиш бўйича баҳо ва қачонки улар ҳазил билан аралашиб кетган ҳолатдаги эслаб қолиш миқдори бўйича баҳо ўртасидаги фарқ бўлади. Бу объектив тестларни лойиҳалаш учун аниқ фойдали усулдир.

2. Мотив сифатида туйғулардан эмас негизли эргидан фойдаланилади. Кеттелл терминологиясида (қаранг: Cattell ва Child, 1975; Cattell ва Kline,

1977) туйғулар – муайян маданиятда ўқитиш ва тарбиялашда шаклланадиган, сингдириладиган туйғулар, масалан, диний туйғулар ёки ўз оиласига нисбатан туйғулар бўлганида, эрги – бу очлик, жинсий майл ёки кўрқув каби негизли қизиқишлардир. Модомики, Поскольку, как обсуждалось у Cattell ва Child (1975) да муҳокама қилинганидек, негизли эрги туйғулардан кўра ўзгарувчанликка кам дучор қилинган, мотивацияда ўзгаришлар оқибатида тафовутлар миқдори қисқаради, агар мотив сифатида тестни бажаришда негизли эрги кенг жалб қилинади. Бунда кўрқув (электр токи зарбидан) ёки жинсий истакни (яланғочлар бўлган расмларни тақдим этганча) бошқариш осонроқ, гарчи шахс бу қизиқишнинг эмаслиги ҳақида ўзига ҳисоб бериши керак.

Cattell ўзининг мотивация концепциясида "эрг" ("эхтиёж" ва "ундовчи куч" атамалари ўрнини алмаштиришга чорланган сунъий атама) ва "туйғу" ("сентимент") тушунчаларини чегаралайди. Туйғу ва эрги бир бирига буткул боғлиқ бўлмайди (муҳаррир изоҳи), реалликдаги каби намоён бўлиши мумкин (қўзғалиш даражаси бўйича), чунки тестлаш вазиятида ҳам рўёбга чикувчи муайян этик меъёрлар мавжуд.

3. Тестни бажаришнинг стилистик ёки расмий аспекти кўрсаткичлари ҳисоб-китобини чегараланг. Бу ўзгарувчилар бошқа кўпчилигига қараганда мотивация ўзгарувчиларига камроқ дучор қилинган. Кеттелл ва Уорбертон ўта турли-туман вазиятларда ҳар бир индивидуум учун, одатда, бошқалардан фарқланадиган бўлиб қоладиган кўрсаткич намунаси сифатида дастхатни танладилар. Мотивацион бузилишларни бартараф қилишнинг бу учта усулини тавсифлаганча битта яққол, аммо муҳим лаҳзани таъкидлаш зарур: улар асосан динамикага эмас, темперамент тестларига қўлланилади.

4. Тестларнинг барча қатори устида ишлашда синалувчиларнинг мотивацион даражаси факторли таҳлил (эхтимол битта ёки кўпроқ факторлар) билан бошқа мустақил факторлардан ажратилган бўлиши

мумкин. Агар шундай бўлса, унда бундай факторлар билан тўлдирилган тенденцияга эга бўлган ўзгарувчилар олиб ташланиши мумкин.

5. Ва ниҳоят, объектив тест ишлаб чиқарувчи ҳар бир синалувчининг мотивларини шу тарзда ҳаракатга келтириш усулини мақсадли излаши мумкинки, улар тестли процедурага фаол жалб қилинади, аммо бунда синалувчи дучор қилинган кадриятлар тизими чегарасидан чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида доимий равишда ёдда тутиш керак. Афсуски, бу амалиётга татбиқ этишдан кўра тушуниш осон бўлган ўша тамойилдир.

Шахс ва тестли вазият

Шахсинг намоён бўлиши жамият билан боғлиқ, бироқ тест қилишда жамият фақат тестли вазиятлар кўринишида акс эттирилган. Бу, албатта, тест ўтказишнинг яна битта аҳамиятли муаммоси, айтганча, у шахсий тестлар самарадорлигини шубҳа остига кўядиган ситуационистлар (Mischel, 1968) га имкон беради. Демак, Mischel таъкидлайдики, анъанавий шахсий сўровномалар ёрдамида олинган факторлар ўз моҳиятига кўра тест ўтказиш вазиятининг факторлари бўлади.

Бу қийинчиликни енгиб ўтиш учун Cattell ва Warburton (1967), шубҳасиз, ижтимоий ўзаро ҳаракатни ўз ичига оладиган индивидуал тестли вазиятларни таклиф қилдилар. Бироқ шу муаллифлар, афсуски, таъкидлайдиларки, бундай мини-вазиятларни яратиш қийин ва шу тарзда назарийдан ташқари қандайдир бошқа мақсадларга эришиш учун уларнинг қийматини аҳамиятли тарзда камайтирганча амалий психологияда фойдаланиш мураккаб. Тўғри, бу муаллифлар кейинги тадқиқотлар мини-вазиятлар тестлари белгилаб берадиган факторларнинг ҳийла содда кўринишидаги бошқа объектив воситалар ёрдамида ўлчаш имконини беришига ишонадилар. Агар бу содир бўлса, вазиятли тестлардан воз кечиш мумкин. Аммо уларсиз объектив тестлар ишлаб чиқарувчи ўзининг ижтимоий ахлоқ (шахсинг ахлоқий кўринишлари) ни ўлчаганига ишончни ҳис қилмаслиги мумкин. Ижтимоий ўзаро ҳаракат факторлари билан тўлдирилган бир неча гуруҳли тестлар ишлаб чиқилди (улар Cattell ва

Warburton, 1967 томонидан санаб ўтилган), аммо бу соҳада ҳали яна кўп иш қилиш лозим.

Қобилият ва ютуқларнинг объектив тестлар кўрсаткичларига таъсири

Бу шахснинг объектив тестлари (темпераент ва динамика тестлари) ни конструкциялашда бартараф қилиш зарур бўлган асосий қийинчилик. Масалан, маълумки (Cattell ва Child, 1975), предметлар ва кўринишларни текширишнинг релевант мақсади тўғрисидаги маълумот қизиқишни ўлчашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бироқ элементар рефлексия аниқлик билан бундай ўлчашнинг қандай бузилиши мумкинлигини кўрсатади. Талабада отда югуришга бўлган аҳамиятсиз қизиқиш (Киев университетининг табиий-илмий факультетлар корпуси ипподром билан ёнма-ён жойлашган) дам олишнинг ягона тури бўлган, кам билимли интеллектуал одам билан солиштириш мумкин бўлмаган билимларнинг баъзи захирасига олиб келиши мумкин. Ахборот тести, шубҳасиз, нотўғри ишлайди.

Шундай қилиб, тестларни лойиҳалаштиришнинг қобилиятлар ва ютуқларга таъсирни энг кам даражага туширадиган усуллари ишлаб чиқиши зарур. Cattell ва Warburton (1967) куйидаги тавсияларни берадилар:

1. Объектив тестлардан иложи борича ўзгаручи қобилиятларни, масалан, муносабатлар, луғат захираси, умумий билимларни аниқлашга йўналтирилганларини олиб ташланг.

2. турли мотивлар мисолида аввал кўрсатилганидек тестни икки қисмга бўлинг ва муносабат ёки кўрсаткичларнинг фарқидан фойдаланинг. Бу мотивация даражаси билан содир бўлганидек синалувчининг қобилияти даражасига таъсирни бартараф қилади.

3. Тестни факторли таҳлил қилинг ва қобилият факторлари билан юкланганини олиб ташланг. Оригиналда: "Кембридж Ньюмаркет билан ёнма-ён жойлашган".

4. Объектив тестлар қаторида мазмуний материал, малака ва қизиқишларни синашнинг шунчалик кенг тўплами бўлса, имкони боридан фойдаланинг.

Ўзгарувчи ахлоқ ролли вазиятлар турли-туманлигини таъминлаши зарур, чунки шахсий факторлар ҳар хил ролларда ҳаммасидан яхши ифодаланади. Мазмун ҳам шу тарзда танланиши зарурки, синалувчиларнинг танланган мажмуаини барча диапазондаги қизиқишларига дахл қилсин.

Назорат саволлари:

1. Объектив тестлар нима?
2. Объектив тестларнинг устунлик томонлари нималардан иборат?
3. Р.Б.Кеттелл шахслик ва мотивга доир объектив тестларда қандай ўзгарувчанлик бўлишини қайд этдилар?
4. Стимулли-йўриқномавий вазиятлар деганда нима тушунилади?
5. Объектив тестлардаги versus нима?
6. Жавобларни баҳолаш параметрлари қандай бўлади?
7. Синалувчилар мотивациясидаги тафовутларни изоҳланг.
8. Шахс билан боғлиқ тестли вазият нималардан кузатилади?
9. Қобилият, темперамент (мижоз) ва динамика (мотивлар) объектив тестлари ўртасидаги тафовут нималарда кузатилади?

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.

2. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401

3. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.

4. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.
5. Расулов А.И. Психодиагностика.-Т., “Mumtoz so’z”, 2010.-169 bet.
6. Абрамова Г.С. Практическая психология: Учебник для студентов вузов. 4-е изд., перераб. и дополн. Екатеринбург: Деловая книга, 1993.
7. Аванесов В.С. Тесты в социологическом исследовании. М.: Наука, 1982.
8. Адаптированный модифицированный вариант детского личностного опросника Р. Кеттелла: Методические рекомендации / Сост. Э. М. Александровская, И. Н. Гильяшева. Л., 1985.
9. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование. -Спб.:Питер, 2003.-688 с.
10. Елисеев О.П. Практикум по психология личности.- -Спб.:Питер, 2002.-512 с.
11. Клайн П. Справочное руководство по конструированию тестов: введение в психометрическое проектирование.-Киев, 1994.-284 с.
12. Крылов А.А., Маничева С.А. - Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии. -Спб.:Питер, 2005.-560 с.
13. Электрон кутубхона. <http://www.koob.ru>
14. Психология буйича материаллар. <http://www.psychology-online.net>
15. Флогистон. <http://flogiston.ru/>
16. Психологик кутубхона: <http://www.psychol-ok.ru/library.html>

4-БОБ. ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАРНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ

Режа:

1. Психик ҳодисаларни расмйлаштириш тарихи.
2. Психологик тестларни автоматлаштиришнинг концептуал ёндашувлари.
3. Компьютер ёрдамида психологик тадқиқотларнинг татбиқий масаларини ҳал этиш.

Психик ҳодисаларни расмйлаштириш тарихи

Психик ҳодисаларни ўрганишда уларнинг ишончли ва холисона диагностика қилиш учун энг мақбул йўллардан бири уларнинг автоматлаштиришдан иборат. Шу боисдан ҳам бугунги кун тадқиқотларида психологик ўлчаш ишларида самарадорликни ошириш ва психологик маълумотларни қайта ишлашдаги ортиқча зшриқишларни бартараф этишда методикларни автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Бу эса психодиагностикада турли хил компьютер технологияларини жадал татбиқ этишга олиб келмоқда.

Психодиагностикада дастурий таъминоти киритиш замонавий андоза сифатида эмас, балки психологик тадқиқотлардаги кўп ўлчовли ишларни компьютер ёрдамида тезкорлик билан ҳал этишга, инсон психикасини динамик ва атрофлича ўрганиш қобилиятига эга бўлиш учун унга зарурат бор. Психологик тестларни дастурий таъминоти бланкали методлардан ўзининг афзаллигини амалиётда кўрсатмоқда. Шундай бўлса-да, А.Анастаси ва С.Урбиналарнинг қайд этишича унда ҳам бир қатори камчиликлар ва фарқлар мавжуд экан. Шунга қарамай улар тестологияни қисқа вақт ичида забт этмоқда. Охирги пайтларда таълим соҳасида компьютер психологияси ҳам, компьютер психодиагностикаси курслари ҳам ўқитилмоқда. Кўп ҳолларда психологлар компьютер соҳасида тайёрланаётган тестлар ва уларнинг таҳлилларига, уларнинг психологик хулосаларига ишониб қолмоқдалар. О.К. Тихомиров ва Л.Н.Бабинлар компьютерлаштириш шароитида инсон фаолиятининг хусусиятларининг намоён бўлиши ёки

ўзгариши ҳақида ҳам сўз юритмоқда. Ҳамма ўртасида “сунъий интеллект”, “хотира машина”, “компьютер тафаккур” ва бошқа тушунчалари урфга айланмоқда. ЭҲМ инсоннинг шериги, бутун жаҳон компьютер тормоғининг шаклланганлиги эса унинг алмаштириб бўлмас “ўқитувчи” ва ҳаттоки виртуал муҳит яратилганлиги тўғрисида сўз юритмоқда.

Сунъий интеллект муаммосининг тарихий илдизлари икки назарий йўналиш асосида пайдо бўлганлигини қайд этади. Биринчидан, инсоннинг ақлий фаолиятининг алоҳида функцияларини амалга оширишга қобилиятли “ўйловчи машина” яратиш ҳақидаги қарашлар; иккинчидан эса инсон тафаккури мазмунини математик ва расмий-мантиқий операцияларига тортишига асосланган сунъий интеллект ғояси билан боғлиқдир.

Психологик тестларни автоматлаштиришнинг концептуал жиҳатлари

Яққол психологик тадқиқотларни автоматлаштириш муаммосига кўпчилик ёндашувлар психодиагностика, дифференциал психология ва бошқарув психологиясида тез ҳаракатланувчи тизимни жорий этишга эътибор қаратилди.

Автоматлаштириш ғоясининг асосида эса аниқ фан доирасида маълумотларни амалиётга қўллаш имкониятини оширишга қаратилганлиги билан характерланади.

Психология, хусусан, психодиагностика аниқ фан, унинг предмети ва объекти алоҳида прагматик характерга эга. Психологиянинг ахборотлар синчи психик ҳодисаларнинг ривожланиш ва уларни ўзгартириш қонуниятларини ёритишга асосланган. Психологик ўзгарувчиларни ўзгартириш бошқарув психологиясининг мазмуни ифодалайди. Айнан унинг маълумотлари инсонни бошқарув технологиясини аниқлайди.

Психологик ахборотларни автоматлаштириш босқичлари, бир томондан тезкорлик билан кириб келаётган психологик маълумотлар кўлами ва уларни тўпланиши, бошқа томондан эса автоматлашган

психодиагностик воситаларни қўллашнинг жорий этилиши айнан ахборотларни ўзгартиришдан бошлади.

Психологик тестларни компьютерлаштиришнинг даврларини уч босқичга жартиш мумкин:


1-босқич. 20-асрнинг 40 йилларидан бошланиб, 70 йилларигача давом этди. Бу компьютер психологик технологияларни таркиб топиш босқичи ҳисобланади. Бу даврда амалий психология фани аналитик масалаларни ҳал этишда автоматлашган воситалардан фойдалана бошлади.

2-босқич. 1970 йилнинг ўрталаридан 1980 йилнинг бошларига тўғри келади. Бу босқичда диалогик характердаги автоматлашган психодиагностик тизим вужудга келди. Маълумотларни статистик ҳал этиш билан бир қаторда компьютер тестларини ишлаб чиқиш технологияси жорий этила бошлади, тестлаштириш натижаларини қайта ишлаш тизимининг таъминоти ҳамда бирламчи эмпирик маълумотларни сақлаш элементлари татбиқ этилди.

1970- йилларнинг охири 1980 йилнинг бошларида Владовостокда психолог ва дастурчилар гуруҳи томонида 8 минг нафар экспериментал танламадан иборат кишиларни Ю.С.Касчиева раҳбарлигида комплекс психофизиологик диагностика учун автоматлаштирилган тизим МЦ КТС-128 техник воситаси ёрдамида ўрганилди.

3-босқич. Диалогик психодиагностик автоматлаштирилган воситаларни такомиллаштириш –ҳозирги кундаги компьютер психодиагностикасига тўғри келади.

Психологик диагностиканинг блок-схемаси



1-расм.

Компьютер ёрдамида психологик тадқиқотларнинг татбиқий масаларини ҳал этиш

Автоматлашган диагностик тизим методологиясининг етти асосий муаммолари мавжуд:

Биринчиси. психик функциялар моделини яшашнинг адекват ўлчамларини имконияти мавжудлиги.

Иккинчи. Компьютер психотехнологиясига ўтганда бланкли методикалар билан солиштирганда текширилувчиларнинг стимул ахборотларни идрок этиш динамикаси мавжудлиги кузатилди. Бу стимулларнинг тақдим этиш шакллари ўзгартириш оқибатида содир бўлди.

Учинчи. Автоматлашган тестлар психологларнинг чиқиш тест маълумотлари ва методикаларнинг матнли талқинини психокоррекциялаш имкониятларини пасайтириб юборди. Бу муаммо икки яққол ифодага эга. Бир томондан автоматлаштириш иш бошлаётган психологлар учун қулай бўлиб, натижаларни холислигини оширди, иккинчи томондан, натижаларни субъектив психологик талқинини пасайтирди.

Тўртинчи. Автоматлашган психодиагностик методикалар уларнинг операционал валиддигига фаол таъсир кўрсатди. Оқибатда стимулларни кўрсатиш ва идрок этиш шакллари ўзгаришига ҳамда натижаларни қайд текширилувчиларнинг ҳаракати операционал таркибини ўзгартирди.

Бешинчи. Психодиагностиканинг автоматлашганлиги ўзининг аниқлиги ва психологик маълумотларни қайта ишлашининг тезлиги билан ўзига жалб этади ҳамда экспериментатордан компьютер саводхонликни оширишини доимий талаб этади.

Олтинчи ва еттинчи. Технологик муаммолари кўп жиҳатдан текширилувчи ва психолог-тадқиқотчи жараёндаги хатолари билан ва текшириш процедураси, методикаларни конструкцияси ўзгаришига боғлиқ

мезонлари мавжуд. Компьютер ёрдамида психологик маълумотларни статистик қайта ишлашдаги хатолар сонини пасайтирди. Аммо эмпирик маълумотларни киритиш, формаллаштириш (ишончлилиқ интервали ва ҳисоблардаги хатолар) хато-нуқсонлар ва иккиламчи ахборотларни сақлаш (маълумотлар базасини ишлаб чиқиш муаммоси), психологик маълумотларни талқин этиш ва коррекциялаш, шунингдек, ЭХМ ёрдамида тестлаштиришнинг боришида мотивациялари динамикасини ҳисобга олиш муаммолари мавжуд.

Назорат саволлари::

1. Тестларни компьютерлаштиришга зарурат нима?
2. Компьютерлаштиришдаги илк психологик масалалар қандай бўлган?
3. Тестларни компьютерлаштириш қандай босқичларга эга?
4. Тестларни компьютерлаштириш билан боғлиқ муаммолар.
5. Психик функциялар моделини яшашнинг адекват ўлчамларини имконияти мавжудлиги деганда нима тушунилади?
6. Автоматлаштирилган ва бланкли тестларни ўзига хослиги нималарда?
7. Компьютерлаштирилган тестларда стимулларни идрок қилишдаги ўзгариш нима?
8. Тестларни компьютерлашдаги технологик муаммолар нимадан иборат?

Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати:

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.
2. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401
3. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.

4. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.
5. Расулов А.И. Психодиагностика.-Т., “Mumtoz so'z”, 2010.-169 bet

5-БОБ. ТЕСТЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙИ ВА ЭТИКАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Режа:

1. Психологик тестлаштириш ва психологик баҳолашнинг этикавий масалалари.
2. Тестлардан фойдаланувчиларнинг касбий компетенцияси.
3. Шахснинг дахлсизлигини таъминлаш. Конфиденциаллик.

Тест текширув натижаларига асосланиб, психопрофлактик ва психокоррекцион усуллар танланади ҳамда амалда тадбиқ этилади. Тест текширувлар жуда қийин иш бўлиб, психологдан катта масъулият талаб этади. Тест текширувда йўл қўйиладиган хато педагогик муаммолар ечимини анча чигаллаштириб, психологик ёрдам кўрсатишда чекланишларга олиб келиши мумкин. Таълим муассасаларида, айниқса, касб-ҳунар коллежларида психологик хизмат кўрсатадиган психолог-ходим бу масалага жиддий эътибор қаратиши зарур. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Охириги ўн йилликда теста таълимда кенг қўлланилмоқда, психологик хизмат кўрсатишда унинг натижаларига таянилмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда деярли барча таълим муассасаларида амалиётчи психолог лавозими ташкил этилди. Бироқ кадрларнинг етишмаслиги сабабли айрим таълим муассасаларида малака оширмаган, қайта тайёрловдан ўтмаган ёки қисқа муддатли оддий курсларда таҳсил олган шахслар психолог лавозимида фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг таълим муассасасидаги психологик муаммоларни ҳал этишга уринишлари ижобий ҳол. Аммо теста бўйича етарлича билимга ва амалий психологик тажрибага эга бўлмаслик ўз фаолияти натижаларига ишончсизлик туғдириши мумкин. Зеро, тест тадбирларни ўтказишнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Энг биринчи галда мутахассис-психолог касбий-этикавий қоидаларни жуда яхши билиши зарур.

Тўғри, республикамиз таълим муассасаларида психологик хизмат кўрсатиш бўйича махсус Низом ишлаб чиқилган бўлиб, унда таълим муассасаси психологининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Лекин биргина расмий ҳужжат — Низомга таяниб ишлаш билан ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Тест текширувларда касбий тайёргарлик ва мутахассислик бўйича чуқур билим ва педагогик маҳорат касбий фаолият учун асосий мезон ҳисобланади.

Беморни тиббий текширувдан ўтказиш ёки унга ташхис қўйишда врачдан қанчалик масъулият талаб этилса, тест текширувлар ўтказишда психологдан ҳам шунчалик катта масъулият талаб этилади. Негаки таълим тизимида тест тадбирларни тўғри ташкил этиш мутахассислар фаолият йўналишини тўғри белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон психологияси тажрибалари кўрсатадики, теста ва психологик тестлар билан шуғулланишда маълум стандартлар ва кодексларга амал қилинади. Ушбу стандарт ва кодексларга кўра, тест методика натижаларини шарҳлаш учун психолог масъулдир. Агар психодиагностик текширув натижасида текширилган шахс бирор маънавий ёки моддий зарар кўрса, психолог жавобгар ҳисобланади. Бундан кўринадики, психолог-психодиагност ўзининг касбий ҳуқуқига эга. Улар касбий-этикавий тамойилларни доимо ёдда тутиши ва уларга амал қилиши лозим. Биз тақдим этаётган касбий-этикавий тамойиллар фақат мутахассис-психологлар учунгина эмас, балки таълим муассасаси раҳбари, педагоглар учун ҳам мўлжалланган. Касбий фаолият жараёнида ушбу касбий-этикавий тамойилларга амал қилиш фойдадан холи эмас.

Тест методикалардан фойдаланишда махсус тайёргарликка эга бўлиш. Ушбу тамойилга кўра, тест методикаларни амалий қўллаши учун мутахассис-психолог етарлича касбий тайёргарликка ва психологик билимга эга бўлиши зарур. Чунки ундан таълим муассасаси муаммосидан келиб чиққан ҳолда теста методикаларини танлай билиш, уларни тўғри татбиқ этиш ва натижаларни ҳаққоний таҳлил этиш талаб этилади. Масалан,

маънавий ривожланишдан орқада қолган ўқувчилар билан шуғулланувчи психолог нафақат теста методикаларини, балки ўқувчиларда кузатиладиган номукамаллик даражаларини ҳам билиши лозим бўлади. Шунингдек, психолог танланган методикага алоқадор бўлган илмий адабиётларни, методиканинг техник кўрсаткичларини, яъни ишончлилиги, валидлиги, ҳаққонийлиги ва меъёрларнинг кафолатланганлигини баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Касбий сирларни сақлаш. Ушбу тамойилга кўра, танлаган методикалар моҳияти бошқаларга овоза қилинмаслиги ва улардан ғайри инсоний мақсадларда фойдаланилмаслик керак. Касбий сирни сақлаш психологнинг нуфузи ва обрўсини таъминлайди, шу билан биргаликда теста методларини тўғри ва аниқ қўллашга хизмат қилади, ташқи аралашувларга йўл қўйилмайди. Теста методларидан муҳим бўлмаган масалаларда фойдаланиш ёки уларни мутахассис бўлмаган шахсларнинг қўллаши фанда ёлғон маълумотларнинг қўпайишига олиб келиши мумкин. Демак, таълим муассасасида ташкил этиладиган тест текширувларни ўтказишда ушбу тамойил психологнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Шахс ҳуқуқларини таъминлаш. Бу — психологиядаги мураккаб масалалардан бири. Қатор тестлар шахснинг ҳиссий ва мотивацион соҳаларини, барқарор ҳолатлари, ички кечинмалари (установкалари)ни ўрганишга қаратилган бўлади. Бунда шахснинг ўзи хоҳламаган ёки англаб етмаган хусусиятлари аниқланиши мумкин. Бундай ҳолда шахснинг маънавий зарар кўришига йўл қўйилмаслиги керак. Шунинг учун текширилувчи шахс текшириш натижалари бўйича ким ва қандай қарор қабул қилиниши ҳақида огоҳлантирилиши, яъни уни тест синовидан ўтказиб, сирларини барчага ошкор қилмаслик керак. Агар текширилувчи балоғатга етмаган бўлса, унинг ота-онаси тест натижаларидан хабардор бўлиши керак. Ушбу касбий-этикавий тамойилга кўра, тест текширувда иштирок этаётган шахс ҳуқуқлари ва сирлари ҳимоя қилинади. Бу гарчанд

психолог ишини мураккаблаштира-да, лекин унинг касбий тайёргарлигига талабни кучайтиради.

Ҳаққонийлик. Бу тамойилга кўра, психолог текширишлар ўтказиш жараёнида текширилувчи шахсига у ёки бу даражада (ижобий ёки салбий) таъсир ўтказмаслиги керак. Тест ўтказиш жараёнида унга нисбатан симпатия ёки антипатияга йўл қўйилмаслиги, муносабатлар самимий ва холис бўлиши лозим. Унга хайрихоҳ муносабатда бўлиб, бирор тест саволи жавобини айтиб юбормаслик талаб этилади. Мабодо синалувчи тест йўриқномасини тушунмасдан топшириқларни бажарган бўлса, уни тузатиш юзасидан кўрсатма бериш мумкин.

Конфиденциаллик. Текширув натижалари сир сақланиши ва улардан тегишли шахслар (психологлар, педагоглар, ота-оналар) фойдаланиши зарур. Текшириб кўрилган ўқувчининг розилиги асосида текширув натижалари бошқаларга маълум қилиниши мумкин. Агар ўқувчи тестдан паст натижа олган бўлса, психолог бу ҳақда унинг ота-онасига дарҳол маълум қилмаслиги, бақлки кейинроқ олинган натижалар учун унинг зинҳор айби йўқлигини тушунтириши лозим. Энг муҳими, тестдан паст натижа олгани учун ўқувчининг ота-онаси томонидан жазоланишига йўл қўймаслиги керак. Агар ўқувчи олган натижалар уни огоҳлантирмасдан ота-онаси ёки ўқитувчига тақдим этилса, психолог хатога йўл қўйган ҳисобланади. Маълумотлар кимга тақдим этилиши ҳақида ўқувчи (ёки текширувдан ўтган шахс) хабардор бўлиши шарт.

Текширув натижаларини психопрофлактик изоҳлаш. Ушбу касбий-этикавий тамойилга кўра, агар текширилувчи шахс ҳақида тақдим этилган далилий материаллардаги маълумотларга тузатиш киритиш ёки уларни аниқлаштириш талаб этилса, текширилувчининг ўзи натижалар мазмуни бўйича шарҳ бериши мумкин. Масалан, таълим муассасасида ўқувчи ҳақидаги текширув натижалари ўқитувчи томондан сўралмаса, ёки аксинча, ушбу маълумот ошкор қилинган ҳолда ўқувчининг психологик ҳолатида

салбий ўзгаришлар юз бериши мумкинлигини психолог билса, у ўқувчи ҳақидаги маълумотларни ўқитувчига умуман тақдим этмаслиги керак.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, тест ишларни ташкил этишда психолог бир қанча талабларга амал қилиши лозим:

Биринчидан, психолог дифференциал психометриянинг асосларини ва психологик адабиётларни таҳлил этиш методларини, умумий назарий-методологик тамойилларни амалий қўллашни билиши ва удаллаши лозим.

Иккинчидан, ахборот маълумотлар банкени ва тест воситалари банкени яратиши зарур.

Учинчидан, тест текширувлар ўтказувчи психолог тест маълумотлари асосида қабул қиладиган қарори, қўлланилган методиканинг валидлигини ва ташхиснинг зарурий ишончлилик даражасини таъминлаш учун масъул.

Тўртинчидан, психолог тестанинг комплекс методикасини ишлаб чиқишда диагностиканинг юқори самарадорлигига асосланиши, тегишли соҳада қўлланиладиган усулларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориши керак.

Бешинчидан, диагностик иш жараёнида тест методикаларни стандартлаштириш талабларига риоя этиши, олинган маълумотларни қайта ишлаши ва талқин қилиши керак.

Олтинчидан, психологдан методик воситалардан тўғри фойдаланиш, психологик ахборотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш, шуниКасбий йўналишдаги фанларни ўрганиш, ишлаб чиқариш таълими бўйича ўтказилган амалий ишлар (айниқса, юқори курсларда) ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича олган билимларини мустаҳкамлайди, уларни тўлдиради ва чуқурлаштиради.

Назорат саволлари::

1. Касбий этикавий тамойиллар нима?
2. Касбий этикавий тамойилларнинг қандай кўринишлари мавжуд?

3. Тест методикалардан фойдаланишда махсус тайёргарликка эга бўлиш тамойили нима?
4. Касбий сирларни сақлаш тамойили нима?
5. Шахс ҳуқуқларини таъминлаш тамойили моҳиятини қандай тушуниш мумкин?
6. Ҳаққонийлик тамойилини моҳиятини изоҳланг?
7. Конфиденциаллик тамойилининг асосий хусусияти нима?
8. Текширув натижаларини психопрофлактик изоҳлаш нима?

Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати:

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.
2. Войтов А. Г. Тестология гуманитариям. Теория и практика учебного тестирования. 2-е перераб. изд., руководство педагогам гуманитарных, социальных и экономических наук; уч. пособие для студ. педвузов; – М.: 2005. - с. 401
3. Войтов А.Г. Тестология. М.: Эндемик, 2004, 220 с.
4. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. –М.: Изд-во Институт психотерапии, 2005.-688с.
5. Расулов А.И.Психодиагностика.-Т., “Mumtoz so’z”, 2010.-169 б.

ГЛОССАРИЙ

Адолатлилик-яхши тест барча текширилувчилар учун бир хил шарт-шароит қўйилиши.

Баҳоларнинг миқдорий дифференциаллашган характерга эгаллиги- Тест шкалалари ва стандартлашганлик унинг аниқловчи инструменти саналади ҳамда ўлчанаётган хусусиятни миқдорий баҳолаш имконини бериш.

Вазиятли тестларда эса теширилувчилардан мураккаб социал вазиятлардаги хулқ-атвор, воқеликка яқин тимсолларини танлаш таклиф этилади. Бу орқали шахснинг асоциал хулқга мойиллиги, ҳаракат ва қарорларидаги барқарорлик диагноз қилинади.

Вақтнинг қатъий белгиланганлиги. Бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бирқанча хорижий тест топшириқларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлди.

Валидлик- бу тестларнинг иккинчи психометрик талаби бўлиб психодиагностикада турлича изоҳланади. Валидлик методиканинг сифатини ҳамда ўрганилган хусусият маъсуллиги ва баҳолаш, нимани ўрганишга қодирлигини изоҳловчи тушунчадир.

Вариативлик. Ўқув материалидаги маълум бир мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалига тегишли тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш ёълида топшириқлар туркумини яратиш имконини беради (инвариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига

асосланган. Бунда компютер навбатлаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

Виждонлилик шахсни ижтимоий норма ва этика талабларига ҳурматини, ўзини -ўзи назорат қилиши, виждони ва умуминсоний қадриятларга муносабатини белгилади).

Депрессия- шахсдаги салбий эмоционал фонни, мотивациясидаги ўзгаришларни, когнитив (билиш) тасаввурлари ва хулқидаги умумий пассивликни ифодалайди.), виждонлилик.

Изчиллик. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга таалуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айна бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатида (коррелятив) кўринади.

Илмий аниқлик. Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

Индивидлик-ижтимоий меъёрий вазиятларга маълум нисбийлик берувчи ҳаётий фаолият тажрибасини шартлайди.

Индивидуал ёндашувнинг йўқлиги -тест ёппасига ўтказишга анча кўл келганлиги сабабли, унда индивидуал характердаги жиҳатлар эътибордан четда ҳам қолиб кетади.

Инновация- лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман” маъносини билдиради.

Интеграция - қандайдир қисмларни бир бутунга бирлаштириш, ниманингдир таркибига кириш (иктисодий интеграция, илмий интеграция).

Интеллект - шахснинг янги билим ва кўникмаларни тез ва осон

Интеллект тестлари-инсоннинг ёш жиҳатдан интеллектуал ривожланганлигини ўлчашга мўлжалланган тестлардир. Кўпроқ интеллект билан ҳолатда индивидуалликнинг ҳамма турлари эмас, балки билиш жараёнлари ва функцияларига боғлиқ муносабатлар (тафаккур, хотира, диққат ва идрок) инобатга олинади.

Интроверсия шахснинг ижтимоий муносабатларга боғланиши.

Ихчамлик. Тест топшириқларининг матни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўламли ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузилгани маъқул.

Ишончлилик – бу проектив тестлар учун ҳам қўлланиладиган психометрик талаб бўлиб, агар бунга эътибор берилмаса, натижалар интерпритациясини тўхтатиб қўйиш мумкин. Агар тест натижалари талабга жавоб бермаса, ретест ўтказиш талаб этилади. ТАТ методикасида айниқса ўтказилган сана ва жавоблар протоколи аниқ солиштирилиши ҳам самара бериши мумкин. Ранглар индекси ҳам ҳисобга олинади.

Ишончлилик шароитларини бўлмаслиги-тест процедураларининг расмийлик характерига эга эканлиги, психологни унинг муаммосига шахсан қизиқишига нисбатан ишончсизликни олиб келади.

Касбий сирларни сақлаш. Ушбу тамойилга кўра, танлаган методикалар моҳияти бошқаларга овоза қилинмаслиги ва улардан ғайри инсоний мақсадларда фойдаланилмаслик керак. Касбий сирни сақлаш психологнинг нуфузи ва обрўсини таъминлайди, шу билан биргаликда теста методларини тўғри ва аниқ қўллашга хизмат қилади, ташқи аралашувларга йўл қўйилмайди. Теста методларидан муҳим бўлмаган масалаларда фойдаланиш ёки уларни мутахассис бўлмаган шахсларнинг қўллаши фанда ёлғон маълумотларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Демак, таълим муассасасида ташкил этиладиган тест текширувларни ўтказишда ушбу тамойил психологнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Катартистик мазмунли проектив тестларга ўйин фаолияти билан белгиланадиган тестлар киради.

Компьютерлаштириш имконияти-оммавий тест тадбирларини ўтказишда унинг натижаларини қайта ишлаш ва вақт тежамкорлигини оширишга ёрдам беради.

Конституциявий характердаги проектив методикалар инсонлар ва ҳайвонлар фигуралари, моделлари орқали шахс хусусиятларини таҳлил этади.

Конфиденциаллик. Текширув натижалари сир сақланиши ва улардан тегишли шахслар (психологлар, педагоглар, ота-оналар) фойдаланиши зарур. Текшириб кўрилган ўқувчининг розилиги асосида текширув натижалари бошқаларга маълум қилиниши мумкин. Агар ўқувчи тестдан паст натижа олган бўлса, психолог бу ҳақда унинг ота-онасига дарҳол маълум қилмаслиги, бақли кейинроқ олинган натижалар учун унинг зинҳор айби йўқлигини тушунтириши лозим. Энг муҳими, тестдан паст натижа олгани учун ўқувчининг ота-онаси томонидан жазоланишига йўл қўймаслиги керак. Агар ўқувчи олган натижалар уни огоҳлантирмасдан ота-онаси ёки ўқитувчига тақдим этилса, психолог хатога йўл қўйган ҳисобланади. Маълумотлар кимга тақдим этилиши ҳақида ўқувчи (ёки текширувдан ўтган шахс) хабардор бўлиши шарт.

Қобилият тестлари. Текширилувчининг бирон бир соҳа-математика, техника, адабиёт, бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича билим, кўникма, малакаларини эгаллашдаги имкониятларини баҳолаш учун мўлжалланган тестлардир.

«Кўр-кўрона» хатога йўл қўйиш хавфи- йўриқномаларни тушунмасдан жавоб беришга тўғри келиб қолиши.

Маиший номланиш –сўровнома факторларини умум учун қўл келадиган тарзда факторларни аташда қўлланилади. Бу эса психологларни мутахассис бўлмаганлар билан мулоқоти учун фойдаланилади. Масалан, А фактор-«илиқлик-совуқлик» (аффектотимия-сизотимия), С-фактор

«эмоционал барқарорлик-беқарорлик» («Мен» кучи-«Мен»нинг кучсизлиги).

Материалнинг аҳамиятлилиги. Тест саволларига ўқув материалнинг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий хулосага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий хулосалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғлик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилиятларини кўрсатади.

Метод- юнонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.

Методология (фанда) - илмий тадқиқотда фойдаланиладиган методлар мажмуи; олимнинг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш ва тузиш усуллари ҳақидаги таълимот.

Муомалага киришимлилик (мулоқотмандлик шкаласи шахснинг мулоқот жадаллиги ва қўламини белгилайди).

Назария (илмий) - воқеликнинг у ёки бу соҳасидаги қонуниятлар ҳақида яхлит тасаввур берувчи илмий билимни ташкил этиш шакли.

Назокатлилик шахснинг маданият ва жамият кўрсатмаларига назокатлилик билан ёндашиши ўз ифодасини топади) киради.

Невротизм-шахснинг эмоционал беқарорлиги, безовталаниши, ўзига паст назар билан қараши, вегетатив бузилишларини тавсифловчи ҳолатдир.),

Ноадекват мураккаблик индивидуал ёндашувнинг йўқолиши-баъзан юқори маълумотли даражасида тузилмаган тестларда ҳаддан ортиқ мураккаблик ёш хусусиятларига таъсир этади.

Оптимал мақбул мураккаблик-профессионал тарзда тайёрланган тест топшириқлари оптимал мураккабликка эга бўлдаи. Бунда ўрта синалувчи максимал миқдордаги баллнинг 50 фоизини тўплай олиши керак.

